

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АКАДЕМИК С.Ю. ЮНУСОВ НОМЛИ ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ  
КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**Тайжанов К., Нигматуллаев Б.А., Сагдуллаев Ш.Ш.**

**ЎЗБЕКИСТОН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИ ЛОТИНЧА  
НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ЛУҒАТИ.**

**ТОШКЕНТ 2014**

**НАШРИЁТИ**



## Муқаддима

Мазкур луғатда баён этилган доривор ўсимликлар тўғрисидаги маълумотлар ўтган аср ўрталаридан бошлаб чоп этилган турли дарсликлар ва луғатларда ҳам келтирилган.

Луғат кундалик ҳаётида доривор ўсимликлар, ўсимлик хом ашёлари ва препаратларини лотин тилидаги номи билан иш қирувчи мутахасислар, дорихона ходимлари, провизор ва шифокорлар, талабалар учун мўлжалланган.

Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда қадимда, ҳатто ота-боболар эслаша олмайдиган замонлардан буён ўсган ўсимликлардан шифобахш хусусиятига эга бўлган турлар қанчаю, уларни номи нимани ифодалайди, ўзга юртлардан турли сабаблар билан олиб келиб ўстирилган ўсимликлар қандай номланади каби саволлар мутахасисларни ҳам, талабаларни ва ҳатто, лицей, коллеж ва мактаб ўқувчларини ҳам қизиқтириши табиий.

Эрамиздан аввал ўсимликлар номи юнон ва лотин тилларида Аристотель, Теофраст, Гиппократ, Гален, Диоскорид, Плиний каби олим ва табиатшунослар асарларида ёзиб қолдирилган.

Кейинчалик, Ўрта аср шарқи таъбаотида оид асарлар юзага келиши билан ўсимликлар номи ҳам ҳақим ва табиблар асарларида қайд этилган. Лекин у вақтларда ўсимликлар номи ҳозиргидай систематик тизимга (оила, туркум, тур) солилмаган. Эрамиздан аввал 6 асрда Милетлик Рекатейнинг Хоразм ҳақидаги маълумотида “Хорасмия тоғларида ўрмонларида тиконлик кинара ... тол ва юлғун ўсган”лиги қайд этилган (Сулаймонова 1991). Кейинчалик зардуштийларнинг “Авесто” номли китобида, муборак “Ҳадис”лар ҳамда Абу Бакр Розий, Абу Али ибн Сино, Ал-Беруний, Юсуфий каби алломалар ва ҳақимлар китобларида ўша давр таомили бўйича араб ва форс тиллари билан маҳаллий тилларида ҳам зикр қилинган. Бу борада шоир Бобурнинг “Бобурнома” номли китобида келтирилган ўсимликлар номи ҳам диққатга сазовордир.

Эндиликда диёримизда учрайдиган жами ўсимликлар 4500 турдан иборат эканлиги аниқланган бўлса таниқли доришунос олим, проф.Х.Х. Холматов маълумотига кўра уларнинг 600 га яқин тури шифобахш ўсимлик ҳисобланади (б.ф.д.Қ.Хожиматов аниқлашича 1200тур).

Бу маълумотда фақат халқ табobati ва илмий тиббиётда қўлланилиб келинаётган доривор ўсимликлар номи инобатга олинган.

Ҳозиргача ўсимликлар номи Карл Линней (1701-1778йиллар) замонларидан бери қабул қилинган қоидага асосан лотин тилида қўш (бинар) ном билан аталиб келинмоқда. Шундай экан лотин тилидаги номни-этимологик маъноси (юнон тилида “etymologia” - “etymen” – чин, ҳақиқат, “logos”- таълимот) ни шархловчи қўлланма зарурати келиб чиқади.

Замонавий ботаника ва доришуносликка (фармакогнозия) оид адабиётлар, дарсликлар ва қўлланмаларда ҳам ўсимликларни лотин ва маҳаллий тиллардаги номи берилган. Аксарият ҳолларда ўсимликларни лотинча номлари ҳам юнон (грек) тилидаги номлар, баъзан араб, санскрит, кельт каби халқлар тилларидаги номлар билан боғлиқ.

Баъзи ўсимликларни туркум ва турлари номига аҳамият берилса ушбу номларда ўсимлик аъзолари – барглари, гуллари, меваларини шакли-шамоили, ҳатто дориворлик хусусияти ҳам инобатга олинган. Ўсимликларни қандай экологик шароитда ўсиши чўл (ammos), тоғ (montis), дарё (rivale), ўрмон (sylvestris), ботқоқ (palustris) каби номлардан ташқари олимлар- ботаник ва шифокорлар номи билан аталган ўсимликлар (Ungernia, Bergenia, Magnolia, Sternbergia, Rauwolfia ва ҳ.к.), географик номлар (pamiro-alaica, turkestanica, asiatica, talassica, zeravschanica, ferganica, karatavica, songorica) билан аталган туркум ва турлар номи ҳам анчагина.

Бундай номлардан ташқари ўзбек тилида уй ёки ёввойи ҳайвонлар, қушлар номи билан азалдан аталиб келинаётган номлар ҳам мавжуд: сигирқуйруқ, итбурун, арслонқуйруқ, айиқўт, суғурўт, маралқулоқ,

тулкиқуйрук, ғозпанжа, архаршаир, айиқтовон, бақатерак каби номлар шулар жумласидандир.

Шу хусусда яна бир маълумотни инобатга олиш лозим. Маълумки лотин, рус ва тожик тилларида ўсимликларни бинар номлашда ўхшашлик мавжуд яъни аввал туркум, сўнгра тур номи келтирилади, лекин ўзбек тилида бунинг акси - аввал тур номи (сифат ҳолида), кейин эса туркум номи (от) келтирилади.

Масалан, *Morus alba* (лотинча) - Тутовник белый (русча) – Сафедитут (тожикча)- Ок тут (ўзбекча); *Prunus divaricata* (лот.) - Слива растопыренная (рус.) – Оличаи Кўхий (тож.) – Тоғ олча (ўзб); *Gratiola officinalis* (лот.) - Авран лекарственный (рус.) - Алифи сафро(тож.) - Сафро ўти (ўзб); *Trifolium pretense* (лот.) - Клевер луговой - Себаргаи сурх (тож.) - Қизил себарга (ўзб.) ва ҳ.к.

Луғатда келтирилган таксонлар номи “Халқаро ботаника номенклатураси кодекси” («Международный кодекс...», 1974) қоидаларига асосланиб, янги систематик тизим (Тахтаджян,1987) бўйича жойлаштирилди, оилаларни ўзбекча номлашда эса сўнги маълумотномалар (Пратов, Одилов, 1995; Prатов, Nabijev, 2007ва б.) инобатга олинди.

Ушбу маълумотномани тўплаш ва изоҳлашда имкон қадар илмий адабиётлар, маълумотномалар ва луғатлардан (адабиётлар рўйхатиға қаранг) фойдаланилди. Айрим таксонлар номи олимлар, ботаниклар, табиатшунослар, шифокорлар номлари билан аталган тақдирда маълумотлар К.Линнейнинг “Философия ботаники” (М., 1989) номли китобидан олинди.

Тақдим этилаётган этимологик луғатда фақат доривор ўсимликлар ва уларнинг препаратларига бағишланган бўлибгина қолмай, балки Ўзбекистонда ўсадиган 350дан зиёд доривор ўсимликлар, улардан олинган дорилар (препаратлар) номи, ўсимликларни хом ашёлари [илдизи, ер устки қисми, барглари, гули, меваси (дони), пўстлоғи ва ҳ.к], доривор маҳсулоти (илмий ва махаллий номи) каби маълумотлар берилди.

Айрим ҳолларда ўзга минтақаларда учрайдиган доривор ўсимликларнинг бошқа тури бизнинг ҳудудда ўсган тақдирда аввал ўша ўсимлик номи, кейин

Ўзбекистонда учрайдиган тур (баъзан синоним) келтирилган. Масалан, Сибирь ва Олтой ўлкаларида ўсадиган Маралқулоқ (*Rhaponticum carthamoides*) ўсимлигининг Ўзбекистонда Содак (*Rh. Integrifolium*) номли тури ўсади. Иккала ўсимлик препарати бир хил хусусиятга эга. Украинанинг Карпат тоғида ўсадиган Галантус (*Galanthus woronowi*) ўсимлигидан ажратилган алкалоид (галантамин) Ўзбекистоннинг жанубида (Ҳисор тоғи) учрайдиган Омонқора (*Ungernia victoris*) номли ўсимликда аниқланган. Галантамин гидрохлорид болаларда учрайдиган шол касаллигини даволашда қўлланилади. Бундай хусусиятларга эга бўлган ўсимликлар ҳам талайгина. Шундай экан баъзи ҳолларда айрим доривор ўсимликлар бизнинг ҳудудда ўсмаган бўлса ҳам, уларнинг ўлкамиздаги бошқа турлари (моддалари бир хил табиатга эга бўлган тақдирда) луғатга киритилди.

Ушбу маълумотнома илк бор тайёрланиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётганлиги сабаб, унда камчилик ва баъзи нуқсонлар бўлиши табиий. Этимологик луғат ҳақидаги танқидий фикр ва мулоҳазалар муаллифлар томонидан мамнуният билан қабул қилинади.

**1. *Abutilon theophrasti* Medic. – Канатник Теофраста - Дағал каноп.  
(Malvaceae Juss. – Мальвовые – Гулхайридошлар).**



Ўзбекистонда дағал канопнинг бир тури ўсади.

Ўсимлик шарқ табобати даҳоси ва файласуфи Ибн Сино (980-1037й) номи билан аталган. *Abutilon* юнонча “а”- инкор, “bous” - хўкиз, буқа, “tilos” – суюқ аҳлат. Ўсимлик хайвонларда ич кетишга қарши ишлатилган.

Кимёвий таркиби. Илдизида углеводлар, сапонинлар, флавоноидлар, баргида витамин С, уруғида – алкалоидлар, ёғ (15-30% гача) ва фитин (3%) аниқланган.

Ишлатилиши. Халқ табобатида дағал каноп яраларни битирувчи, сийдик ҳайдовчи, кўкракни юмшатувчи ва балғам кўчирувчи восита сифатида қўлланилади.

**2. *Abies sibirica* Ledeb. – Пихта сибирская - Сибир пихтаси (Pinaceae  
Lindl. – Пихтовые - Қарағайдошлар)**



Ўрта Осиёда Ғарбий Тиён-Шон тоғларида ўсади.

Шаҳарларда (Самарқанд) манзарали дарахт сифатида ўстирилади.

Туркум номи лотин тилидан нинабаргли ўсимлик (қарағай ёки қорақарағай) номи билан боғлиқ. Тур номи “sibirika” эса ўсимликни ўсган географик жойи.

Кимёвий таркиби. Барглари ва ёш новдаларида эфир мойлари, монотерпенлар (камфен,  $\alpha$ - $\beta$ -пиненлар, дипентен ва бошқалар), баргларида С-витамини бор.

Доривор махсулоти: *Summitates*

*Abietis* – Пихта новдалари.

Ишлатилиши. Мойи камфора олишда асосий манбаа булиб, ревматизм, невралгия касалликларига даъво, ҳамда томоқ оғриганда инголяция қилинади. Пўстлоғидан олинадиган “живица” куйганга қарши, яраларни битирувчи ва микробларга қарши хусусиятга эга.

**3. *Aconitum zerawschanicum* Steinb. Аконит зерафшанский – Борец – Зарафшон парписи. (Ranunculaceae Juss. – Лютиковые – Айиктовондошлар).**



Ўзбекистон флорасида парпининг уч тури маълум.

Феофраст ва Никандр маълумотида тик қояда ўсувчи захарли ўсимлик юнон тилида “aconiton” деб аталган. Тур номи “zerawschanicum”- ўсимлик ўсган географик жой номи.

Кимёвий таркиби. Илдизи ва ер устки қисмида дитерпен алкалоидлар (гетератизин, зарафшанидин ва б.), крахмал, органик кислоталар мавжуд.

Ишлатилиши. ЎзФАсининг акад.С.Ю. Юнусов номли Ўсимлик моддалари кимёси институтида (ЎМКИ) оқ парпидан ажратиб олинган алкалоидлар асосида гетератизин алкалоиди асосида препарат яратилиб,

антиаритмик восита сифатида амалий тиббиётга тавсия этилган.

**4. *Acroptilon repens* (L.) DC. – Горчак пользучий – Какра, Ўрмаловчи какра. [(Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke.) – Астровые (Сложноцветные) - Қоқиўтдошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Республика флораси учун ҳам тур келтирилган.

Юнон тилида “acron” - уч, тиф, “ptilon” – қанот. Ўткир ўсимтали ўрамабарг номи билан боғлиқ.

Кимёвий таркиби. Таркибида сесквитерпеноидлар (репин, акроптилин) бор.

Ишлатилиши. Ер устки қисмининг қайнатмаси безгак ва тутқаноқ (эпилепсия) касалликларини даволашда, сув ва спиртдаги экстракти қичимани даволашда ҳамда гижжа хайдовчи восита сифатида ишлатилади.

**5. *Robinia -Acacia* Willd. – Акация розовая – Пушти акация [(Fabaceae Lindl. (Leguminosae Juss – Мотильковые (Бобовые) - Бурчокдошлар (Дуккакдошлар)].**



Юнон тилида “асасиа” (“асе” – тикан) сўзидан олинган бўлиб, тахминларга кўра Феофраст ва Диоскорид Мисрдаги тиканли бир дарахтни (эҳтимол *A.tortilis*) номи сифатида келтиришган. Ватани Шарқий Австралия. Асосан манзарали ўсимлик сифатида шаҳарлар ва Ботаника боғларида иқлимлаштирилган.

Доривор махсулоти: *Gummi Acaciae seu Gummi arabicum* – Акация елими, Арабистон елими (гуммиарабик). Тиббиётда эмульгатор сифатида ҳамда таблетка ва ҳабдори тайёрлашда ишлатилади.

“Gummi” юнон тилида “kommi”, лотинча “commis”, “commi” каби сузлардан олинган. “Арабистон елими” (“arabicum”) қадимда Африка мамлакатларидан Арабистон бандаргоҳлари (порт) орқали Европага олиб ўтилгани боис шундай аталган.

**6. *Achillea millefolium* L. – Тысячелистник обыкновенный – Бошоғрик ўт, Оддий бўймодарон, [(Asterceae Dumort. (Compositae Giseke – Астровые (Сложноцветные) - Қоқидошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Ўзбекистонда бўймодороннинг 5 тури ўсади.

Антик муаллифлар ўсимлик номини Троя уриши қахрамони Ахилла номи билан боғлайдилар. Аслида эса туркум номи юнонча “Achilleros” яъни “Ахилла томонидан кашф этилган” деган маънога эга, Ахилла шу ўсимлик билан ярадорлар жароҳатини даволаган эмиш.

Баъзилар ўсимлик номи юнон тилида “Chilos” – яшил озуқа ёки “chiloi” – минг маъносида, “millefolium” эса лотинча “mille” – минг, “folium” – барг яъни ўсимлик баргини ўта кўп (минг бора) қирқилганига ишора деб изоҳлайдилар.

Кимёвий таркиби. Бўймодарон ер устки қисмидан ва гулларидан эфир мойи, каротин, витаминлар (С, К), флавоноидлар, алкалоидлар, аччик ва ошловчи моддалар ажратилган.

Доривор махсулоти:

- а) Herba Millefolii – Бўймодарон ўти.
- б) Folium Millefolii – Бўймодарон барглари.
- в) Flores Millefolii – Бўймодарон гуллари.

Ишлатилиши. Доривор препаратлари дамлама ва суюқ экстракт ҳолида меъда - ичак касалликларини даволаш, иштаҳа очиш ҳамда қон оқшишни тўхтатиш учун қўлланилади.

Гуллари ва ер устки қисми йиғма чойлар таркибига киради.

Бўймодароннинг яна учта тури *A. biebersteinii* С. Afan, , *A. santolina* L., *A. filipendulina* Lam. халқ табобатида қўлланилади.

Кимёвий таркиби. Ўсимликларнинг ер устки қисмида эфир мойлари, флавоноидлар (гиперозид, лютелин), органик кислоталар (сантолин, сантолинол), С, К витаминлари, қандлар, ошловчи моддалар аниқланган.

Ишлатилиши. Ўсимлик дамламалари ва қайнатмалари халқ табобатида меъда касалликларига, ўпка сили ва бош оғриғига даво бўлиши билан бирга турли қон оқшиларини тўхтатувчи восита сифатида қўлланилади.

**7. *Acorus calamus* L. – Аир болотный – Игир, Ботқоқ игири. (Acoraceae Agardh – Аировые – Игирдошлар).**



Ўзбекистонда Амударёнинг қуйи оқимида ўсади.

Туркум номи юнон тилида “асоґос” сўзидан олинган бўлиб, Феофраст илдизи хушбўй хидли бўлганлиги учун шундай атаган.

Плиний эса “а” – инкор, “кога” ёки “коге” – кўз, гавҳар маъносида (кога) келтирган, чунки ўсимлик кўз касаллигини даволашда ҳам қўллашган экан.

Тур номи “calamus” юнонча “calamos” – қамиш демак, у ўз навбатида араб тилидаги “калем” – қадимда мумтоз шоирлар қўлланилган сиёҳ қалам номи билан боғлиқ. Шунингдек игир дарёлар бўйида қамиши билан бирга ўсганлиги учун

ҳам шундай аталгандир. Ҳозирда игир Амударёнинг қуйи этагида ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик пояси, барглари ва илдизпоялари таркибида эфир мойи, гликозид (акорин), крахмал, катрон, ошловчи моддалар бор.

Доривор махсулоти: Rhizo Calami – Игир илдизи.

Ишлатилиши. Доривор препаратлари кукун (порошок) ва дамлама ҳолида йиғма-чойлар таркибида, тинчлантирувчи, иситма тушурувчи, оғрик қолдирувчи, дезинфекция қилувчи, иштаҳа очувчи, овқат ҳазмини яхшилаш учун ҳамда буйрак, жигар ва ўт пуфаги касалликларида ўт хайдовчи дори

сифатида қўлланилади. Алкоголизм, ангина, бронхит, холецистит, ошқазон яраси, остеохондоз, пародантоз, ревматизм каби касалликларда ҳам ёрдам беради.

***Adonis L.* – Горицвет – Суғурут, Мушукўт (*Ranunculaceae* Juss. – Лютиковые - Айиқтовондошлар).**



Туркум номи Кипр мамлакати подшоси ўғли Адонис номи билан боғлиқ. Ривоятга кўра, ов пайтида шаҳид бўлган шаҳзода қони тўкилган ердан қирмизи ранг гул ўсиб чиққан эмиш. Ҳар йили баҳор фаслида Адонис нариги дунёдан “қайтиб” келганида табиат ҳам уйғониб, турфа рангга эга бўлар экан.

Ўзбекистонда суғурутнинг тўрт тури ўсади.

**8. *A. turkestanicus* Adolf. – Горицвет туркестанский – Гулизардак, Туркистон суғурўти.**



Тур номи ўсимлик ўсган географик масканни билдиради.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ер устки қисми таркибида юрак гликозидлари ва флавоноидлар бўлади. Маҳсулотдан цимарин (гидролизланганда цимароза қандига ва строфантин агликонига парчаланadi), адонитоксин (гидролизланганда рамноза қандига ва адонитаксогенин агликонига парчаланadi), строфантиндигиталозид, дезглюкохейротоксин ва бошқа юрак гликозидлари ҳамда адонивернит ва ориентинсилопиранозид флавоноид гликозидлари ажратиб олинган.

Ишлатилиши. Адонис ўсимлигининг препаратлари юрак касалликларини даволашда ишлатилади. Адонис препаратлари кумулятив хоссага эга бўлмагани сабабли сурункали юрак порогини даволашда доим ишлатиш мумкин (ангишвонагул ўсимлигидан фарқи).

### **9. *A. chrysocyathus* Hook f. et Thoms – Горицвет золотистый - Тилларанг суғурўт.**



Тур номи юнон тилида “chrysos” – олтин, тилла, “kyatos” – коса, яъни ўсимлик гули тилларанг, шакли эса косага ўхшаш.

Бу икки тур Европада ўсадиган *A. vernalis* L. – Баҳорги (эрта гуллашига ишора) суғурўт ўрнида қўлланишга тавсия этилган.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида юрак гликозидлари (К-строфантин – В, цимарин), сапонинлар, кумаринлар, флавоноидлар, органик кислоталар ва витаминлар борлиги аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Rhizoma cum radicibus Adonisi– Тилларанг суғурўт илдизи ва илдизпояси.

Ишлатилиши. Ўсимликдан олинган К-строфантин - В-гликозиди юрак-қон томирларининг оғир шакллари даволашда қўлланилади.

### **10. *Acanthophyllum* C.A.Mey. (Allochrysa Bunge) - Колючелистник – Етмак, Бўритикан (Caryophyllaceae Juss. – Гвоздичные - Чиннигулдошлар).**

Туркум номи юнон тилида “akantha” – тикан, “phyllon” – барг, ўсимлик барглари бигизсимон, тикансимон бўлганлиги учун аталган. Ўзбекистонда етмакнинг 11 тури ўсади.

### **11. *A.gypsophyloides* Regel – Колючелистник качимовидный - Качимсимон етмак - Бех.**

Туркум номи юнонча “gypsos” – гипс, оҳак, “phyloe” – ёқтирмақ, “oides” – тўрға ўхшаш, тоғчитирға (*Gypsophila*) ўхшаб, “оҳакли (гипсли) тупроқларда ўсишга мослашган” деган маънода.

**12. *A. paniculatus* Regel. - Колючелистник метельчатый – Ер совун, Руваксимон етмак.**

Тур номи “paniculatus” лотинча “panícula” сўзидан олинган бўлиб ўсимлик тўп гулини рўваксимон кўринишига ишора.

Кимёвий таркиби. Илдизида тритерпен сапонинлар (скваррозид) сақлайди.

Доривор маҳсулоти: *Radices Saponariae alba turkestanica* – Туркистон оқ ерсовуни илдизи.

Ишлатилиши. Илдизидан ажратилган тритерпен ва сапонин каби моддалар тиббиётда балғам кўчирувчи восита сифатида ишлатилади.

**13. *Agropyron repens* (L.) P. B. — Элитригия ползучая - Ўрмаловчи буғдойиқ [(Poaceae Barnhart (*Graminea* Juss.) - Буғдойдошлар (Ғалладошлар)].**



Республика флорасида 5 тури маълум.

Туркум номи юнон тилидан “agrios” – ёвойи ёки “agros” – дала, “pygos” – буғдой, сабаб илгари ўсимлик буғдой билан бир туркумида бўлган. Шунингдек “pygos” юнонча олов маъносида, чунки буғдой пишган чоғда дала олисдан қизғиш рангда (оловдек) кўринган.

Тур номи “repens” – ўрмаловчи маъносида ўсимлик узунлиги ва ёйилиб ўсганлиги учун аталган.

Доривор маҳсулоти: *Rhizomata Graminis* – Қумэрка илдизпояси. Ишлатилиши. Шамоллашга қарши восита бўлиб, пешоб хайдашда ҳамда қовуқдаги тош ва қумларни туширишда ишлатилади.



**14. *Agrimonia asiatica* Juz. – Рипейник азиатский – Осиё сарикчой, Аломатчой (Rosaceae Juss. –Розоцветные - Раънодошлар).**

Туркум номи *Argemonia* ўсимлиги номини бузиб «*Agrimonia*» деб айтилиши натижасида келиб чиққан. ўсимликни ўсган географик жойига ишора.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида флавоноидлар, қандлар, эфир мойи, ошловчи моддалар, сапонинлар, бўёқ моддалар борлиги аниқланган. Доривор маҳсулоти:

Rhizomata Herba Agrimoniae - Сарикчой илдизпояси ва ўти.

Ишлатилиши. Сарикчой дамламаси суюқ экстракти қон оқишини тўхтатувчи ва сийдик ҳайдаш таъсирига эга.

### **15. *Aesculus hippocastanum* L. – Конский каштан - Сохта каштан – (Hippocastanaceae DC. – Ложнокаштановые - Сохтакаштандошлар).**



Туркум номи эман мевасига нисбат берилиб, латин тилида “aescara” – таом, “escare” – емоқ, ҳайвонлар мевасини истеъмол қилгани назарда тутилган.

Тур номи “hippos” – от ва “kastanon” – каштан дарахтини бўйчанлиги ва барглари йириклигига ишора.

Юнон тилида “hippo” – катта, йирик деган маъноларни ҳам англатади. Каштан дарахтини дастлаб юнонлар Каштана шаҳрида экиб ўстиришган эканлар. Ўзбекистонда ҳам Сохта каштан шаҳарларда манзарали дарахт сифатида экиб ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Уруғи таркибида кумарин глюкозидлари, флавоноидлар (кверцетин, кеммферол), тритерпен сапонинлар, мой, оксил, ошловчи моддалар, баргларида - каратиноидлар, флавоноидлар бор.

Доривор маҳсулоти:

а) Semen Hippocastanii – Сохта каштан меваси.

б) Cortex Hippocastanii – Сохтакаштан پوستлоғи.

Ишлатилиши. Мевасидан тайёрланган экстракт (эскузан) қонтомир хасталигини (тромбофлавит) даволашда қўлланилади. Тўғри ичак яллиғланишини (бавосил) даволашда таблетка ва шамча ҳолида ишлатилади.

### **16. *Ailanthus altissima* (Mill.) Swing. – Айлант высочайший - Сасиқдарахт, бўйдор айлант (Simaroubaceae Lindl. – Симарубовые - Айлантдошлар).**



Ўзбекистонда шаҳарларда ҳам шу тур экиб ўстирилади

Туркум молукк халқи тилидаги “ailanto” ёки “aylanto” – Само дарахти деган номдан олинган. Дарахт баланд

бўйли (20-30м) бўлганлиги учун шундай аталган.

Тур номи “altissima” ҳам “altus” баланд деган маънони беради. Айлант Хитойда ўсганлиги учун баъзан “Чин заранги” деб ҳам дейилади.

Кимёвий таркиби. Меваси таркибида мой, аччиқ моддалар, пўстлоғида лактонлар, сапонинлар, алкалоидлар (айлангин), ошловчи ва б.моддалар аниқланган.

Доривор махсулоти:

а) Cortex Ailantiae – Айлант пўстлоғи.

б) Folium Ailanthiae – Айлант барги.

Ишлатилиши. Дарахт пўстлоғи ва барглари ич кетишини тўхтатишда ва гижжаларни (солитер) туширишда қўлланилади. Мевасидан тайёрланган настойка ангинал препаратлар таркибига киради.

**17. *Ajuga turkistanica* (Regel) Brig. – Аюга туркистаника - Туркистон аюгаси, Капалак қўнмас [(Lamiaceae Lindl. (Labiatae Juss.) – Яснотковые - Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**



Республикада битта тури учрайди.

Туркум номи латин тилида “abiga” – (хайдамоқ, қувмоқ) сўзини ўзгартирилган шакли бўлса керак, чунки Плиний Abiga chamaeritus ўсимлигини латинча шундай атаган. Кейинчалик муаллифлар ҳам Abiga ўрнига Ajuga деб ёзишган бўлса эҳтимол. Юнон тилида chamaeritus “ҳомилани тушириш” деган маънони беради.

Тур номи ўсимликни географик тарқалган жойи.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида дитерпеноидлар (аюгахил А, В, аюгапитин), экидстерон ва туркестарон каби моддалар

ажратилган.

Доривор махсулоти: Herba Ajugae – Аюга ўти.

Ишлатилиши. Ўсимлик Здренко йиғмаси таркибида қовуқ папилломатози ва гастритни даволашда қўлланилади.

Стероидлар йиғиндиси (сумма) тажрибада тана қувватини ошириш ва муҳитга мослашиш даражасини кучайтириш хусусиятига эга.



**18. *Allium sativum* L. – Лук чеснок - Саримсоқ пиёз (Alliaceae Agardh – Луковые - Пиёздошлар).**

Ўзбекистонда пиёзнинг 60дан ортиқ тури маълум. Туркум номи кельт халқи тилида “all” –

куйдирувчи маънода ёки пиёзи аччиқлигига ишора. Айрим муаллифлар лотинча “allium” ҳамда юнонча “allas” сўзларини “halare” - бадбўй-сассиқ маъносида келтирадилар. Антик ёзувчилар саримсоқни Allium (alium) деб ҳам атаганлар.

Саримсоқ пиёзи экиб ўстирилади, “sativum” ҳам эжмоқ, экин маъносида.

Доривор махсулоти: *Vulbus Allei* – Саримсоқ пиёз.

Ишлатилиши. Препаратлари ошқозон ичак ҳамда гипертония ва атеросклероз хасталикларини даволашда ишлатилади.

### **19. *A. cepa* L. – Лук репчатый - Ош пиёз.**



Тур номи “с(а)ера” - бош пиёз, кельт халқи тилида “сер” ёки “сар” ҳам бош маъносида бўлиб, пиёзини (боши) шаклига ишора.

Кимёвий таркиби. Пиёзбоши таркибида эфир мойи, қанд, фитин, витаминлар, фитонцидлар, баргида витаминлар, органик кислоталар, қандлар ва бошқа бирикмалар бор.

Доривор махсулоти: *Vulbus Cepae*.

Ишлатилиши. Пиёзбоши препаратлари (аллилгеп) ичак

заифланиши, йўғон ичак яллиғланиши (колит) атеросклероз, гипертония касалликларининг айрим турларини даволашда ишлатилади. Пиёз препаратлари бактерицид хусусиятга эга.

### **20. *A. porrum*. – Лук порей – Порей пиёзи, Гандона**

Кимёвий таркиби. Пиёзида углеводлар (глюкоза, фруктоза, сахароза, рафиноза ва бошқалар) – 4-6,5%, органик кислоталар - 0,8%, витамин С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub> ва РР, фитонцидлар, фенол бирикмалар, флавоноидлар, минерал ва бошқа моддалар (калий тузлари, кальций, темир марганец ва ) мавжуд.

Ишлатилиши. Ибн Сино порей пиёзини сўгал ва яраларни, бурундан қон оқиши, тиш оғриғи, астма, колит, аёлларда кўкрак яраларини даволашда, ҳамда унинг сувини асал билан аралашмасини хашаротлар чакқанда ишлатган. Порей пиёзи юқорида келтирилган касалликларни даволашда ишлатиладиган мураккаб дорилар таркибига қўшилади.

### **21. *A. suvorowii* Regel – Лук Суворова – Ёввойи пиёз.**

Тур номи (*suvorowii*) шахс насаби (фамилияси) билан аталган.

Кимёвий таркиби. Пиёзида углеводлар: глюкоза, фруктоза, сахароза, олигосахаридлар, глюкофруктонлар, гул тўпламида стероидлар, уруғида - углеводлар: фруктоза, глюкоза, стахиоза бор.

Ишлатилиши. Пиёзи ошқазон-ичак ва нафас олиш касалликларида ва овқатга ишлатилади.

## **22. *Alnus glutinosa* (L) Gaertn – Олъха клейкая - Қандоғоч (Betulaceae S.F. Gray – Березовые - Қайиндошлар).**



Рим ёзувчилари Витрувий ва Плиний асарларида ўсимлик шу номда келтирилган.

Туркум номи кельт халқи тилидаги “al” (олд қўшимча) ва “lan” – қирғоқ, ўсимликни қирғоқ бўйлари, сернам ерлар ва ботқоқда ўсишга ишора бўлса керак. Ўзбекистонда манзарали дарахт сифатида шаҳарларда ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Пўстлоғидан органик кислоталар, ошловчи моддалар, баргларида азотли бирикмалар, барги ва гулларида ксантонлар, олий ёғ кислоталар

ажратилган.

Тур номи (“glutinosus” – ёпишқоқ) ёш новдаларни елимли эканлигини билдиради.

Доривор маҳсулоти:

а) Fructus Alni – қандағоч тўпмеваси (“қубба”) буриштирувчи ва дезинфекцияловчи хусусиятга эга.

б) Cortex Alni – Қандағоч пўстлоғи, тўпмеваси каби хусусиятга эга.

## **23. *Aloe vera* L. – Алое горький – Аччиқ Қандоғоч (Ширачдошлар – Асфodelовые - Asphodelaceae Juss.).**



Ўзбекистонда шу тур хона шароитларида ўстирилади.

Алое номи билан қадимда сабур манбаи бўлган ўсимликлардан ташқари ёқимли ҳидли дарахт ҳам аталган. Диоскорид ҳам сабур дарахти ёғочини “agallochon” деб келтирган. Тахминларга кўра арабча “aloe” ва яҳудийча “halal” (ялтироқ ва аччиқ) деган ном билан боғлиқ экан.

Тур номи “vera” лотинча “verus” – ҳақиқий чин маънога эга. Сабур (алоэ барги

ширасини қуритилгани) овқат ҳазмини яхшилайти, ҳамда сурги хусусиятига ҳам эга.

Доривор махсулоти: Succus Aloë – Сабур шираси, Folium Aloes – Сабур барги.

Ишлатилиши. Яраларини ва ошқозон – ичак хасталикларини биостимулятори, астма каби янги узилган барглари шираси билан йирингли яралар, куйган жойлар даволанади.

#### **24. *Althaea armeniaca* Ten. – Алтей армянский – Арман гулхайри. (Malvaceae Juss.- Мальвовые – Гулхайридошлар).**



Ўзбекистонда гулхайрининг 7 тури маълум.

Туркум номи юнонча “althos” – доривор махсулот деган ном “althomai” (шифо, даволамоқ) билан умумий маънога эга. Қадимда Феофраст, Плиний, Диоскорид, Ибн Синоларга ҳам шифобахшлиги билан маълум бўлган. Юнон тилида “alteinen”- даволамоқ.

Кимёвий таркиби. Ҳамма аъзолари елимсимон моддалар сақлайди. Унинг таркибида – пентоза, пентозанлар, метилпентозанлар, урон кислотаси, ер устки қисми кумаринлар сақлайди.

Ишлатилиши. Илдизининг кукуни официнал табобатда, настойкаси ва шарбати (сиропи) балғам кўчирувчи, шамоллашга қарши юқори нафас йўллари даволашда қўлланилади. Халқ табобатида пневмония, астма, яраларни даволашда ва скрофуллезда қўлланилади.

#### **25. *A.officinalis* L. – Алтей лекарственный - Гулхайри, Доривор гулхайри. (Malvacea Juss.).**

Тур номи “officinalis” – дорихона, доривор деган маънога эга.

Кимёвий таркиби. ер устки қисми ёғлар, флавоноидлар сақлайди.

Доривор махсулоти: Radicesz Althaeae – Гулхайри илдизи.

Ишлатилиши. Препаратлари (дамламаси, кукуни, шарбати) мукалтин балғам кўчирувчи ҳамда нафас йўллари даволашда ишлатилади.

#### **26. *Alhagi* Adans. – Верблюжья колючка – Туя янтоқ [Fabaceae Lindl. (Leguminosae Juss.) – Мотильковые (Бобовые) - Бурчокдошлар (Дуккакдошлар)].**



Янтоқ маврлар (Африка халқи) тилида шундай аталган.

Ўзбекистонда янтоқнинг тўрт тури ўсади. Икки тури халқ (қирғиз, форс) номи билан аталган.

Кимёвий таркиби. Янтоқ турларининг ер устки таркибида сапонинлар, флавоноидлар, кумаринлар, эфир мойи, витаминлар (С, К, В<sub>2</sub>), органик кислоталар, илдизида алкалоидлар, кумаринлар, ошловчи моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: *Herba et Radices Alhagi* – Янтоқ ўти ва илдизлари.

Ишлатилиши. Илдизи ва ер устки қисми қайнатмаси ҳамда суюқ экстракти ва қайнатмаси сийдик ҳайдаш, терлатувчи, яллиғланишга қарши таъсир этувчи восита, ич кетиши, меъда ичак касалликларини

даволашда ҳам ишлатилади. Гемарой, яралар, жигар касалликлари, томоқ оғриқлари, стоматит ва ошқазон-ичак яллиғланишларида ишлатилади.

## **27. *Alcea rosea* L. - Алтей розовый – Гулбахмал. (Гулхайридошлар – Мальвовые - *Malvaceae* Juss.).**



Туркум номи юнонча “alke” – куч қудрат деган маънога эга бўлиб, ўсимлик бўйи (1-2,5м) билан боғлиқ.

Тур номи (“rosea”) – пуштиранг маънони билдирса ҳам кўринишига кўра атиргулга ўхшашлигига ишора.

Кимёвий таркиби. Ҳамма қисмида шилимшиқ моддалар ва углеводлар сақлайди.

Ишлатилиши. Ўзбекистонда манзарали ўсимлик сифатида экиб ўстирилади. Гуллари гулхайри гуллари каби дамлама холида

томоқ ва нафас йўллари ва ҳамда ошқозон шиллик пардасини юмшатишда қўлланилади.

**28. *Ammodendron conollyi* Bunge - Песчаная акация – Қуёнсуяк, [Fabaceae Lindl. (Leguminosae Juss.) – Мотильковые (Бобовые) – Бурчоқдошлар (Дукақдошлар)].**



Ўзбекистон флорасида 4та тур номи келтирилган.

Туркум номи юнонча “dendron” - дарахт, “amos” - қум сўзларидан келиб чиққан, Conollyi – шахс номи.

Кимёвий таркиби. Пояларидан, уруғидан ва баргларида алкалоидлар (пахикарпин, цитизин, аммодендрин ва б.) ажратиб олинган.

Ишлатилиши. Қуритилган ўсимликнинг кукуни инсектицид хусусиятига, аммодендрин алкалоиди эса нафас олиш марказини қўзғатиш хусусиятига эга.

**29. *Amorpha fruticosa* L. – Аморфа кустарниковая - Бутасимон аморфа. [Fabaceae Lindl. (Leguminosae Juss.) - Мотильковые (Бобовые) - Бурчоқдошлар (Дукақдошлар)].**

Республикада битта тур экиб ўстирилади.

Туркум номи юнон тилида “amorphos” сўзидан олинган бўлиб, “a” – инкор, “morphos” – ташқи кўриниш, қиёфа. Гули қанотчасиз (тўғрироғи хунук, бадбашара) маъносида.

Тур номи латинча “frutex” – бута, “fruticosus” – бутасимон маъносида. Декоратив ўсимлик сифатида кенг тарқалган.

Кимёвий таркиби. Уруғи таркибида гликозидлар (аморфин, аморфол), мой, новдаларида бўёқ моддалар, гликозидлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Fructus *Amorphae fruticosae* – Бутасимон аморфа мевалари.

Ишлатилиши. Уруғидан олинган фрутицин препарати тинчлантирувчи ва кардиотоник восита сифатида юрак-томир неврози касалликлари учун тавсия этилган.

**30. *Amygdalus communis* L. – Миндаль простой – Бодом, Оддий бодом, (Rosaceae Juss. - Раънодошлар).**



Ўзбекистонда бодомнинг 5 тури маълум.

Туркум номи юнонча “amygdalos” номи билан антик муаллифлар (Феофраст, Диоскорид, Плиний ва х.к) асарларида учрайди. Бу ном форс тилидаги “munga” – аччиқ бодом ёки сурёний “al mugdala” – чиройли дарахт маъноси билан боғлиқ бўлса керак.

Тур номи эса (communis – оддий, ҳар ерда учрайдиган ва х.к.) ўсимликни тарқалишига ишора (бизнингча “беватан” маъносида). Мағзи таъмига кўра ширин (“dulcis”) ва аччиқ (“amara”) бодом деб фарқланади.

Доривор махсулоти:

а) Semen Amygdalalarum – Бодом меваси.

б) Semen Amygdali amarae – Аччиқ бодом мағзи.

в) Semen Amygdali dulcis – Чучук бодом мағзи.

Ишлатилиши. турли эмульсиялар тайёрлашда ишлатилади Чучук ва аччиқ бодом мағзидан олинадиган мой (Oleum Amygdalarum) камфора ва гармонларни эритишда ҳамда суртма дориларни тайёрлашда қўлланилади. кунжарасидан тайёрланган суви маъда ва ичак оғриқларини қолдирувчи восита.

**31. *Anabasis aphylla* L. – Ежовник безлистный - Итсигак, Биюрғун (Chenopodiaceae Vent. – Марьевые - Шўрадошлар).**



Ўзбекистонда Биюрғуннинг 10 тури ўсади.

Туркум номини дастлаб Плиний келтирган бўлиб, юнон тилида “пилапоя” ҳамда “ana – baino” (кўтарилмоқ, юқориламоқ) маъносига эга. Ўсимликни шохлари бўғимларга бўлинган, кўриниши эса зинапояни эслатади.

Тур номи юнонча “aphyllos” – баргсиз деган маънода, чунки итсигакда барглар ривожланмаган.

Кимёвий таркиби. Ўсимликда алкалоидлар (анабазин, афиллин, афиллидин, анабазамин каби), углеводлар, органик кислоталар аниқланган

Доривор маҳсулоти: *Cornus Anabasis* – Итсигак йиллик (ёш) новдалари.

Ўсимлик ер устки қисмидан ажратилган анабазин алкалоиди нафас олиш йўллари фаолиятини яхшилади, анабазин препарати тамаки чекишни ташлашда ёрдам беради, никотин кислота (витамин PP) манбаи ҳисобланади. Анабазин сульфат – инсектицид зараркунандаларга қарши хусусиятга эга.

### **32. *Anagallis arvensis* L. – Очный цвет – Совунўт. (Primulaceae Vent. – Первоцветные - Наврўзгулдошлар). Республикада совунўтнинг икки тури маълум.**



Диоскорид ўсимликни шу номда келтирган Тур номи “*arvensis*” - дала, ҳайдалган ер деган маънога эга.

Кимёвий таркиби. Совунўтда сапонинлар, флавоноидлар, қандлар, ошловчи моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: *Herba Anagallisi arvensis* - Совунўт ўти.

Ишлатилиши. Ўсимликни дамламаси илмий тиббиётда буйрак, сийдик йўллари ҳамда қовуқдаги кум ва тошларни тушириш учун ишлатишга тавсия этилган.

### **33. *Angelica* L. (*Archangelica* N.M. Wolf.) – Дудник - Арҳарўт. [(*Apiaceae* Lindl. (*Umbelliferae* Juss.) – Сельдрейные (Зонтичные) - Зирадошлар (Соябонгулдошлар)].**

Ўзбекистонда Арҳарўтнинг уч тури: *A.ternata*, *A.brevicaulis*, *A.tchimganica* ўсади. Дориворлик хусусиятига эга бўлган тур *A.officinalis* бизда учрамайди. Туркум номи лотинча “*angelus*”, юнонча “*angellos*” – фаришта, малак, маъносида. Ўсимликни даволаш хусусиятини фаришта кўрсатган эмиш.

*Archangelica* юнонча “*archangelicos*” сўзидан олинган бўлиб, малак ўсимлик илдизини олиб келган бўлиб, ўлат касаллигига даво эканлигини айтган экан.

Кимёвий таркиби. Илдизида кумаринлар (изобергаптен, пимпинеллин). Баргида эфир мойи, кумаринлар (ксантотоксин, умбеллипренин) аниқланган..

Доривор маҳсулоти: *Rhizomata cum radicibus Archangelicae* – Арҳарўт илдизпояси ва илдизлари.

Ишлатилиши. Тинктураси балғам кўчирувчи, терлатувчи, антиспазматик ва иштаҳа очувчи восита сифатида қўлланилади.

**34. *Anethum graveolens* L. – Укроп пахучий – Хушбўй шивид, хушбўй укроп. (Apiaceae Lindl. (Umbelliferae Juss.) – Сельдreyные (Зонтичные) - Зирадошлар (Соябонгулдошлар).**



Республикада шивиднинг икки тури маълум.

Туркум номи юнон тилида “anethon” (куйдиргувчи, ёқувчи) номида Геродот, Феофраст, Диоскорид, Плиний, Колумелла каби антик муаллифлар асарларида келтирилган.

Уруғи аччиқ таъмга эга бўлгани ёки “ana” – юқори ва “theo” – югурмоқ, қочмоқ маъносига эга бўлиб, ўсимликни тез ўсиб, ривожланишига ишора бўлса керак.

Тур эса латинча “gravis” – оғир, кескин ҳамда “olens”, “entis” – ҳидли маънога эга. Чунки ўсимлик ҳам, айникса дони ифор (эфир)га бой.

Кимёвий таркиби. Меваси таркибида эфир мойи, ёғ, кумарин ва флавоноидлар, оксил каби моддалар аниқланган.

Доривор маҳсулоти:

а) Fructus Anethi – Шивид меваси курук экстракти. б) Herba Anethi - Шивид ўти.

Ишлатилиши. “Anethium” препарати стенокардия ҳасталигини даволашда қўлланилади. Шивид ўти гипертония ҳасталигини даволашда қўлланилади. Чақалоқларда қорин дам бўлганда шивид суви буюрилади.

**35. *Arosynum cannabinum* L. – Кендирь - Кендир, Каноп (Arosynaceae Juss. - Кендировые - Кендирдошлар).**



Экиб ўстириладиган ўсимлик.

Туркум номи юнонча “арокунон” сўзидан олинган бўлиб, “аро” – чет, нари, “кунон” – ит, итлар учун заҳар демак.

Немис тилида ит ўлими маъносида экан. Аслида эса “Roacinum” туркум номидан анограмма (ҳарф ўрнини ўзгариши).

Тур “cannabinum” – нашасимон яъни толаси наша толасига ўхшаш деган маънода бўлиб, у ўз навбатида юнонча “kanpa” – қамиш яъни пояси қамишга ўхшаш дегани.

Кимёвий таркиби. Илдизи таркибида юрак гликозидлари (К- строфантин –в),

цимарин, тритерпин бирикмалар, оленол кислота, алкалоидлар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: Rhizoma cum radicibus Arosyni – Нашасимон каноп илдизпояси ва илдизлари.

Ишлатилиши. Ўсимлик гликозидлари (цимарин, К – строфантин – в ва ҳ.к.) юрак ҳасталиклари ва қон айланишини тартибга солувчи восита сифатида қўлланилади.

### **36. *Arachis hypogaea* L. – Арахис – Ерёнғоқ [Fabaceae Lindl. (Leguminosae Juss. - Бурчоқдошлар (Дуккакдошлар)]. Ўзбекистонда экиб ўстирилади.**



Туркум номи юнон тилидаги “aracos”, “arachos” сўзларидан олинган. Плиний шу номда келтирган бўлса, Феофраст қандайдир дуккакли ўсимликни (тахминларга кўра бурчоқ) атаган. Юнонча “arachne” – ўргимчак, “arachnion” – ўргимчак тўри ҳам кўсагини пўсти ўргимчак тўрига ўхшаш бўлгани учун аталган.

Ерёнғоқ ватани Бразилия бўлиб, 15 асрда Америкадан олиб келинган экан.

Ўзбекистонда ҳам кенг майдонларда экиб ўстирилади.

Тур номи юнонча “gurogaios” – ер остида деган маънони беради, ўсимлик гуллагандан кейин уруғчиси ерга кириб, меваси ҳам ер тагида етилади.

Кимёвий таркиби. Уруғида мой, оқсил, тритерпенлар, сапонинлар, витаминлар ва қанд бор.

Доривор маҳсулоти: Fructus Arachidis - Ерёнғоқ меваси.

Ишлатилиши. Уруғидан олинадиган мойдан суртмалар тайёрланади ҳамда бодом мойи ўрнида дори моддалардан инъекцион эритмалар тайёрлашда қўлланилади.

### **37. *Arctium lappa* L. (*A.leiospermum* Juz. et Serg.) – Репей, Лопух – Қариқиз, Силлиқмева қариқиз [Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые - Қоқидошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Республика флорасида икки тури маълум.

Туркум номи юнон тилида “arction”, “arceion” силлиқ мева, қариқиз сўзларидан олинган бўлиб, ўсимлик баргини йириклиги ҳамда пастки томони сертук бўлганлиги учун айиқ деган маънони беради.

Тур номи эса юнонча “labein” маъносидан келиб чиқиб олмоқ, тутмоқ демак, у ўз навбатида кельт халқи тилидаги

“Iarr” – кўл деган сўз билан боғлиқ бўлиб, мевасини тиканлари эгилганлиги сабаб кийимга ёпишиб қолиши назарда тутилган, “Ieospermum” – меваси туксиз, силлиқ деган маънога эга.

Кимёвий таркиби. Илдизи таркибида терпеноидлар (америн, лупеол, фитол) стероидлар (холестерин, кампестерин, ситостерин) мавжуд. Ишлатилиши.

### 38. *A.tomentosum* Mill. – Репей войлочный - Сертук қариқиз .



Тур номи “tomentosus” наватсимон, қалин тукли маънода бўлиб, ўрама барглари ўргимчак тўри каби сертуклигига ишора .

Доривор маҳсулоти: Radices Bardanae – Қариқиз илдизи.

“Bardana” сўзини этимологияси ноаниқ.

Ишлатилиши. Илдизи қайнатмаси тери қичимасида ҳамда оғиз шиллиқ парда шамоллашида чайиш учун ишлатилади. Шунингдек ошқазон яраси ва гастритини даволашда ҳам қўлланилади.

### 39. *Armeniaca vulgaris* Lam. – Абрикос, Урюк - Ўрик, Оддий ўрик (Rosaceae Juss. - Раънодошлар). Флорада ўрикнинг тўрт тур номи келтирилган.



Туркум номи “arminiacus” сўздан олинган. Юнонлар ва римликлар ўрикни билишмаганлар, уларга эрамузни биринчи асрларида маълум бўлган. Антик муаллифлар Плиний, Колумелла, Диоскорид ўрикни арман олмаси (*Malum armeniacum*) ёки арман олхўриси деб атаганлар.

Тур номи ўрикни географик тарқалишини кўрсатади.


Кимёвий таркиби. Пўстлоғида ошловчи моддалар, баргида углеводлар, витаминлар, флавоноидлар, мевасида углеводлар, крахмал, органик кислоталар, мағзида стероидлар , органик кислоталар, мой кислоталари, азотли бирикмалар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: а) Gummi Armeniacae – Ўрик елими. Хориждан келтириладиган Арабистон елими (*Gummi arabicum*) ўрнида ишлатилади.

б) Semen armeniacae – Ўрик мағзи.

Ишлатилиши. Мойи бодом мойи билан бир хил хусусиятга эга бўлгани ҳолда камфора эритишда ҳамда баъзи суртмаларини тайёрлашда қўлланилади.

**44. *Artemisia absinthium* L. – Полынь горькая - Эрмон, Аччиқ эрмон.  
[Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые (Сложноцветные) -  
Қокидошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Республикада шувокнинг 40га яқин тури ўсади.

Туркум номи юнонча “artemes” – соғлом деган маънода бўлиб, ўсимликни шифобахш эканлигини англатади. Баъзи муаллифлар Мавзол деган подшоҳ рафиқаси Артемизия номи билан боғлиқ дейдилар. Плиний маълумотида малика шу ўсимлик билан даволанган экан.

Тур номи бўлса юнон тилида “absintion” яъни “a” – инкор, йўқ, “psinthos” хузр, ҳаловат бўлиб, ўсимлик аччиқ таъмга эга бўлгани учун бефойда дейилган маънода.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмидан сесквинтерпеноидлар, сантонин, абсинтин, крахмал, эфир мойи, олма ва қаҳрабо кислоталари ажратилган.

Доривор маҳсулоти: а) *Herba Absinthii* – Аччиқ эрмон ўти.

б) *Folium Absinthii* - Аччиқ эрмон барги.

Ишлатилиши. Тинктура ва экстракт ҳолида овқат хазми яхшилаш ва иштаха очишда ишлатилади. Эрмон барги ва ўти ҳар хил йиғма чойлар таркибига қўшилади.

**45. *A.scoparia* W. et K.– Полынь метелчатая – Шувок, Қизил бурган.**



Тур номи “scoparius” – рўвак, лотин тилидаги “scopae” ва “arum” (супурги) сўзларидан олинган бўлиб, ўсимликни тўпгуллари бир томонга шингил ҳолида эгилиб, пирамидасимон рўвак ҳосил қилгани учун аталган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида эфир мойи (капиллен, капиллин), барглари ва тўпгулида эвгенол, пинен мавжуд.

Доривор маҳсулоти: *Herba Artemisiae scopariae* – Рўвакли эрмон ўти.

Ишлатилиши. Эфир мойи буйракдаги тошларни туширадиган “*Artemisiolum*” препаратига таркибига қўшилади.

**46. *A.vulgaris* L. – Полынь обыкновенная – Шувок, Оддий шувок.**

Тур номи ўсимликни тарқалишини кўрсатади.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида терпеноидлар, полиацетилен бирикмалар бор.

Доривор маҳсулот: *Herba Artemisiae vulgaris* – Оддий шувоқ ўти. Ишлатилиши. Ўсимлик шамоллашга қарши ҳамда буйрак, ковуқдаги тошларни туширишда қўлланилади.

#### **47. *A. annua* L. – Полынь однолетняя – Бурган.**



Тур номи “*annua*” – бир йиллик деган маънони билдиради.

Кимёвий таркиби. Углеводлар, эфир мойлари (0,18-0,62%), сирка ва ёғ кислоталари, альдегидлар, сесквитерпеноидлар (артемизинин), стероидлар, кумаринлар сақлайди.

Ишлатилиши. “Артемизинин” препарати безгак касалини даволашда ишлатилади. Сувдаги ва спиртли экстракти ўт ҳайдовчи, бактериоцидлик, иситма туширувчи, антигельминт каби хусусиятларга эга.

#### **48. *A. dracuncululus* L. – Полынь эстрагон, Шеролғин.**



Кимёвий таркиби. Эфир мойлари (0,15-3,1%), фенолкарбон кислоталар, флавоноидлар, кумаринлар, ароматик бирикмалар, углеводлар ва бошқалар сақлайди.

Ишлатилиши. Қозоғистонда экзема, қичима (чесотка), куйганни, ҳамда анор гули билан стоматит, гингвитни даволашда қўлланилади. Тибет табобатида – ўпка сили, пневмания, бронхит, неврастанияни, ҳинд халқи табобатида, қувватлантирувчи, диуретик, иштаҳа қўзғатувчи, овқат хазм қилувчи, цинга, тиш оғриғи ва бошқа касалликларни даволашда қўлланилади.

#### **49. *A. leucodes* L. - Полынь беловатая - Оқ шувоқ, Жусан, [*Asteraceae* Dumort. (*Compositae* Giseke) – Астровые (Сложноцветные) – Қоқидошлар (Мураккабгулдошлар)].**

Тур номи “*leucodes*” – рангсиз, оқ сўзидан олинган.

Кимёвий таркиби. Эфир мойи (0,46-1%) асосий қисми камфора (93,31%) сесквитерпеноидлар: (сантонин, леукомизин, дезацетоксиматрикорин, аустрицин) монотерпеноидлар мавжуд.

Ишлатилиши. Леукомизин (олигвон) препарати атеросклерозни даволаш воситаси сифатида амалий тиббиётда қўллаш учун рухсат этилган. Халқ табобатида ревматизмни даволашда қўлланилади.

#### **50. *Asparagus officinalis* L. - Спаржа - Сарсабил (*Asparagaceae* Juss. – Спаржевые – Сарсабилдошлар).**



Ўзбекистонда сарсабилнинг сарсабилнинг 10га яқин тури маълум. Туркум Феофраст асарида шу ном билан аталган. Тур номи “*officinalis*”- доривор, дорихона маъносида.

Кимёвий таркиби. Илдизпояси ва илдизига таркибида сапонинлар новдаларида каротин, аспарагин мавжуд.

Доривор махсулоти: *Rhizomata et rhizome Asparagae* – Сарсабил илдизи ва илдизпоялари.

Ишлатилиши. Экстракти буйрак ва юрак хасталикларини даволашга тавсия

этилган.

#### ***Astragalus* L. (*Tragacantha* Mill.) – Астрагал - Нўхатак, Сингрэн, Кийикпанжа [*Fabaceae* Lindl. (*Legminosae* Juss.) - Бурчоқдошлар (Дуккакдошлар)].**



Ўзбекистонда нўхатакнинг 240 га яқин тури ўсади.

Туркум номи юнон тилида “*astragalus*” умуртка ёки тўпиқ маъносида бўлиб, кўзоғи ва мевасини шакли бўғин-бўғин бўлинганига қараб берилган. Диоскорид ҳам бурчоқдошлар оиласига хос бир ўсимликни шу ном билан келтирган. “*Tragacantha*” сўзи ҳам юнонча бўлиб, така, “*acantha*” эса тикан яъни тикани така (эчки) шохи каби эгилган маънода. Эҳтимол ўсимликни шоҳли уй молларини ейишига ҳам ишорадир.

Кийикпанжанинг елимли турлари Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларида тоғли масканларда учрайди.

Доривор махсулоти: *Gummi Tragacanthae* – Кийикпанжа елими.

Ишлатилиши. Тиббиётда турли эмульгатор ва таблеткалар тайёрлашда ўраб олувчи восита сифатида ишлатилади.

**51. *A. sieversianus* Pall.- Астрагал - Нўхатак, Сингрэн, Кийикпанжа.**




Тур Sievers J. номи билан аталган.

Кимёвий таркиби. Сапонинлар, алкалоидлар, кумаринлар, флавоноидлар, ошловчи моддалар, витамин С,Е,Р, каротин ва бошқалар бор.

Ишлатилиши. Қирғизистон ва Қозоғистоннинг тоғлик худудларида асаб касалликларини, Тожикистонда эпилепсия ва таносил касалликлари, Туркменистонда уруғи болалар грижасини даволашда қўлланилади

**52. *Atropa belladonna* L. – Красавка белладонна – Оддий белладонна. (Solanaceae –Juss. Пасленовые - Итузумдошлар).**



Ўзбекистонда экиб ўстирилади.

Туркум ривоятга кўра вафот этаётганда хаёт илдизини (ипини) узадиган юнон илоҳаси (Атропес) номи билан боғлиқ бўлиб, ўсимликни захарли эканлигини ифодалайди.

Тур номи “белладонна” лотин тилида, bella гўзал, donna – аёл маъносини англатиб, ўтмишда аёллар ўсимлик ширасини кўз қорачиғини катталаштириш (“шахло кўз”) учун ишлатишган. Ўсимликда тропан алкалоидлари (гиосциамин), ер

устки қисмида флавоноидлар, оксикумаринлар, тритерпеноидлар, баргларида стероидлар, поясида алкалоидлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти:

а) Folium Belladonnae – Белладонна барги.

б) Radix Belladonnae - Белладонна илдизлари.

в) *Herba Belladonna*- Белладонна ўти

Ишлатилиши. Барги, илдизи ва ўтидан олинадиган алкалоидлар (атропин, гиосциамин) оғриқни қолдириш хусусиятига эга. Барги спазмолитик дори сифатида қорин санчқилари ва астмани даволашда қўлланилади.

**53. *Avena sativa* L. – Овес - Сули [*Poaceae* Barnhart (*Graminea* Juss.) – Мятликовые - Бўғдойдошлар (Ғалладошлар)].**



Ўзбекистонда сулининг 7 тури маълум.

Туркумни номи лотинча бўлиб, К.Линней “қилтаноғи арқонсимон эшилган” деб изоҳлайди. Баъзи муаллифлар эса юнонча “anos” - курук, уруғсиз поя маъносида келтиришади. Сули экиб ўстириладиган ўсимлик бўлгани туфайли тур номи “sativus”- эқмоқ маъносида.

Кимёвий таркиби. Донида оксил, аминокислоталар, витаминлар, ёғлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Fructus Avenae – Сули дони Дони Митрюшин суюқлигини тайёрлашда ишлатилади.

Ишлатилиши. Митрюшин суюқлиги (“liguor”) тайёрлашда ишлатилади.

**54. *Berberis oblonga* (Regel) Schneid. – Барбарис - Зирк, Қорақат. (*Berberidaceae* S.F.Gray - Барбарисовые Зиркдошлар).**



Зиркнинг Ўзбекистонда 5 тури ўсади.

Диоскорид зиркни “berberis” деган ном билан келтирган. Юнон тилида “berberis” марварид инжу маъносини англатади, у эса ўз навбатида арабча чиганоқ сўзи билан боғлиқ бўлиб гултож барглари шаклига ишора.

Кимёвий таркиби. Барги ва ёш навдалари алкалоидлар (берберин, бербамин, бербамунин, изокоридин, колумбомин, магнофлорин ва б.) , органик кислоталар, қандлар ва б. моддалар сақлайди.

Ишлатилиши. Зирк кучли ўт ҳайдаш хусусиятга эга. Халқ табобатида пўстлоғи, илдизи ва мевалари қон тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади. Илдизининг қайнатмаси бод, тутқаноқ, кўз касалликларида оғиз бўшлиғини чайишда тавсия қилинади. Меваси чанқоқни босади ва иштахани очади. Замонавий тиббиётда унинг баргидан тайёрланган

настойка кон тўхтатувчи ва ўт хайдовчи восита сифатида ишлатилади. Илдизидан ўт хайдовчи хусусиятга эга сульфат берберин препарати олинади.

**55. *B. vulgaris* L. – Барбарис обыкновенный - Зирк, Қорақат (Berberidaceae Juss. – Барбарисовые -Зиркдошлар).**



Тур номи ўсимликни тарқалишини кўрсатади.

Кимёвий таркиби. Зирк илдизи, новдалари ва баргларида алкалоидлар (берберин, изокоридин ва б.), витаминлар, қандлар, органик кислоталар ажратилган.


Доривор махсулот: а) Folium Berberidis- Зирк барглари

б) Radix berberides- Зирк илдизлари

Қадим Зиркни шифобахшлилиги ҳамда меваси қонни тозалаш хусусиятига эга. Эрамиздан ҳам аввал бўлган.

Ишлатилиши. Баргларида кон оқшини тўхтатувчи ва сийдик хайдовчи тинктура тайёрланади. Илдизи ҳам шундай хусусиятга эга бўлиб, Здренко йиғмаси таркибига қўшилади. Илдизи ва баргидан олинадаган берберин алкалоиди ўт хайдовчи восита сифатида илмий тиббиётда қўлланилади.

**56. *Beta vulgaris* L. – Свекла обыкновенная – Қизил лавлаги (Chenopodiaceae Vent.- Марьевые-Шўрадошлар). Лавлаги экиб ўстирилади.**



Плиний лавлагини шу ном билан келтирган. Тур номи тарқалишини изоҳлайди.

Кимёвий таркиби. Илдизмеvasида 2,8-20%гача углеводлар(сахароза, глюкоза, фруктоза), органик кислоталар (щавел, олма, лимон), С, В<sub>1</sub>,В<sub>2</sub>,В<sub>6</sub>, РР, Е ва Р витаминлари, каротин, аминокислоталар, пектин, бўёқ ва минерал моддалар мавжуд. Баргида ҳам 5,2% канд, органик кислоталар, витамин С, каротин ва бошқа бирикмалар бор.

Ишлатилиши. Халқ табобатида лавлаги шарбати қон босимини

мўтадиллаштиришда, жигар ҳасталиклариди, уруғи эса терлатувчи восита сифатида ишлатилади. Замонавий тиббиётда лавлаги тириотоксикоз, атеросклероз, юрак аритмияси ва колит билан оғриган касалларга берилади.

**57. *Bergenia crassifolia* (L.) Fritsch- Бержиния широколистный –Бадан, Қалин баргли бергения (Grassulariaceae DC- Тошёрадошлар)**



Туркум номи Германияда медицина ва ботаника фанлари профессори К.А. фон Берган (XVIII аср) шарафига аталган.


Тур ўсимлик барги қалин этли бўлганлиги учун “crassus” семиз, қалин, “folium”-барг, “crassifolius”- қалин баргли деган маънога эга.

Ўсимлик асосан Олтой, Саян ва Байкал ўрмонларида тарқалган.

Ўзбекистонда бошқа тури *Beriss. Hissarica* Хисор тоғи Тўпаланг дарёси хавзасида ўси. Бадан турлари барглирида кумаринлар (бергенин), флавоноидлар (3-О-арабинозид, 3-орутинозид, 3-оглюкозид ва б.), илдизлари ва барглирида антиоксидантлар, ошловчи моддалар, катехинлар, кислоталар (галла, эллаг) бор.

Доривор маҳсулоти: *Rhizoma Bergeniae*- Бадан илдизи. Ишлатилиши. Ўсимлик дамламаси буриштирувчи таъсирга эга бўлганлиги учун шамоллашга ва микробларга қарши восита сифатида ишлатилади.

**58. *Betula verrucosa* L. – Береза бородавчатая – Сўгал қайин (Betulaceae S.F.Gray – Березовые - Қайиндошлар).**



Қайинни Плиний шу номда келтирган бўлиб, Кельт халқи тилидаги “betu”- сўзидан олинган. Шимол ўсимлиги бўлганлиги учун римликлар “галл (халқ) дарахти” деб ҳам аташганлар. Республикада қайинни тўрт тури учрайди.

Тур номи лотинча “verruca” – сўгал, қадок маъносида бўлиб ёш новдаларида қадоксимон елим борлигига ишора.

Кимёвий таркиби. Қайин дарахтининг куртагида 3,5-8% эфир мойи, флавоон бирикмалар, 3% сапонинлар, смола, аскорбин кислота, ошловчи ва антибиотик моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: а) *Gemmae Betulae*-Қайин куртаклари

б) Folium Betulae-қайин барглари. Куртаклари ва барглари сийдик ва ўт хайдовчи восита.

в) Succus Betulae- қайин шираси (суви) ўпка бўғин оғриғини даволашда ҳамда умумқувват дориси сифатида ишлатилади.

г) Lignum Betulae- Қайин ёғочи (танаси).

Ишлатилиши. Куриқ ҳайдаш орқали олинган елими ва мойи турли линимент ва суртмалар тайёрлашда ишлатилади. қайин барги. Қайин куртагидан, дамлама ва қайнатма, баргидан эса фақат дамлама тайёрланади. Дарахт ёғочидандан қатрон, фаоллаштирилган кўмир-карболен олинади, у тери касалликларини даволашда ишлатилади.

**59. *Bidens tripartita* L. – Череда трехраздельная – Иттиканак [Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые - Қоқидошлар (Муракккабгулдошлар)].**



Туркум номи лотинча “bes”- икки, иккибор ҳамда “dens”- тиш, мевасида иккита ўткир тишчаси бор эканлигини кўрсатади. Тур номи “tripartitus” барги учбор қирқилган деган маънода.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида флаваноидлар (плотеолин, цинаризид, кумаринлар (умбеллиферин), витаминлар ошловчи ва шиллиқ моддалр бор.

Доривор махсулоти: *Herba Bidentitis* - Иттиканак ўти.

Ишлатилиши. Иттиканак ўти тери касалликлари (диатез)да ва сийдик хайдашда, овқат ҳазмини яхшилашда ишлатилади, Здренко йиғмаси таркибига ҳам кўшилади.

**60. *Biebersteinia multifida* DC. - Биберштейния многораздельная - Қонтепар (Biebersteiniaceae J.G.Adardh – Биберштейниевые – Қонтепардошлар).**



Қонтепар бир турдан иборат. Туркум Қрим – Кавказ флорасини текширган ботаник Marshall F.A. Bieberstein (1768-1842й) номи билан аталган.

Тур номи “multifidus” лотин тилида япроқларини кўп бўлақларга қирқилганлиги, (“multi” – кўп, “fidus” - қирқилган, бўлинган,) учун аталган.

Кимёвий таркиби. Илдизида углеводлар, алкалоидлар (вазицин),

флавоноидлар, ошловчи моддалар, ер устки қисмида эфирмойи, сапонин ва алкалоидлар бор.

Доривор маҳсулоти: Cortex Biebersteini multifidae – Қонтепар илдизи.

Ишлатилиши. Илдизи қайнатмаси ичак ва бачадондан қон кетишини тўхтатишда ҳамда меъда касалликларини даволашда қўлланилади.

**61. *Brassica juncea* (L.) Czern (*Sinapis juncea* L.- Горчица сарептская - Хартал карам [Brassicaceae Burnett (Cruciferae Juss.) - Карамдошлар (Соябонгулдошлар)].**



Республика флорасида 5 тур номи келтирган.

Туркум карамни лотин тилидаги номидан олинган. Тахмин қилишларича кельт халқи тилидаги “brecis” ҳам карам.

*Sinapis* юнонча “sinapi” сўз бўлиб, Феофраст ва бошқа муаллифлар шундай аташганлар. Шунингдек, юнонча “sinos” - зиён, “ops” –кўриш, кўз маъносида ўсимликни аччиқлиги туфайли кўз ёшини оқизишига ҳам ишора.

Тур номи “juncous” лотинча қамиш, “juncus” деб аталиши эса ўз навбатида “jundere” қўшмоқ боғламоқ маъноларига

эга, чунки, ўсимлик пояси сават тўқиш ва томни ёпиш учун ишлатиладиган қамишларни боғлашда қўлланилаган.

Кимёвий таркиби. Уруғи таркибида олтингугугурт бирикмалари, (синигрин), баргида каротиноидлар (каротин, лютеоин), ферментлар, шиллик моддалар, оксил бор.

Доривор маҳсулоти: Semen sinapis nigrae - Қора хартал уруғи.

Ишлатилиши. Уруғидан олинган мойдан суртма тайёрланади. Спиртдаги эритмаси шамоллаш ва ревматизмга даво. Ёғсизланган уруғидан хартал қоғозлари (горчичник) ҳамда зиравор (горчица) тайёрланади.

**62. *Bryonia alba* L. – Переступень белый - Тарвузпалак, Сиртган (Cucurbitaceae Juss. – Тыквенные - Қовоқдошлар).**



Ўзбекистонда тарвузпалакнинг тўрт тури ўсади.

Туркум номи юнонча “bryein” – тез ўсмоқ маъносида бўлиб, ўсимликни тез ўсиб поя ҳосил қилиши ва ривожланишига ишора, alba илдизини оқ рангда (синдирганда ҳам) эканлигини кўрсатади.

Кимёвий таркиби. Илдизидан гликозидлар (брионин, бриомарид), аччиқ моддалар, сапонинлар, крахмал, органик кислоталар, ошловчи моддалар ажратилган.

Доривор махсулоти: *Radix Bryonia recens* - Тарвузпалакни янги илдизи. Ишлатилиши. Микстураси радикулит ҳасталигини даъволашда ишлатиладиган препаратлар таркибига қўшилади.

**63. *Bunium persicum* (Boiss.) K.-Pol. - Буниум персидский – Форс зираси [Ariaceae (Umbelliferae) – Сельдерейные – Зирадошлар (Соябонгулдошлар)]**



Зиранинг Ўзбекистонда 10 га яқин тури маълум.

Юнонча “bunion” - туганакли зирадошлар оиласига мансуб ўсимликларни Диоскорид келтирган номи.

“Persicum”- форс ўсимлиги номи билан тавсифланган.

Кимёвий таркиби. Уруғида 2,75-3 % эфир мойи мавжуд.

Ишлатилиши. Туганагининг кукуни – стоматитда, донини қовурилгани асал билан бирга буйракда тош касаллиги ва псориазни

(суртма шаклида), даволашда қўлланилади.

**64. *B. chaeraphylloides* (Regel et Schmalh.) Drude.- Буниум – Зира.**

“Chaeraphylloides”- тангача намо барг маъносиди.

Кимёвий таркиби. Эфир мойлари сақлайди.

**65. *Buxus sempervirens* L. – Самшит вечнозеленый – Яшил шамшод (Buxaceae Dumort. - Самшитовые – Шамшоддошлар).**



Шамшоднинг бир тури экиб ўстирилади.

Юнонча “rixos” – сўзидан олинган. Аристотель ва Феофраст шамшодни шу ном билан аташган. Тур номи ўсимлик ҳамиша яшил эканлигига ишора.

Кимёвий таркиби. Барглари ва ёш новдалари алкалоидлар (Циклобуксин-Д, Псевдоциклобуксин-Д, Буксалин –С ва б.) сақлайди.

Ишлатилиши. Сурги дори ва сийдик ҳайдовчи, ҳамда тиш оғригини даволашда ишлатилади.

**66. *Calendula officinalis* L. – Ноготок лекарственный - Тирноқгул  
(Asteraceae Dumort (Compositae Giseke - Қоқидошлар  
(Мураккабгулдошлар))**



Туркум номи лотинча “calendae” сўзини кичрайтирилган шакли бўлиб, римликлар ҳар ойнинг биринчи кунини (“calendae”) шундай аташганлар. Ўсимликни гули ҳам эрталаб очилиб, кечасига юмилган.

Тур номи эса дориворлик ёки дорихона сўзларини ифодалаб, шифолик хусусиятини кўрсатади.

Доривор махсулоти: Flores Calendulae – Тирноқгул гуллари.

Тинктураси ва дамламалари ва суртмаси жароҳатларида, йирингли, яраларни даволашда, томоқ чайишда, ҳамда ошқозон ярасини ҳамда гастритда жигар хасталигини даволашда ишлатилади.

Тўпгулларида ҳам хил таблеткалар тайёрланади.

**67. *Campanula glomerata* L. - Колокольчик скученный - Қўнғироқгул-  
(Campanulaceae Juss. – Колокольчиковые - Қўнғироқгулдошлар).**




Ўзбекистонда Қўнғироқгулнинг 6 тури учрайди.

“Campana”- қўнғироқ сўзини кичрайтирилган шакли. К.Линнейдан аввал берилган ном бўлиб, гултожларини қўнғироқ шаклида эканлигини англатади.

Тур номи (glomerata) тугунга тўпланган маъносига. Кимёвий таркиби. Ер устки қисмидан флавоноидлар, стероидлар, ошловчи моддалар, алкалоидлар, витаминлар, кумаринлар, илдиздан алкалоидлар, азотли бирикмалар (холин), полиацетилен моддалар ажратилган.

Ишлатилиши. Дамлама ангина, ларингит хасталикларини даволашда, қўлланилади баргларида тайёрланган спиртли экстракт седатив таъсирга эга.

**68. *Cannabis sativa* L. – Конопля посевная – Экиладиган наша, гашиш,  
марихуана, (Cannabaceae Endl. – Коноплевые - Нашадослар).**



Нашанинг республикада икки тури ўсади.

К.Линней наша номини ўсиш шароитини ҳисобга олган ҳолда чиринди тупроқ (“humus” - ҳозирги гумус) билан боғлаган. Латин тилидан *kannabis* – наша, “*sativa*”- экинбоп, экиладиган маъносини англатади.

Кимёвий таркиби. наша тола берувчи ва ўзида ёғ сақловчи (уруғида ёғ миқдори - 3,5%) ўсимлик ҳисобланади.

Ишлатилиши. Тери касалликларини даволашда қўлланилади, захарли (отлар учун).

**69. *Capparis spinosa* L. - Каперцы колючие – Тиконакли кавар, ковул (Capparaceae Juss. – Каперцовые - Ковулдошлар).**



Республикада Ковул икки турдан иборат.

Ўсимлик номини Феофраст ва Диоскорид шундай аташган, этимологияси ноаниқ. Тур номи ковул тиканли бўлгани учун берилган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида рутин, кверцетин, сапонинлар, мевасида қандлар, флавоноидлар (тиогликозид), уруғида мой, илдизида алкалоид (стахидрин), флавоноидлар, кумаринлар бор.

Доривор маҳсулот: *Radices et Fructus Capparis* - Ковул илдизи ва меваси.

Ишлатилиши. Ковул илдизи препаратлари қон ивишини тезлаштирадиган ҳам қон кетишини тўхтатадиган таъсирга эга.

**70. *Capsella bursa-pastoris* (L.) Medic. – Пастушья сумка - Жағ-жағ [Brassicaceae Burnett (Cruciferae Juss.) - Капустные – Карамдошлар].**



Жағ-жағ бир турдан иборат.

Туркум номи “capsa” - дукон ёки қути маъносида бўлиб уруғи шаклини ифодалайди.

Тур номи юнонча “bursa” - халта, тўғрироғи тери демак, чунки чўпонлар халтаси мол терисидан тайёрланган меваси “paster” - чўпон халтасини эслатади.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида гликозидлар витаминлар аскорбин кислотаси (витамин С), уруғида липидлар, сапонинлар, органик кислоталар.мавжуд.

Доривор маҳсулоти: Herba Bursae pastoris – Жағ-жағ ўти.

Ишлатилиши. Дори препаратлари (дамлама, суюқ экстракти) туғруқдан кейин бачадондан қон оқишини тўхтатиш ҳамда унинг тонусини яхшилаш учун қўлланилади.

### **71. *Capsicum annum* L. – Перец однолетний - Қалампир, Гармдори (Solanaceae Juss. - Пасленовые - Итузумдошлар).**



Қалампирни бор тури экиб ўстирилади.

Туркум номи юнонча “capsa”, “capsacion” – идиш, қути каби маънода бўлиб, гармдори дони ичида эканлигига ишора.

Тур номи “annum” – бир йиллик маъносида.

Кимёвий таркиби. Меваси таркибида алкалоид (капсаицин), эфир мойи, витаминлар (каротин, С, Р, В<sub>2</sub> ва ҳ.к.), стероид моддалар, сапонинлар бор.

Доривор маҳсулоти: Fructus capsici – Қизил қалампир меваси.

Ишлатилиши. Тинктураси иштаха очувчи ва овқат ҳазмини яхшиловчи восита, суртмалари линименти ревматизм, артрит, радикулит, невралгия (қалампир пластири) каби ҳасталикларга даво.

**72. *Cassia acutifolia* Del. – Кассия, Сенна - Сано, Ўткирбарг сано [Fabaceae Lindl. (Legiminosae Juss) – Мотильковые - Бурчоқдошлар (Дукакдошлар)].**



Сананинг уч тури экиб ўстирилади.

Туркум номи қадимда долчин ва бошқа хушбўй ҳидли ўсимликлар учун берилган. Диоскорид ва б. юнон муаллифлари зиравор ўсимликлардан бирини шу ном билан келтиришган. К.Линней сурги хусусиятли ўсимликларини ҳам шу ном билан атаган. Сенна арабча “sana” сўздан олинган бўлиб, сано барги номи. Хом ашё Европага Александрия порти орқали олиб ўтилгани учун сано “Александрия барги” ёки “Александрия кўзоғи” деб ҳам номланган.

Тур номи “acutifolius” – ўткирбарг, лотинча “acutus” (ўткир) ва “folium” барг шаклига ишора.

Кимёвий таркиби. Сано турлари барги ва мевалари таркибида антроцен унумлари (сеннозид, реин, глюкореин ва б), флавоноидлар, кислоталар (салицилат), смола ва бошқа моддалар бор.

Доривор маҳсулот: а) Folium Sennae seu Cassiae – Сано барги.

б) Folliculas Sennae seu Cassiae – Сано баргаги.(Александрия кўзоғи). Сурги дориси сифатида ишлатилади.

**73. *C. angustifolia* Vahl. - Кассия узколистная – Ингичка барг сано.**



Тур номи ўсимлик баргининг шаклига кўра “angustus” – ингичка ва “folium” –барг.

Кимёвий таркиби. Барглари таркибида антрацен унумларидан ташқари, флавоноидлар, ҳамда салицилат ва бошқа органик кислоталар, смолалар ва жуда оз миқдорда алкалоидлар. Гликозидлар – сеннозид А ва сеннозид В гидролиз натижасида қанд қисми-глюкоза ва агликонлари-сеннидин А ва сеннидин Вга парчаланadi. Ишлатилиши. Сано препаратлари сурги сифатида ишлатилади. Барг таркибидаги смолалар спиртда ва қайноқ сувда эрийди, бу смолалар ичакни оғритиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам тайёрланган дамламани совитиб,

смола чўкканидан кейин филтрлаш лозим. Баъзан барг таркибидаги смолани спиртда эритиб олиб, кейин дори турлари тайёрланади.

#### 74. *C. obovata* Neun. – Кассия обратнойцевидная - Тўмтоқбарг сано.



Барг шакли “obovatus” тескари тухумсимон деган маънода.

Кимёвий таркиби. Игна баргли шохчалари ва мевалари эфир мойлари (0,4-0,7%) сақлайди.

Ишлатилиши. Дезинфекцияловчи ва ошқазон яраларини битирувчи, тўкималарнинг регенерациясини тезлаштирувчи хусусиятга эга.

Антибактериал ва фунгицид фаоллиги ҳам мавжуд.

Мевалари Тожикистонда ревматизм, паралич, бош оғриғида ишлатилади, қайнатмаси- диуретик, трахеит, бронхит, лорингит каби ҳасталикларни даволаш йиғмаларига киради. Унинг кунжут ёғи билан аралашмаси кулоқ ҳасталигини карларни даволашда ишлатилади. Эфир мойларининг спиртли эритмаси ревматизмда аналгетик сифатида қўлланилади.

Парфюмерия саноати ва спирт (ароқ) ишлаб чиқаришда ароматизатор.

#### 75. *Carex* L. – Осока-Ранг, Илок (Cyperaceae Juss.-Хиллолдошлар).



Ўзбекистонда Рангнинг 40 дан зиёд тури маълум.

Туркум номи тахминларга кўра “carere” – бирор нарчасиз деган маънода бўлиб, бошоқдаги чангчи гулларини мева(дон) хосил қилмаслигига ишора. Антик рим муаллифлари Вергилий, Катул, Калумелла асарларида ҳам ўсимлик шу номда тилга олинган.

Brevicollis номи эса “brevis” (қисқа), “collis”- бўйин маъносида ўсимлик топилган ва тафсиқланган жой.

Кимёвий таркиби. Илдизи ва ер устки қисмида алкалоидлар (бревеколлин, бревикорин, гармин, гармол, гарман ва б) аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Herba Caricis brevicollis – Ранг барги.

Ишлатилиши. Ўсимлик туғиш жараёнини тезлаштиришда ишлатиладиган бревиколлин алкалоиди манбаи. Доривор ўсимлик сифатида Европада ўсадиган *C. brevicollis* DC. ишлатилади

**76. *Cardaria repens* Desv. – Кардария, Сердечница - Болтирик.  
[Brassicaceae Burnett (Cruciferae Juss.) - Капустные (Крестоцветные) –  
Карамдошлар].**



Ўзбекистонда икки турдан иборат.

Юнонча “кардио” – юрак, барги юраксимон, “repens”- ўрмаловчи деган маънода поясига ишора.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ер устки қисми ва баргларида алкалоидлар, мевасида ёғлар (линолен, линол, олеин, пальмитин ва б.) аниқланган.

Ишлатилиши. Ўсимлик нектар (асал)га бой. Бошқа турлари (*C.draba*) тери, ошқазон-ичак касалликларига даво.мевасини экстракти иситмани туширади.

**77. *Carthamnus tinctorius* L. – Сафлор красильный – Махсар.  
[Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые (Сложноцветные) –  
Қоқидошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Республикада махсарни тўрт тури маълум.

Арабчадан “karthom” ёки “karthum” – бўёмоқ, тур номи “tinctorius” – бўёқли маъноларини англатади. Эҳтимол юнонча “katairo” - тозаламоқ, чунки айрим турлари сурғи дори сифатида ишлатилган.

Кимёвий таркиби. Уруғида 25-37% ёғ сақлайди. Гултожбаргларида сарик ва қизил бўёқлар олинади.

Ишлатилиши.қадимда гуллари сарик касаллигини даволашда қўлланилган.

**78. *Carum carvi* L. – Тмин  
обыкновенный - Қоразира [(Apiaceae  
Lindl.- Сельдерейные-Umbelliferae–  
Соябонгулдошлар-Зирадошлар)].**



Ўзбекистонда қора зирани икки тури ўсади.

Туркум номи юнонча “karon” ёки “karos” – бош маъносини англатиб, мураккаб соябон кўринишида бўлганлиги учун берилган. Плиний маълумотича Кичик Осиёнинг Кария деган жойида қоразирани сифатли турлари ўсади экан.

Тур эса арабча (“karwaja”, “karawia” ) аталиши билан боғлиқ бўлиб, у ҳам ўз навбатида юнонча “caron” номидан олинган бўлса эҳтимол.

Кимёвий таркиби. Меваси таркибида эфир мойи, витаминлар, оксил, флавоноидлар(кверцитин, кемпферол), углеводлар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: Fructus Carvi – Қоразира меваси.

Ишлатилиши. Айрим доривор ўсимликлар (Асорун, Мойчечак ва ҳ.к.) билан аралашмаси сийдик ва ел ҳайдовчи ҳамда ошқозон ичак ҳасталикларига даво. Эфир мойи фармацевтикада суюқ дориларни таъми ва ҳидини яхшилаш учун қўлланилади.

#### **79. *Ceratocephala testiculata* (Crantz) Bess. – Рогоглавник - Учма, Оташак (Ranunculaceae Juss. - Айиқтовондошлар).**



Учма икки турдан иборат.

Туркум номи юнон тилида “keras” – мугуз, шох, “kefale” – бош, меваси бошсимон, мева тумшукчаси мугузга ўхшаган тўғри, тур номи меваси тухумсимон эканлигига ишора.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида қандлар, урон кислотаси, каротин, гликозид (анемонин) каби моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: Herba Ceratocephali – Учма ўти.

Ишлатилиши. Ер устки қисмидан тайёрланган суртмаси ҳамда анемонин эритмаси яраларни, чипқонни даволашга тавсия этилган.

#### **80. *Centaurea depressa* Vieb. - Василёк – Бўтакўз, [Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые (Сложноцветные) – Қоқидошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Ўзбекистонда Бўтакўзни 14 тури маълум.

Гиппократ келтирган ўсимлик номи. Юнонча “kentuaros” - “kentein” – майдаламоқ, “tauros”- бука, тур номи меваси сиқилган деган маънога эга.

Кимёвий таркиби. Ўсимликда каучук, алкалоидлар, флаваноидлар, фенолкарбон кислоталар, кумаринлар, витамин С, сапонинлар, ошловчи моддалар, антоцианлар аниқланган.

Ишлатилиши. Антибактериал ва антифунгал фаолликка эга. Ер устки қисми флаваноидлар йиғмаси диуретик, сесквитерпенлар йиғмаси – антибактериал хусусиятга эга. Ўрта Осиёда – гуллари сарик

касаллигида ўт хайдовчи, депрессия, неврастения ва кўз касалликларини даволашда ишлатилади.

### **81. *C. ruthenica* Lam.- Василек русский - тош какра.**

Кимёвий таркиби. Ўсимлик каучук, фенолкарбон кислоталар, флаваноидлар, алкалоидлар, полеацетилен бирикмалар, уруғида ёғлар мавжуд.

Ишлатилиши. Балқон ярим оролида – диареяда антибактериал восита сифатида ишлатилади.

### **82 *C. cyanus* L.– Василёк обыкновенный-Бўтакўз, Зангори бўтакўз.**

Туркум номи юнон тилида “kentavreos” – кентаврларга (ярим одам –ярим от) тегишли маънога эга бўлиб, Аристотель ҳам ўсимликни шу номда келтирган. Плиний маълумотича афсонавий кентавр Хирон бўтакўз барги шираси билан жангчилар жароҳатини даволаган экан.

Тур номи “cyanus” юнонча “kyanos” – тўқ зангори деган маънода гулларини рангига ишора.

Ўсимлик таркибида гликозидлар (цимарин, цикорин), антоцианлар, кумаринлар, шиллик ва ошловчи моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: Flores Cyani – Бўтакўз гуллари. Ўсимлик экстракти, микстураси.

Ишлатилиши. Буйрак, жигар, ўт ва сийдик йўлларида даволашда қўлланиладиган йиғма чойлар таркибига киради.

### **83. *Centaurium (Erythraea) umbellatum* Gilib. Золототысячник зонтичный– Мингтиллачи, Пилтагул (Газакўтдошлар – *Gentianaceae* Juss.).**



Пилтагулни тўрт тури қайд этилган.

Туркум номи Гиппократ, Феофраст ва Диоскорид асарларида келтирилган бўлиб, “centum” – юз,

“aurum” – олтин номларини англадиб, ўсимлик қимматбаҳо доривор хусусиятига эга дейишганлар.

*Erythraea* номи юнонча “erythros” – қизил, гулларини рангини ифодалайди.

Тур номи “umbellatus” ,”umbella” – соябон маъносида тўпгуллари шакли назарда тутилган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмидан алкалоидлар(генцианин), гликозидлар(генциопикрин, центапикрин), флавоноидлар, кислоталар, витаминлар ажратилган.

Доривор маҳсулоти: *Herba Centaurii* – Пилтагул ўти.

Ишлатилиши. Тинктураси ва настойкаси иштаҳа очувчи, ичак фаолиятини яхшиловчи ҳамда ўт ажралишини мувофиқлаштирувчи чойлар йиғмалар таркибига кирилади.

#### **84. *C.pulchellum* (Swartz)Druce – Золототысячник красивый - Бежирим пилтагул.**



Тур номи “pulcer” сўзини кичрайтирилган шакли “chrum” – чиройли, гўзал маънода, гул кўринишига ишора

Кимёвий таркиби. Ўсимликдан алкалоидлар, сапонинлар, витаминлар, ксантонлар ажратилган.

*C.umbellatum* каби таъсирга эга. Дамламаси овқат хазм қилиш аъзоларининг фаоллигини ошириш хусусиятига эга. Ошқазон, ўн икки бармоқли ичак, жигар ва ўт пуфаги хасталикларига даво.

#### **85. *Cerasus vulgaris* Mill. – Вишня обыкновенная - Олича, олволи олича. (Rosaceae Juss. – Розоцветные - Раънодошлар).**



Ўзбекистонда оличанинг 9 тури маълум.

Туркум номи юнонча “kerasos” олича дарахти номидан олинган бўлиб, у ҳам курд ва форс тилларида “keras” ёки “keraseni” – олича демак. Баъзи муаллифлар фикрича эса олича номи Қора денгиз бўйидаги Керасунт шаҳри номидан (*Kerasous* – олича шаҳри) олинган бўлиб, Лукул томонидан Римга ўша шаҳардан олиб келинган экан.

Тур номи ўсимлик тарқалишини кўрсатади.

Кимёвий таркиби. Меваси таркибида қандлар, органик кислоталар, витаминлар, бўёқ ва ошловчи моддалар, эфир мойи, ёғ аниқланган.

Доривор маҳсулоти: *Fructus Cerasi* – Олича меваси.

Ишлатилиши. Иситма тушурувчи, иштаҳа очувчи восита, фармацевтика амалиётида микстуралар тайёрлашда ишлатилади.

**86. *Cercis siliguastrum*. L. – Багряник стручковидный – Қўзоқмева арғувон (*Fabaceae* Lindl. (*Legiminosae* Juss.) – Мотильковые - Бурчокдошлар (Дуккакдошлар)).**



Юнон тилида “керкис” – тўқиш моки маъносида. Аристотель ва Феофраст меваси (дуккаги) шаклига кўра шу ном билан аташган. Тур номи меваси шакли (“siligua”-қўзоқ) га кўра аталган.

Ўзбекистонда арғувоннинг тўрт туридан учтаси шаҳарларда манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Бир тури *C.griffithi* Boiss.ёввойи ҳолда Қурама ён бағирларида (Оҳангарон дарёси) ўсиши аниқланган.

**87. *Ceratocephalis testiculatis* (Crantz) Bess. – Рогоглавник – Учма оташак (*Ranunculaceae* Juss.- Айиқтовондошлар ).**

Туркум номи юнон тилида “Keras” – мугуз, шох, “kefale” – бош, меваси бошсимон, мева тумшукчаси мугузга ўхшаган тўғри.

Ур устки қисмида қандлар, урон кислотаси, каротин, гликозид (анемонин) каби моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: *Herba Ceratocephali* – Учма ўти.

Ер устки қисмидан тайёрланган суртмаси ҳамда анемонин эритмаси яраларни, чипқонни даволашга тавсия этилган.


**88. *Chamaenerium angustifolium* Adans. – Иванчай – Баргчой, Хаманериум, (*Onagraceae* Juss. – Ослинниковые - Қизилбаргдошлар).**



Туркум номи юнонча “chamai”-пакана, ”nerion”-барглари самбитгул(олеандр)га ўхшагани учун берилган. Тур номи барглари шаклини (чўзиқ) ифодалайди.

Кимёвий таркиби. Ўсимликдан флавоноидлар (кверцитин, мирицитрин, изомирицирин) ажратилган. Эритмаси юқори ҳароратни пасайтириш хусусиятига эга. Гуллари ханерол препарати таркибига қўшилади.

**89. *Chenopodium album* L.- Марь белая –Шўра, Оқ сепма.  
(*Chenopodiaceae* Vent. – Марьевые - Шўрадошлар).**



Шўрани 10 тури ўсади.

Юнон тилида “chen” - ғоз, “podion” – оёқ, album оқ тусли маъносида.

Кимёвий таркиби. Эфир мойлари, сапонинлар, алкалоидлар, флавоноидлар, В<sub>1</sub>, В, С витаминлари, органик кислоталар, уруғида сапонин, алкалоид, ёғлар (4,2-9%) сақлайди.

Ишлатилиши. Тибет, Хитой, Хиндистон ва СНГ халқлари табобатда шамоллаш, овқат хазм қилиш тизими касалликлари, ошқазон ярасини даволашда, гижжа ҳайдовчи, оғриқ қолдирувчи, бронхит, йўтални даволашда ва

ишлатилади.

**90. *Ch. botrys* L. – Марь клейкая - Олабўта.**

Тур номи гуллари шингилга (“botrys”) тўплангани учун аталган.

Кимёвий таркиби. Эфир мойлари (сесквитерпенлар, азулен, гераниол, углеводлар, алкалоидлар, органик кислоталар, сапонинлар, флавоноидлар, фосфолипидлар сақлайди.

Ишлатилиши. Халқ табобатида тери касалликлар ва астмага даво, қон босимини туширувчи ва юрак ишини кучайтирувчи восита уйқуни нормаллаштиради.

**91. *Chondrilla juncea* L. - Хондрилла – Қумсақич, [*Asteraceae* Dumort.  
(*Compositae* Giseke) – Астровые (Сложноцветные) – Қоқидошлар  
(Мураккабгулдошлар)].**



Ўзбекистонда қумсақичнинг 5 тури учрайди.

Юнонча “chondros”- кемирчак, тугун, ўсимлик илдизи сутсимон моддаси котгач, бўғин-бўғинли тугун ҳолига келади.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисми фенилкарбон кислоталар, уларни хосилалари, кумаринлар (цихорин, эскулитин), флавоноидлар (лютеолин, кверцитин) сақлайди. Ўсимлик бошқа турлари каби каучук манбаи.

**92. *Chelidonium majus* L. – Чистотель - Қончўп (Papaveraceae Juss.–  
Маковые - Кўкнордошлар).**



Қончўпнинг бир тури маълум. Туркум номи юнон тилида “chelidonios” – қалдирғоч номи билан боғлиқ. Эмишки , ўсимлик қалдирғочлар учиб келиши билан пайдо бўлиб, кузда учиб кетишганда қуриб қоларкан. Айримлар фикрича қадимда қончўп шираси билан кўз ҳасталигини даволаганлар, чунки қалдирғочлар кўзи ожиз полопонларини ҳам шундай даволашар эмиш. Тур номи эса “majus” – “magnus” , яъни катта. Йирик маъносида бўлиб, ўсимлик бўйига (бирметрча) нисбатан айтилган.

Ер устки қисмидан алкалоидлар(хелидонин, сангвинарин, протопин), эфир мойи, витаминлар, органик кислоталар, флавоноид ва сапонинлар ажратилган.

Доривор маҳсулоти: а) *Herba Celidonii* - Қончўп ўти. Ўсимлик ўт хайдовчи йиғмаларга қўшилади.

б) *Rhizoma cum radicibus Cpelidonii* – Қончўп илдизпояси ва илдизлари. Комплекс препаратлари жигар ва ўт пуфаги хасталиқларида ўт хайдовчи восита.

**93. *Cichorium intybus* L. – Цикорий обыкновенный – Оддий сачратқи  
[Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые (Сложноцветные) –  
Қоқидошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Сачратқининг бир тури ўсади.

Туркум номи юнонча “kichorion” сўзидан олинган, “kio” – юрмоқ ва “chorion” – дала маъносига эга бўлиб, ўсимликни экинзорларда ҳамда, дала чеккасида ўсганлигини ифодалайди.

Тур номи эса турлича талқин қилинган холда “enthomos” – барглари қирқилганига ишора бўлса, баъзи муаллифлар “in” –га, “tubus” – най, яъни ўсимлик саватчалари пояннинг юқорисидаги барглар қўлтиғида жойлашганига ишора деб ҳисоблайдилар.

Ер устки қисмида флавоноидлар, кумаринлар, витаминлар, аччиқ ва ошловчи моддалар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: Radix Cichorii – Сачратқи илдизи.  
Иштаҳа очувчи ва овқат ҳазмини яхшиловчи восита.

**94. *Citrullus colocynthus*(L.) Schrad. – Арбуз колоцинт - Аччиқ тарвуз, колоцинт тарвуз (*Cucurbitaceae* Juss. – Тыквенные - Қовокдошлар).**



Қадимги рим муаллифлари асарларида бодринг шу ном билан аталган, кейинчалик тарвуз ҳам шундай номланган. Тур колоцинт ўсимлиги номидан олинган. Ватани Шимолий Африкада кўп йиллик, бизни шароитда бир йиллик ўсимлик сифатида уруғидан кўпаяди. Экиб ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Мева пўстида эфир мойи, мевасида кукурбитоцин, алкаоидлар, сапонинлар, витаминлар (В, В<sub>2</sub>, РР), уруғида крахмал, мой бор.

Доривор маҳсулоти: Fructus *Citrullus colocynthis* – Аччиқ тарвуз (колоцинт) меваси.

Ишлатилиши. Мевасининг қайнатмаси (настойка) кучли сурги сифатида қўлланилади.

**95. *Citrus limon* Burn. – Лимон - Лимон (*Rutaceae* Juss. – Рутовые - Тошбақатолдошлар).**



Ўзбекистонда цитрус мевалар – лимон, апельсин, мандарин иссиқхоналарда ўстирилади.

Туркум номи юнон тилида “kitron”, “kitrion” – сўзларидан олинган бўлиб лимон демак.

Римликлар эса лимон дарахти ва Африкада ўсадиган хушбўй ҳидли дарахт (туйя)ни ҳам шу ном билан атаганлар. Лимон дарахти номи, юнон тилида кедр дарахти (kedros) номидан келиб чиқиб, унинг ҳидидан уй куяларига қарши курашда фойдаланишган эканлар. Кейинчалик бу маъно лимон дарахтига ҳам берилган. Тур номи “limon”, “limonum”, форсча “limun”, у эса ўз навбатида санскрит тилида “nimbusa” билан боғлиқ бўлиб ўзгаришга учраган. (“ninbu”, “limu” ва ҳ.к.)

Кимёвий таркиби. Лимон пўсти таркибида эфир мойи, кумаринлар, фуракумаринлар, флавоноидлар (гесперидин, эриоцитрин), лимон кислотаси, витамин С мавжуд.

Доривор маҳсулоти: а) Eхосарpum Citri – Лимон пўсти. б) Fructus Citri – Лимон маеваси.

Ишлатилиши. Мойи турли дориларни таъми ва ҳидини ўзгартириш учун қўшилади. Мева пўстидан витамин таъсирига эга бўлган “цитрин” номли препарат олинади.

**96. *Cnicus benedictus* L. – Волчец благогословенный - Қушқўнмас, Сарик қушқўнмас [Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые (Сложноцветные) – Қоқидошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Қушқўнмас бир турдан иборат.

Диоскорид ўсимликни шу номда келтирган. Юнон тилида “Книxein” – тирнамоқ, яраламоқ маъносида бўлса керак.

Тур номи (“benedictus”) – лотин тилида “bene” – яхши, аъло, “dictus” – айтилган, кўрсатилган маънода бўлиб ўсимликнинг доривор хусусиятига ишора.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик ер устки қисмида лактон (кницин), гликозид (мениантин), эфир мойи, қатрон, ошловчи моддалар, уруғида мой борлиги аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Herba Cnicusi benedicti – Сарик қушқўнмас ўти.

Ишлатилиши. Ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма ўт хайдовчи восита сифатида сарик касаллигида, буйрак, сийдик йўлларида даволашда ҳамда овқат ҳазмини яхшиловчи, иштаҳа очувчи дори сифатида қўлланилади.

**97. *Colchicum autumnale* L. – Безвременник осенний - Савринжон (Colchicaceae DC. – Безвременниковые - Савринжондошлар).**



Туркум номи юнонча “kolch” – Қора денгиз бўйидаги Қадимий Колхида номи билан боғлиқ. Диоскорид маълумотида ўсимлик дастлаб ўша жойдан топилган. Ўрта асрларда савринжонни “filius antepatrem” - “ўғли отасидан аввал” деб, ҳазиломуз аташганлар, чунки ўсимлик кузда гуллаб, эрта баҳорда барглари пайдо бўлгач, кўсаги етилган.

Тур номи “autumnale” – кузги маънода, ўсимликни гуллаш даврини кўрсатади.

Ўзбекистонда Оқ савринжон (*C.kesselringii* Regel) ва Сарик савринжон-(*C.luteum* Baker) ўсади.

Бу турлардан ҳам *C.autumnale* алкалоидлари каби колхицин, колхамин, регелин, лутеин каби ўнлаб моддалар ажратилган. Колхамин суртма ҳолида тери рақини даволашга тавсия этилган, колхицин эса ўсимлик селекциясида полиплоид навлар етиштиришда қўлланилади.

Доривор маҳсулоти: Ruber Colchici – Савринжон туганак пиёзи.

**98. *Conium maculatum* L. – Болиголов пятнистый - Зангпоя, Сассик алаф [Apiaceae Lindl. (Umbelliferae) – Сельдерейные (Зонтичные) - Зирадошлар (Соябонгулдошлар)].**



Ўзбекистонда бир тури маълум.

Туркум юнон тилида “conos” - бўрича. Меваси истеъмол қилинганда бошни айлантиришига ишора.

Тур номи лотин тилида “macula” - доғ, ўсимлик баргидаги оқ доғларга нисбат берилган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида алкалоидлар (кониин, конгидрин), эфир мойи, флавоноидлар (кверцетин, кемпферол), витаминлар бор.

Доривор маҳсулоти: *Herba Coniumi maculatii* – Зангпоя ўти.

Ишлатилиши. Ўсимлик ер устки қисми экстракти, малҳами ва кониин алкалоиди (тузи) оғриқ қолдирувчи восита. Илгарилари “Акофит” препарати таркибига қўшилган.

**99. *Convolvulus subhirsutus* Regel et Schmalh. – Вьюнок смолоносный - Печак, Партак, Мингбош (Convolvulaceae – Вьюнковые - Печакдошлар).**



Ўзбекистонда печакнинг 14 тури ўсади.

Лотин тилида “convolvere” ўрамоқ, чирмашмоқ. Бир қатор турларини пояси чирмашиб ўсганлиги учун берилган ном. Тур номи дағал тиконли бўлганлиги учун аталган.

Кимёвий таркиби. Алкалоидлар (конвольвин, конволамин, конвольвицин, конволидин, конвалин, конварин ва кумаринлар, флавоноидлар сақлайди. Препарат конвокаин оториполорингологик, офтальмологик ва стоматологик амалиётида музлатувчи восита сифатида таклиф қилинган.

Ўрта Осиёда ер устки қисмини бронхиал астма, ўпка ва жигарга, барг қайнатмаси яраларни даволашда ишлатилади.

Ишлатилиши. Илдизи ич юмшатувчи восита. Алкалоидларидан тайёрланган препаратлар (тропацин) паркинсон касаллиги, астма, ичак ярасини даволашда қўлланилади.

**100. *Corchorius olitorius* L. – Джут длиноплодный – Полиз жути (Tiliaceae Juss. – Липовые – Жўкадошлар).**



Экиб ўстириладиган ўсилик.

Туркум номи юнон тилида “korchoros” ёки “korgoros” – аччиқ кўкат маъносида. Феофраст совунўт (*Anagallis*) туркумига мансуб бир ўсимликни шу ном билан атаган. Ҳиндистонда жут баргини сабзавот ўрнида ишлатиш туфайли ҳам ўсимлик полиз ўти – “olitorius” дейилган.

Кимёвий таркиби. Уруғидан олиторозид, корхоризид номли гликозидлар ажратилган.

Ишлатилиши. Ўсимлик гликозидлари строфантин каби таъсирга эга. Текстиль саноатида ишлатилади, толасидан қоғозни баъзи турлари, харбий кийимлар ишлаб чиқарилади.

Доривор маҳсулоти: *Semen Corchori* – Жут уруғи

**101. *Coriandrum sativum* L. – Кориандр, Кишнец посевной - Кашнич [Apiaceae Lindl. (Umbelliferae) – Сельдерейные (Зонтичные) - Зирадошлар (Соябонгулдошлар)].**



Туркум юнонча “koriannon” номида Аристотель, Феофраст, Гиппократ, Диоскорид каби антик муаллифлар асарларида келтирилган, “koris” – анис ўсимлиги номига қиёс, чунки пишмаган уруғлари қандала ҳидини эслатар экан.

Кашнич экиб ўстирилади, “sativus” – эқмоқ маъносида, ёввойилашган ҳолда ҳам малум.

Кимёвий таркиби. Мевасида эфир мойи (линолол, гераниол) ёғ, оксил моддалари мавжуд.

Ишлатилиши. Гален препаратларига ёқимли ҳид бериш учун кўшилади. Лаванда мойи ўрнига ҳам ишлатилади. Эфир мойи ўт ҳайдаш, оғриқ қолдириш таъсирига эга. Дамламаси ва йиғма чойлари иштаҳа очадиган, овқат хазмини яхшилайдиган восита.

Доривор маҳсулоти: *Fructus Coriandri* – Кашнич уруғи.

**102 .*Convallaria majalis* L.- Ландыш майский - Марваридгул  
(Convallariaceae – Ландышвые- Марваридгулдошлар)**



Лотин тилида- “convallis” водий, ҳавза, “lilium”, “legion” яъни водий лилияси - ўсимликни ўсиш жойи номи билан боғлиқ. Тур номи ўсимликни гуллаган ойи номи.

Асосан Европа мамлакатларида Шимолий Кавказ ва Узоқ Шарқда ўрмонларда ўсади

Бизни шароитда манзарали ўсимлик (гул) сифатида экиб ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Марваридгулни ҳамма қисмида гликозидлар, флавоноидлар, сапонин каби моддалар аниқланган.

Ишлатилиши. Гликозидлари юрак фаолиятига кардиотоник таъсир этади.тиббиётда марваридгул дамламаси, қуруқ экстракти ҳамда коргликон препарати қўлланилади.

Доривор маҳсулоти. Herba Convallariae- Марваридгул ўти.

Flores Convallariae – Марваридгул гуллари. Folium Convallariae – Марваридгул барглари.

**103. *Corylus avellana* L. – Лещина, Орешник обыкновенный – Фундук,  
Мускат ёнғоғи (Corylaceae Mirb.-Лещиновые – Лещинадошлар).**



Манзарали дарахт сифатида шаҳарларда экилади.

Вергилий ўсимликни шу номда келтирган. Юнон тилида “koris” – дубулға маъносида бўлиб, меваси дубулғасимон гулкоча билан чала ўралган.

“Avellana” – ўсимлик кўп тарқалган Абелла шаҳри номидан олинганлиги сабаб “абеллана ёнғоғи” деб ҳам аталади экан.

Кимёвий таркиби. Пўстлоғида цианоген бирикмалар, флавоноидлар, (кемпферол, мирицигин, кверцитин ва б.), гул чангида азотли бирикмалар, флавоноидлар аниқланган.

Ишлатилиши. Тери касаллигида қўлланиладиган суюқ экстракт ва қорамой (катрон) олинади. Мевасининг пўстини қайнатмаси аденома простатасини даволашда қўлланилади.

Доривор маҳсулоти: Lignum Coryli – Мускат ёнғоғи ёғочи.

**104. *Cotinus coggygia* Scop. – Скумпия кожевенная – Скумпия, Котинус (*Anacardiaceae* Lind. – Сумаховые – Пистадошлар).**



Манзарали дарахт сифатида экилади.

Туркум номи Плиний томонидан келтирилган бўлиб, Апеннинада ўсадиган қирмизи рангли бўёқ олинадиган бута. Тур номи юнон тилидаги

“*kokugea*” этимологик жиҳатдан “*kokkinos*” – қирмизи, қизил ранг маъносида.

Кимёвий таркиби. Баргида ошловчи моддалар(таннин), флавоноидлар, (мирицитрин), эфир мойи, шохларида флавоноидлар бор.

Ишлатилиши. Антисептик хусусиятга эга. Новиков суюқлиги таркибида яра чақаларни даволашда ҳамда шамоллашга қарши қўлланилади.

Доривор маҳсулоти: *Folium Cotini coggygiae* – Скумпия барги.

Ишлатилиши. Ошловчи модда таннин ўт ҳайдовчи препарат “Флакумин”, “Танальбин”, “Тансал” таркибига қўшилади.

**105. *Crambe korschiana* Boiss. – Катран абиссинский – Кочи қатрони. [*Brassicaceae* Burnett (*Cruciferae* Juss.) – Капустные (Крестоцветные) – Карамдошлар].**



Ўзбекистонда қатроннинг 5 тури ўсади.

Туркум номи юнон тилида “*крамбе*”-карам, тур шахс номи билан аталган.

Кимёвий таркиби. Илдизида углеводлар: моносахаридлар, дисахаридлар, крахмал, баргида витамин С, каротин, уруғида ёғ бор.

Ишлатилиши. Илдизи қайнатиб озуқа сифатида ейлади. Уруғи Ўрта Осиёда шамоллашда қўлланилади.

**106. *C.orientalis* (L.) Andrz. – Катран восточный – Шарк катрони. Тур номи ўсимлик ўсган жой билан аталган.**

Кимёвий таркиби. Поясида фосфолипидлар, баргида ҳам фосфолипидлар, витамин С, каротин, уруғида 25,3% ёғ сақлайди.

Ишлатилиши. Кавказда цинга касаллигини даволашда қўлланилади.

**107. *Crataegus oxycantha* L. – Боярышник крававо-красный - Дўлана, Тиканли дўлана (*Rosaceae* Juss. Раънодошлар).**



Республикада Дўлана 10 дан зиёд турдан иборат.

Туркум номи юнон тилида “kratoios” – кучли, бақувват, “agein” – олиб бормок, ҳаракат маъносида бўлиб, дўлана ёғочи ва қаттиқ тиканларга нисбатан ҳимоя учун қаттиқ тикани борлиги назарда тутилган. берилган.

Тур эса юнонча “oxus” – ўткир, “acantha” – тикан.

Кимёвий таркиби. Дўлана гули таркибида флавоноидлар, эфир мойи,

кислоталар, мевасида флавоноидлар, ошловчи моддалар, кислоталар бор.

Доривор маҳсулоти:– а) Fructus Crataegi – Дўлана меваси.

Меваси турли экстракт ва тинктураларга қўшилади.

б) Flores Crataegi – Дўлана гуллари.

Ишлатилиши. Дўлананинг доривор препаратлари юрак касалликларида (юрак ишининг функционал бузилиши) ишлатилади. Бундан ташқари, аёлларда климакс даврининг бошланишида қўлланилади.

Гулларидан тайёрланган препаратлар юрак мушаклари фаолиятини яхшиловчи таъсирга эга.

**108. *C. pontica* С. Koch – Б. понтийский – Понтика дўланаси.**



Тур номи “pontika” – Қора денгиз ўсимлик ўсган жойи.

Кимёвий таркиби. Тритерпен сапонинлар (урсол ва олеанол), хлороген ва кофе кислоталар, сорбит, холин, ацетилхолин, флавоноидлар, ошловчи моддалар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Folium crataegi - Дўлана барги.

Ишлатилиши. Аввалги тур каби.

**109. *C. pentagyna W. et K.* – Б.пятипестичный - Бешуруғли дўлана.**

Тур номи юнонча “penta” – беш, “gyna” – уруғчи ёки “gyne” – аёл, уруғчилар сони маъносида.

Кимёвий таркиби. Тритерпен сапонинлар (урсол ва олеанол), хлороген ва кофе кислоталар, сорбит, холин, ацетилхолин, флавоноидлар, ошловчи моддалар мавжуд.

Ишлатилиши. *C. oxycantha* каби.

**110. *Crocus sativus L.* – Шафран посевной - Заъфарон (Iridaceae Juss. – Касатиковые - Гулсафсардошлар).**



Туркум номи юнон тилида “krokos” – заъфарон, антик муаллифлар шу ном билан аташган, ўсимлик ҳатто Гомерга (эрамиздан аввал 10-9 аср) ҳам маълум бўлган экан. Айримлар санскритча “kuncuma” дейишса, бошқалар юнонча ўсимлик ўсган жой Korykios номи билан боғлайдилар.

Тур номи ўсимлик экиб ўстирилгани боис “sativus” деб аталган.

Дориворлик хусусиятига эга бўлган турлар - *C. pallasii Goldb* ва *C. sativus L.* ва Ўзбекистонда *C. alatavicus* Regel et Semen ҳамда *C. Korolkovi* Regel et Maw. Ёввойи ҳолда ўсади. ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик гули тумшукчаси таркибида бўёқли моддалар гликозид (протокроцин) кроцин, пикрокроцин), флавоноидлар, эфир мойлари, баргида витамин С борлиги аниқланган.

Доривор маҳсулоти:

а) *Stigmata Croci* – Зафарон уруғчиси тумшукчалари.

б) *Flores Croci* – Заъфарон гуллари. Кўз малҳамлари

Ишлатилиши. Ўсимлик гули тумшукчаси озуқаларга сариқ ранг сифатида (хамир, сирларга, кондитер маҳсулотларга), сабзавотларни консервалашда, тутқаноқ, жигар, ошқозон касалликларини даволашда қўлланилади. Катта дозада ишлатилганда ундан захарланиш мумкин. Ҳомиладор аёлларда қон кетишини чақиради.

Ҳозирги замон табобатида ҳар хил гален воситаларини (настойка, экстракт, кўз томчилари) тайёрлашда қўлланилади.

**111. *Cucurbita pepo* – Тыква обыкновенная, Кабачки - Томоша қовоқ, Патиссон (*Cucurbitaceae* Juss – Тыквенные - Қовоқдошлар).**



Қовоқ экиб ўстириладиган ўсимлик ўсимлик.

Туркум номи “*cucumis*” – бодринг ва “*orbis*” – ҳалқа маъносидан келиб чиқиб, қовоқ мевасини юмалоқлиги ҳамда бодринг билан бир эканлигини ифодалайди.

Тур эса юнон тилида “*pepon*” – қовун, чунки қовоқни бу тури қовунга ўхшаш.

Кимёвий таркиби. Қовоқ уруғида ёғ, тўйинмаган кислоталар (линол, олеин) , витаминлар (С,В),картиноидлар, органик кислоталар, мевасининг юмшоқ қисмида турли витаминлар ва қандлар бор.

Ишлатилиши. Сабзавот ва озуқа сифатида, ёғи озуқа ва эритувчи маҳсулотлар тайёрлашга ишлатилади.

Доривор маҳсулоти: а) *Semen Cucurbitae* – Қовоқ уруғи. Қовоқ уруғи ва унинг майдаланган кукуни, қайнатмаси, эмульсияси гижжаларни туширишда қўлланилади. Мевасининг этли қисми жигар, буйрак ва қовуқ хасталикларидан сийдик ҳайдовчи восита.

б) *Pulpa Cucurbitae* – қовоқ эти.

Ишлатилиши. Кучли сийдик ҳайдовчи дори воситаси.

**112. *C.maxima* Duch. – Тыква гигантская - Ошқовоқ, Картошка қовоқ . (*Cucurbitaceae* Juss – Тыквенные - Қовоқдошлар.)**



Тур номи “*maxima*”, “*magnum*” – уруғи йирик бўлгани учун аталган.Кимёвий таркиби. Қовоқ уруғи таркибида 50% гача ёғ, витамин С ва В<sub>1</sub>, органик кислоталар, каротиноидлар каби моддалар, мевасининг этли қисми таркибида қандлар (4-11%), витамин С, В<sub>1</sub> ва В<sub>2</sub> , 16мг % гача каротиноидлар, никотин кислота ва б. бирикмалар бор.

Ишлатилиши. Сабзавот, озуқа, ёғ ва дори сифатида қўлланилади..

**113. *Curcuma longa* L – Куркума длинная – Сарик зарчава (Zingiberaceae Lindl. Имбирные - Зарчавадошлар).**



Ватани Ҳиндистон, бизда сўнги йилларда экиб ўстирилмоқда.

Туркум номи араб тилида “curcum” – заъфарон сўзидан олинган бўлиб, у ўз навбатида санскритча “kuncuma” – заъфарон демак. Қадимда зарчава заъфарон ўрнида ишлатилади. Диоскорид зарчавани аччиқ таъмли ва (илдизи) сарик ранг берадиган ўсимлик деган.

Тур номи ён илдизлари узун бўлгани учун “longa” дейилган.

Кимёвий таркиби. Зарчава илдизи таркибида эфир мойи (сесквитерпен, борнсол), сарик пигмент куркумин) мавжуд.

Ишлатилиши. Жигар ва ўт пуфагини даволашда ишлатилади.

Ипак, юнг, пахта, ёғ ва сирларга яшил ва сарик ранг бериш учун ҳам қўлланилади. Доривор маҳсулоти: Rhizoma Curcumae – Зарчава илдизи. Илдизидан олинган сарик пигмент ўт ҳайдовчи дорилар таркибига қўшилади.

**114. *Cuminum cyminum* L. - Кмин тминовый, Римский тмин – Сарикзира, Қумзира [ Apiaceae Lindl. (Umbelliferae Juss.) – Сельдерейные – Зирадошлар (Соябонгулдошлар)].**



Ўзбекистонда қумзирани бир тури ўсади.

Қадимги рим тилида “cuminum”, юнонча “куминон” – сўзларидан олинган бўлиб, бу сўз эҳтимол вавилонча “ку-му-ну” деган сўз (ном) билан боғлиқ деган фикр ҳам мавжуд..

Кимёвий таркиби 1-5% эфир мойи(цимол, пиненлар, дипетен, фелландрен, кумин спирти, терпенлар ва кумин альдегиди аниқланган.

Ишлатилиши. Тиббиётда тинчлантирувчи, уйқу дори сифатида қўлланилади. Сўрувчи, қуритувчи, ҳаво ҳайдовчи, иситувчи сифатида, бурун қонашида, ҳар хил кўз касалликларида, нафас

олиш қийинлашса, буйрак тошларида, ичак шишларида фойдаланилади. Диорейда ҳам ёрдам беради.

**115. *Cuscuta approximata* Vabing – Повилика сблизенная – Зарпечак, Чирмовуқ. (*Cuscutaceae* Dumort. – Повиликовые – Зарпечакдошлар).**



Зарпечакни 20 га яқин тури тарқалган. Туркум ўсимликни арабча (kechout) номидан олинган. Кимёвий таркиби. Фенолкарбон кислоталар ва уларнинг ҳосилалари: кускутин, N-кумар кислотанинг метил эфири сақлайди Ишлатилиши. Сурги дори сифаида ишлатилади. Ўрта Осиё халқ табобатида унинг кукуни нерв касалликларида, ревматизм, тери ва таносил касалликларида, Тожикистонда тутқаноқ, гемаррой, сарик ҳасталикларини даволашда, уруғи безгакда иссиқ туширувчи восита.

**116. *C. lehmanniana* Bunge – Повилика Леманна – Зарпечак, Чирмовуқ, Девпечак.**

Кимёвий таркиби. Фенолкарбон кислоталар ва уларнинг ҳосилалари: кускутин, кумар кислотанинг, метил эфири аниқланган. Ишлатилиши: Юқоридаги тур каби.

**117. *Cynanchum sibiricum* Willd.- Цинанхум сибирский - Илонпечак (*Asclepidaceae* R.Br. – Ластовневые – Сутпечакдошлар).**



Юнонча “kynos” – ит ва “auxein” – босмоқ. Ўсимлик билан итларни заҳарлаганлар. Илонпечак республикада бир турдан иборат. Кимёвий таркиби. Илдизида сибиркозид - Д ва Е стероидлари бор. Ишлатилиши. Тибет ва Хитой халқлари табобатида ўт пуфаги касалликларини даволашда ва дизентерияда фойдаланилади.

**119. *Cyperus longus* L.- Сыть длинная – Салом алейкум, Ҳилол. (Cyperaceae Juss. – Осоковые – Ҳилолдошлар).**



Ўзбекистонда ҳилолнинг 7 тури ўсади. Юнон тилида “киперос” ёки “кипейрос”- ҳилол ( *Cyperus longus* ва *C. rotundus*) номи.

Кимёвий таркиби. Илдизида ошловчи моддалар, баргларида флавоноидлар: трицин, 7-О-арабинозилглюкозид, лютеолин аниқланган.

Ишлатилиши. Илдизининг қайнатмаси (настойка), майдалангани асал билан ўсимталарга қарши, тахикардияда, сийдик пуфаги, буйрак, жигар, ошқазон, аёллар касалликларида, терлатувчи, гижжага қарши, восита яраларни, ўсмаларни даволашда ишлатилади.

**120. *Cydonia oblonga* Mill. –Айва обыкновенная - Беҳи. (Rosaceae Juss – Розацветные –Раънодошлар).**



Беҳи экиб ўстириладиган мевали дарахт Беҳини Гиппократ шу номда келтирилган. Аслида Крит ороли яқинидаги *Cydonia* (*Cydonia*) шаҳари номи билан боғлиқ. Айримлар шу оролда яшаган қабила номи билан ҳам боғлайдилар. Тур номи меваси шаклини ифодалайди.

Кимёвий таркиби. Барги алкалоидлар, С ва К витаминлар, фенолкарбон кислоталар, флавоноидлар, Уруғи таркибида шиллиқ моддалар, гликозидлар, ёғ ва б. бирикмалар , пишган мевасида қандлар , ошловчи моддалар,

органик кислоталар, эфир мойи турли витаминлар бор. Углеводлар ҳам мавжуд.

Ишлатилиши. Меваси истъемол қилинади. Мураббо, мармелад, вино тайёрланади.


Доривор маҳсулоти: а) *Semen Cydoniae* -Беҳи уруғи.

Ишлатилиши. Организмни тозаловчи, қувватлантирувчи сифатида, ўраб олувчи восита сифатида дори моддаларини сўрилишини тартибга солади. Нафас

йўллари касалликларида кўкракни юмшатувчи ва балғам кўчирувчи восита. Астмани даволайди.

б) Fructus Cydoniae – Беҳи меваси. Шираси куйганда ҳосил бўлган жароҳатларни даволашда қўлланилади.

**121. *Datisca cannabina* L. – Датиска коноплевая – Нашанамо датиска - (Datisceae Lindl. – Датисковые - Қизилюгурукдошлар.**



Ўзбекистонда бир тури маълум.

Юнон тилида “datesai” – даъволамоқ ёки бўлмоқ, ажратмоқ мевасини- кўсаги шаклини ифодалайди, “iskeiv” – тенг кўрмоқ (ҳисобламоқ) маъносида.

Туркум “cannabis”- нашага ўхшаган.

Доривор маҳсулоти: Herba Datiscae- Қизилюгурук ўти.

Ўсимлик таркибидаги флавоноидлар йиғиндиси датискан номида спазмолитик ва ўт ҳайдаш хусусиятига эга бўлиб, холецистит, гипоасцид, гастрит ҳамда ошқозон ва ўн икки бармоқ ичаги яраларини даволашда қўлланилади.

Carica парауа L,- Қовундарахт (Қовундарахтдошлар-Carocaseae Dumort)

Туркум “carica”- анжирни лотинча

номидан олинган

Ўзбекистонда кейинги йилларда иссиқхоналарда ўстирилмоқда.

Тур “парауа” ўсимликни малабар халқи тилидаги номини лотинчалошган шакли. Ватани Марказий ва Жанубий Америка

Кимёвий таркиби. Дарахти ва қовуни таркибида папаин ферменти аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Fructus Carica – қовун дарахт меваси

б) Folium Carica- қовундарахт барглари

Ишлатилиши. Пишиб етилмаган мевасини сутсимон шираси ва баргларида ажратилган фермент папаин овқат хазминини яхшилашда қўлланилади ҳамда умуртқа остехондроз касаллигини даволашда ишлатилади.

**122. *Daucus sativus* (Hoffm) Roehl. – Марковь культурная – Сабзи, Элма сабзи.**



Ўзбекистонда учун уч тури келтирилган.

Юнонлар ва римликлар турли ўсимликларни шу ном билан атаганлар. Келиб чиқишига кўра ўсимлик номи юнонча “donein” ёки “daio”- ёқмоқ, аланга олдирмоқ деган маънода қўлланилган,

чунки меваси аччиқ таъмга эга бўлганлиги учун зиравор сифатида фойдаланганлар.

Кейинчалик *Daucus* номи берилган. Диоскорид ўсимликни *staphylinos* деб атаган экан. Италиялар хануз сабзини *Daucus* деб номлашади.

Тур номи экиб ўстирилагани учун “*sativus*” дейилган.

Доривор маҳсулоти. а) *Fructus Dauci sativi* – элма сабзи уруғи меваси

б) *Radix Dauci sativi* – Элма сабзи илдизи.

Кимёвий таркиби. Сабзи уруғи таркибида флавоноидлар, эфир мойи, ёғ, витаминлар, каротиноидлар ва б. моддалар бор.

Ишлатилиши. Озуқа маҳсулоти сифатида ишлатилади. Витаминларга бой.

Дори препаратлари спазматик таъсирга эга. Илдизмевасидан олинган каротиноидларнинг мойдаги эритмаси турли хил тери касалликларини йирингли ва куйганда хосил бўлган яраларни даволашда қўлланиллади. Уруғи даунарин прaparати таркибида юрак, қон -томир хасталигида қўлланилади.

### **123. *Datura stramonium* L. – Дурман обыкновенный – Оддий бангидевона (*Solanaceae* Juss. - Пасленовые - Итузумдошлар).**



Бангидевонани тўрт тури маълум.

Туркум ўсимликни арабча номи ёки форсча “*totorach*” – ёрмоқ деган маънода бўлиб, санскритча “*dhustura*” мевасини сертиконлигига ишора .

Ҳиндистонда бангидевона узок ўтмишда маълум бўлиб, ҳатто ўсимлик билан махсус заҳарловчилар ҳам бўлган экан.

Тур номи “*stramonium*” хануз ноъмалум. 15-16 асрларда яшаган Фухс ва Трагус “*stramonio*” маъносида қўллашган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида ва илдизидан алкалоидлар (гиосциамин, тропин, белладонин, атропин), уруғидан ёғ каби моддалар ажратилган. Фенолькарбон кислоталар, флавоноидлар, эфир ёғлари, каротин, ошловчи моддалар ва бошқа моддалар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: а) *Folium Stramonii* – Банги девона барги.

Маҳсулот ва препаратлари антиспазматик ва наркотик хусусиятга эга.

б) *Semen Stramonii* – Бангидевона меваси. Мевасидан турли линимент мойлар тайёрланади.

Ишлатилиши. Дори сифатида ишлатилади. Заҳарли. Бронхиаль астма, юз, қўл - оёқлар тиришганда, спазматик йўталларда, уйқучиликда, ревматизмда, кўз шамоллашида ва ошқазондаги кучли оғриқларда оғриқ қолдирувчи сифатида ишлатилади.

**124. *D. innoxia* Mill. - Дурман безвредный , Индийский - Зарарсиз бангидевона .**



Тур номи “*innoxia*” зарарсиз деб нотўғри аталган, чунки у ҳам заҳарлик. Ўсимлик илк бор Мексикадан топилиб тавсифланган, шу сабаб “индеецлар бангидевонаси” номи билан маълум, чунки маҳаллий халқ таботатида фойдаланиб, диний маросимларда қўлланилган.

Кимёвий таркиби. Скополамин, гиосциамин ва атропин алкалоидлари мавжуд.

Доривор маҳсулоти: а) *Fructus Daturae innoxiae* - Зарарсиз бангидевона меваси

б) *Semen Daturae innoxiae* - Зарарсиз бангидевона уруғи.

Ишлатилиши. Дори сифатида ишлатилади. Заҳарли. Меваси ва дони анальгетик, оғриқ қолдирувчи ва седатив хусусиятга эга бўлган скополамин алкалоиди манбаи ҳисобланади.

**125. *Daucus carota* L.- Сабзи, Ёввойи сабзи**

Юнон тилида “*danein*” ёқмоқ куйдирмоқ ёки “*daucos*”- зирадошларга мансуб ўсимликларни йиғма номи бўлиб, уруғи аччиқ таъмга эга.

Тур “*carota*” сабзини юнонча номи.

Доривор маҳсулоти: *Fructus Dauci carotae* –Ёввойи сабзи уруғи. Сабзи уруғи ва илдизмеваси витаминлар етишмаслигида ишлатилади, ўт хайдаш ҳамда диуритик таъсирга эга. Суюқ экстаркти, “Уролесан” препарати таркибида буйрак тош касаллигини даволашда қўлланилади.

**126. *Delphinium* L.- Живокость едкая – Тасмачўп, Испарак (*Ranunculaceae* Juss. –Лютиковые - Айиқтовондошлар)**



Диоскорид ўсимлик номини юнонча “*delphinium*” деб келтирилган К.Линней гул куртаги қисман бўлсада дельфин танаси билан ўхшаш деб изоҳлаган. Айрим муаллифлар туркум номини Парнис тоғи этагига жойлашган Дельфа (*Delphae*) /Ўзбекистонда Тасмачўпни 18 тури ўсади. Сўнги йилларда испаракнинг бир йиллик турларидеда туркумга (*Consolida*) ажратилди. Доривор тури *D. dictyocarpum* “*dictyum*” тур,- “*karpos*”- мева республика флорасида учрамайди.

Кимёвий таркиби. Тасмачўп турларининг ер устки қисмидан алкалоидлар (дельсемин, ликонтомин, дельперин, метилликаконитин, броунин ва б.) ажратилган.

Ишлатилиши. Паркинсон, Литтль касалликлари, паркинсонизмнинг бошқа турлари ҳамда мушак тонуси ошишидан келиб чиққан бошқа касалликларни даволашда ишлатилади.

Доривор маҳсулоти: *Herba Delphinii dictyocarpi*- Тасмачўп ўти. Хозирги кунда испарак турларининг алкалоидларидан асосан кураресимон таъсирга эга бўлиб мелликтин, Паркинсон, Литтль касалликларини даволашда ишлатилади.

**126. *D. rotundifolium* Afan. – Живокость круглолистная - Юмалок баргли испарак. (Ranunculaceae Juss – Лютиковые - Айиқтовондошлар)**

Тур номи “rotundus” – юмалок, “folium”- барг.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисми ва илдизидан дельсемен, метилликоктонин, броунин каби алкалоидлар олинган. Ер устки қисми дельсемин (ацетат) алкалоиди олиш учун манба.

Ишлатилиши. Алкалоидлари кураресимон яъни мушаклар тонусини бўшаштириш таъсирига эга. Шунинг учун уларни доривор препаратлари мушаклар тонусини кўтарилиб тарангланишидан келиб чиқадиган касалликлар (гиперкинез, контрактура ва б.) ва жарроҳлик амалиётида мушакларни бўшаштириш учун ишлатилади.

Доривор маҳсулоти: *Herba Delphinii rotundifoli* Юмалок баргли испарак ўти.

**128. *D. semibarbatum* Bienert – Ж. полубородатая - Сарикгулли испарак.**



Тур номи лотинча “semi” - ярим, чала, “barbatus” - соқолли. Ўсимлик поясини пастки қисми майда туклар билан қопланган юқориси-туксиз бўлгани учун “чаласоқолли” тўғрироғи, чалатукли деб аталган.

Кимёвий таркиби. Испарак ер устки қисмидан делсемин, ликоктонин, дельсемин, метилликактонин каби алкалоидлар ажаратилган.

Ишлатилиши. Юқоридаги турлар каби. Доривор маҳсулоти: *Herba Delphinii semibarbatum* - Сарикгулли испарак ўти.

Кураре каби хусусиятга эга бўлган дельсемин (ацетат) алкалоиди олиш учун манба.

**129. *Dicthamnus angustifolius* G. Don. – Ясенец узколистный – Тоғтурбид, Энсизбарг тоғтурбид (*Rutaceae* Juss.- Рутовые – Тошбақатолдошлар).**



Тоғтурбидни икки тури учрайди

Крит (Греция) яқинидаги тоғ номи, "thamnos" - бута. Қадимги муаллифлар асарларида ўсимлик шу номда келтирилган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида терпеноидлар ва алкалоидлар мавжуд.

Ишлатилиши. Ер устки қисмидан ажратиб олинган эскулетин, скополетин, умбеллиферон – антиаритмик, кверцитин, изокверцитин, рутин юрак қон-томирга даво ўт хайдовчи, шамоллашга ва вирусга қарши хамда капилярларни мустаҳкамлаш хусусиятга эга.

**130. *Dioscorea nipponica* L.- Диоскорейя японская - Япон диоскорейяси. (*Dioscoreaceae* R. Br.- Диоскорейные – Ямсдошлар).**



Эраминизинг биринчи асрида доривор ва бошқа ўсимликлар тўғрисида 5 китоб ёзган юнон шифокори Педания Диоскорид хотирасига бағишланган. Ўзбекистонда ямс учрамайди.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида ва баргида стероидлар, гликозид дельтоин, диосгенин.

Доривор маҳсулоти. Rhizomata cum radicibus Dioscoreae.- Ямс илдиз-пояси ва илдизи.

Ишлатилиши. Атеросклерозда қўлланиладиган диоспонин препаратини манбаи, холецистит ва ўт пуфаги тошида қўлланиладиган холелитин препарати таркибига киради. Стоматологияда

парадантозни даволашда қўлланилади.

**132. *Dodartia orientalis* L. – Додартия восточная – Шарқ такасоқоли.  
(*Scrophulariaceae* Juss. – Норичниковые – Сигиркуйрукдошлар).**



Такасоқол республикада бир турдан иборат.

Француз ботаниги, Людовик саройи шифокори Дионис Додарт номи билан аталган, тур номи “orientalis” шарқ демак.

Кимёвий таркиби. Иридоидлар (муссаенозид) сақлайди.

Ишлатилиши. Иридоидлар суммаси жигар фаолятини яхшилади.

**133. *Dorema sabulosim* Litv. – Дорема песчаная - Болқурай,  
Сассикқурай. [*Apiaceae* Lindl. (*Umbelliferae* Juss.) – Сельдерийные –  
Зирадошлар (Соябонгулдошлар)].**

Ўзбекистонда икки тури ўсади.

Туркум номи *Dorema* – Юнонча совға маъносида. Тур номи ўсимликда кумда ўсишини кўрсатади.

Кимёвий таркиби. Эфир мойлари, кумаринлар, флавоноидлар, смола (бальзам), елим (камедь) ва бошқа моддалар сақлайди.

Ишлатилиши. Халқ табобатида балғам кўчирувчи (бальзами эмульсия ҳолида), диуретик восита сифатида ишлатилади.

**134. *Dryopteris filix – mas* (L.) Schott. – Щитовник мужской,  
Папоротник мужской - Эркак қирққулоқ  
(*Aspidiaceae* Mett. ex Frank- Аспидиевые -  
Аспидиядошлар).**



Қирққулоқнинг уч тури учрайди.

Юнон тилида “dryos” – эман, “pteris” - қирққулоқ яъни эманзор қирққулоғи маъносида, “pteron” - қанот, пат, чунки ўсимлик барги куш қанотини эслатади. Тур номи икки сўздан иборат: “filix” - папоротник, “mas”, “marix” - эркак.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмидан фенол бирикмалар, илдизидан эса

тритерпеноидлар, ошловчи моддалар, флавоноидлар, ёғлар олинган.

Доривор маҳсулоти: *Rhizoma Filicis moris* - Эркак папортник илдизи.

Ишлатилиши. Ўсимлик экстракти (филикцин) гижжаларга қарши восита сифатида ишлатилади. Илдизининг қуюқ экстракти ва филиксан препарати антигельмит хусусиятига эга.

Халқ табобатида дамламаси, кукуни невралгил, ошқазон-ичак ҳасталикларини даволашда қўлланилади.

**135. *Ecballium elaterium* (L.) A.Rich. - Бешенный огурец – Эшакбодринг, Ўқотар. (*Cucurbitaceae* Juss. – Тыквенные – Қовоқдошлар).**



Бир тури экиб ўстирилади.

Юнонча “*ecballeio*”- ташлайман. Меваси етилганда уруғини сочиб юборгани учун берилган ном. Тур номи “*elaterius*” – чўзилувчан, эгилувчан.

Кимёвий таркиби. Тритерпеноидлар (кукурбитацин Е,И,В; каротиноидлар (каротин), стероидлар (стигмастерин), эластерол, алкалоидлар, углеводлар, органик кислоталар мавжуд.

Ишлатилиши. Қайнатмаси, кукунини бачадон ракида ишлатилади, халқ табобатида кулок, тиш оғриқларини қолдиришда қўлланилади. Меваси заҳарли.

**136. *Echinophora sibthorpiana* Juss.- Колюченосец Зипторпа – Беклар ўти. [*Apiaceae* Lindl. (*Umbelliferae* Juss.) – Сельдерейные – Зирадошлар (Соябонгулдошлар)].**

Беклар ўтининг бир тури ўсади.

Юнон тилида “*echinos*”- қирпи, тикан, “*phoros*”- элтмоқ, олиб, борувчи.

Кимёвий таркиби. Ошловчи моддалар сақлайди. Илдизидан 0,002% кумаринлар, ер устки қисмидан эфир мойлари (0,6-7,8%), алдегидлар ажратиб олинган.

Ишлатилиши. Қайнатмаси заҳарли илонлар чаққанда, гул ва мевалари яраларни даволашда ишлатилади.

**137. *Echium vulgare* L. – Синяк обыкновенный – Оддий эхиум, Илонўт.  
(*Boraginaceae* Juss.- Бурачниковые – Говзабондошлар).**



Ўзбекистонда икки тури учрайди.

Юнонча “echis”- илон. Қадимги муаллифлар говзабондошлар оиласига мансуб ўсимликларни тўпгули шаклига кўра шундай аташган. Тур номи ўсиш жойини (хамма ерда) кўрсатади.

Кимёвий таркиби. Циклатоллар, алкалоид ва бошқа азот сақловчи моддалар органик ва фенолкарбон кислоталар нафтохинонлар, углеводлар, витамин Е, каротин, уруғида ёғлар (22%) мавжуд.

Ишлатилиши. Сувли экстракти антигармонал, спиртдагиси кураресимон таъсирга эга. Илдизи антибактериал ва антифунгал фаолликка эга. Ер устки қисми – балғам

кўчирувчи, йўтал, эпилепсияда қўлланилади, ревматизм ва пайлар чўзилишида, настойкаси лейкоцит ва лимфоцитларни кўпайтиради.

**138. *Echinops ritro* L. – Мордовник белый – Оқ қундуз [*Asteraceae* Dumort.  
(*Compositae* Giseke – Сложноцветные - Қоқиўтдошлар  
(Мураккабгулдошлар)].**



Оқ қундуз республикада 16 турдан иборат.

Туркум номи юнон тилида “echinos”- кирпи ва “opsis” қиёфа кўриниш, тўпгулининг юмалоқ шакли ва сертиканлиги назарда тутилган.

Турни (“ritro”) номи номаълум. Баъзи муаллифлар тиканли ўсимликни Феофраст “rhytros” деб атаган деб ҳисоблайдилар.

Кимёвий таркиби. Витамин С, эхинопсин алкалоидлари бор. Уруғида мой, алкалоид (эхинопсин, эхинопсидин) аниқланган. Бошқа турлари (*E. latifolius*, *E. talassicus*) илдизида тритерпеноидлар, алифатик углеводлар, стероидлар

(ситостерин), олтингугуртли бирикмалар аниқланган.

Ишлатилиши. Асаб касалликларини даволашда қўлланилади, баъзида озуқа сифатида исьтемом қилинади.

Доривор маҳсулоти: Fructus Echinopsi - Оққундуз меваси.

Эхинопсин алкалоиди (тузи) тана қувватини оширади ҳамда кардиотонк таъсирга эга, стрихнин ва бруцин каби марказий нерв системасини кўзғатади.

**139. *Echinacea purpurea* (L.) Moench – Эхинация пурпуровая - Қирмизи эхинация – [Asteraceae Dumort (Compositae Giseke) - Қоқиўтдошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Бир тури маълум.

Туркум номи “echinos” - кирпи, тикан маъносида бўлиб, гулолди баргларини нинасимон (учлик) эканлигини ифодалайди.

Тур номи “purpurea” саватча гулларини қизғиш-қирмизи рангига ишора.

Доривор маҳсулоти: Rhizoma cum radicibus *Echinaceae purpurea recentis*

Қирмизи эхинациянинг янги илдизпояси ва илдизлари.

Ишлатилиши. Куйганда пайдо бўлган турли яралар ҳамда турли инфекциян касалликларни (абсцесс) даволашда қўлланилади. Эфир мойлари, полисахаридлар, смолалар, органик кислоталар, ошловчи моддалар, эхиноцин ва эхинолин антиоксидантлари мавжуд. Илдизлари - инулин, глюкоза, эфир мойлари, фенолкарбон кислоталар сақлайди. Эхинацияда - А,С,Е витаминлар, магний, марганец, калий, натрий ва бошқа моддалар мавжуд.

**140. *Elaeagnus angustifolia* L. - Лох узколистный – Ингичкабаргли жийда. (Elaeagnaceae Juss.- Лоховые – Жийдадошлар).**



Ўзбекистонда жийда икки турдан иборат.

Туркум номи юнон тилида “elaeil” - зайтун дарахти, “agnus” - тоза соф. Меваси шакли жихатдан зайтун мевасига ўхшаш эканлигига ишора бўлса керак.

Тур номи “angustus” - ингичка, “folium” - барг яъни ингичка баргли маъносида.

Кимёвий таркиби. Ошловчи моддалар ва эфир мойлари мавжуд. Жийда мевасида қандлар, танидлар, органик кислоталар, минерал тузлар, баргида С витамини, гулида эфир мойи, пўстлоғида алкалоидлар (элеагнин, гармон, догнин, тетрагидрогармол) бор.

Доривор маҳсулоти: Fructus *Elaeagni* - Жийда

меваси. Мевасидан олинган пшиатин препарати меъда-ичак касалликларини даволашда, оғиз бўшлиғи яллиғланганда чайиш учун ишлатилади.

Ишлатилиши. Асаларичиликда, кондитерчилик, парфюмерия саноатида қўлланилади. Меваси гомеопатияда, гули цингада, гижжага қарши, бронхитда, юрак касаллақларида, барги ревматизмда ва яраларни даволашда ишлатилади. Пўсти ва баргини ошлаш ва бўяш учун ишлатилади.

**141. *Ephedra distachya* L. – Хвойник двухколосковый – Қизилча, Зоғоза (Ephedraceae Dumort. Эфедровые - Қизилчадошлар).**



Республикада Қизилчанинг 6 тури ўсади.

Туркум Поиний ва бошқа муаллифлар асарларида шу номда келтирилган Юнон тилида “epi” ва “hedra” ўриндик маъносида дастлаб баргиз ўсимликлар шундай аталган бўлиб, кейинчалик қизилча номи қўйилган. Тур юнонча “dis”-иккибор, “stachys”-бошқа уруғчи (уруғчи) бошоқчасида икки дона иккикоплама уруғкуртак борлиги учун аталган.

Доривор маҳсулоти: Herba Ephedrae-Қизилча ўти. Қадимдан доривор ўсимлик тарзида маълум. Хитой табобатида минг йилдан буён қўлланилади. Россияда ҳам “Кузмич” ўти номида 19 асрдан бери маълум.

Ишлатилиши. Халқ табобатида қизилча дамламаси шамоллаш ва ревматизмда қўлланилади.

**142. *E. equisetina* Bunge – Хвойник хвоцевой, - Қирқбўғимли қизилча.**

Тур номи- .“equisetinus” қирқбўғинга ўхшагани учун берилган.

Кимёвий таркиби. Алкалоидлар ( эфедрин,псевдоэфедрин) мавжуд.

Доривор маҳсулоти: Herba Ephedrae- Қизилча ўти.

Ишлатилиши. Эфедрин алкалоиди олиш учун асосий манба ҳисобланади. Эфедрин гидрохлоридини таблетка ва ампуладаги эритмаси оғир операциядан ёки травмадан сўнг қон босими пасайганда, миостения ва бронхиал астмада қўлланилади.

**143. *Equisetum arvense* L. – Хвощ полевой - Қирикбўғим (Equisetaceae Rich ex DC. – Хвощевые - Қирикбўғимдошлар).**



Қирикбўғим икки турдан иборат. Туркум номи латинча “equus” - от ва “seta” – қил, тўғрироғи от думи . Плиний томонидан ўсимликни майин шохчалари от думига қиёс қилиб берилган ном. Кейинчалик К.Линней бу номни туркум даражасига кўтарган. Тур номи “arvensis”- (дала) ўсиш жойини белгилайди.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисми таркибида сапонинлар алкалоидлар (эквизетин), флавоноидлар (апигенин, кварцетин, кемпферол) витамин С,

каротин, ошловчи ва аччиқ моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: *Herba Equiseti* – Қирикбўғим ўти. Ишлатилиши. Диуретик дори сифатида турли хил сийдик хайдовчи йиғмалар таркибига қўшилади.

Ишлатилиши. Артрит, буйракда тош йиғилишида, қон қусишда, нефрозда, қувватсизликда, сурункали циститда ва кўз оғриқларида ишлатилади.

**144. *Eremurus regelii* Vved. – Эрмурус регели-Регел ширачи (Asphodelaceae Juss.- Ширачдошлар).**



Республикада ширачининг 20дан зиёд тури ўсади.

Туркум номи юнон тилида “eremos” – чўл, дашт, “ura” куйруқ, дум маъносида бўлиб, ўсимлик рўвағи дум кўринишида эканлигига ишора.

Тур номи Regel E.L.(1815-1892й) шарафига аталган. Ширач баргида С витамини, каротин, кислоталар, илдизидан полисахаридлар(глюкоманнан), алкалоид (эримурсин), елим, бўёқлар мавжуд.

Кимёвий таркиби. Илдизидан углеводлар, елимловчи ва бўяш учун моддалар мавжуд. баргида – витамин С, каротин, органик кислоталар ва бошқа бирикмалар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: *Radix Eremurusi regeliae* - Ширач илдизи.

Ишлатилиши. Илдизидан олинган эремуран полисахариди фармацевтика амалиётида эмульциялар тайёрлашда эмульгатор сифатида ишлатишга тавсия этилган.

**145. *Erigeron canadensis* L. – Мелколепестник канадский - Эригерон, Майдатожбарг (М.). [*Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые (Сложноцветные) – Қоқиўтдошлар (Мураккабгулдошлар)*].**



Ўзбекистонда 24 тур ўсади. Юнон тилида «eri» - эрта, барвақт, «geron» - кекса. Тўпгулдаги уқпар(попук)ларнинг кейинчалик оқариб кетиши назарда тутилган. Тур номи ўсимлик ўсган (тавсифланган) жой.

Кимёвий таркиби. Таркибида углеводлар, эфир мойлари (0,2-1,1%), тритерпеноидлар, каучук, флавоноидлар, органик кислоталар, ошловчи моддалар, сапонинлар, витамин С, каротин мавжуд.

Ишлатилиши. Гомеопатияда – гемостатик сифатида, халқ табобатида – диуретик восита, кўз касалликлари, асцит, дизентерия каби хасталикларни давошлашда,

бачадондан қон оқишни тўхтатишда қўлланилади. М – Муаллифлар томонидан аталган.

**146. *Eremodaucus lehmannii* Bunge – Пустынноморковник Леманна - Ёввойи сабзи, [*Apiaceae Lindl. (Umbelliferae Juss.) – Сельдерейные – Зирадошлар (Соябонгулдошлар)*].**



Ёввойи сабзи бир турдан иборат.

Юнонча “eremos”- чўл, сахро ва “daukon”- сабзи, тур Леман J.G.(1792-1860й) номи билан аталган.

Кимёвий таркиби. Таркибида эфир мойлари, кумаринлар, флаваноидлар, сапонинлар, мевасида 6,7% ёғ мавжуд.

Ишлатилиши. Антибактериал хусусиятга эга. Халқ табобатида пешоб ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади.

**148. *Erodium cicutarium* (L.) Herit. Журавельник обыкновенный – Қарқара тумшук. (*Geraniceae* Juss. – Гераниевые – Ёронгулдошлар).**



Республикада Қарқаратумшукнинг бтури маълум.

Юнон тилида “erodios” – қарқара. Ўсимлик меваси қарқара тумшуги шаклида. Тур номи ўсимликни ўсишига (тарқалиши) ишора.

Кимёвий таркиби. Таркибида органик кислоталар, алкалоид ва бошқа азот сакловчи моддалар, витамин С, каротин, феноллар, ошловчи моддалар, флавоноидлар, углеводлар, уруғида циклитоллар ва уларнинг ҳосилалари: фитин (1%), фосфолипидлар (0,3%) бор.

Ишлатилиши. Ер усти қисми қайнатмаси ва настойкаси – ички қон кетишини даволашда, томир тортишишга қарши, шамоллаш, пневмания, плевритда қўлланилади, диатезда ванна қилинади.

**149. *Eruca sativa* Mill. – Индау посевной – Индов, Элма индов., [*Brassicaceae* Burnett (*Cruciferae* Juss.) – Капустные (Крестоцветные) – Карамдошлар].**



Индовнинг бир тури бор.

Лотин тилида “ugo”- куйдираман. Уруғуни таъми ачиштириш (куйдириш) хусусиятига эга бўлгани учун шундай аталган, “sativus” – эсмоқ.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисми алкалоидлар, флавоноидлар. Баргида флавоноидлар, уруғида – стероидлар, ёғ (26,7-34,3%), тиогликозидлар, изотиацианитлар бор.

Ишлатилиши. Сўгал, полип, ўсимталарни даволашда, шарбати – яраларни, ҳол ва гематомаларда, цингани даволашда қўлланилади. Уруғи ошқозон системасини яхшиловчи, асцитда, тери касалликларида, антибактериал хусусиятга

эга.

**150. *Eryngium macrocalyx* Schrenk. – Синеголовник крупночашечный – Кўктикан, Йирик косачали кўктикан [Ariaceae Lindl.(Umbelliferae Juss.) – Сельдерейные (Зонтичные) - Зирадошлар( Соябонгулдошлар)].**



Кўктикан Диоскорид ва Никандр асарларида “eriggion” номи билан келтирилган. Юнон ва латин тилида “ver”, “veris” - баҳор, баҳорги гул маъносида. Тур номи гулкосачасини йириклигини кўрсатади.

Ўзбекистонда Кўктиканни беш тури ўсади. Улардан икки тури Биберштейн кўктикани (*E.biebersteinianum* Nevski) ва йирик косачали кўктикан (*E.macrocalyx* Schrenk) дориворлик хусусиятига эга.

Кимёвий таркиби. Кўктикан турларининг баргида сапонинлар,

флавоноидлар, кумаринлар, эфир мойи, қанд, шиллик моддалар илдизида кумаринлар, флавоноидлар, қанд, эфир мойи аниқланган.

Доривор маҳсулоти: *Herba et Radices Eryngiumi* - Кўктикан ўти ва илдизи.

Ишлатилиши. Кўктикан турларидан ажратилган сапонин ва шиллик моддалар йиғиндиси буйрак, сийдик йўли касалликларини даволашда қўлланишга тавсия этилган.

**151. *Erysimum diffusum* Ehrh. – Желтушник раскидистый - Читранғи [Brassicaceae Burnett (Cruciferae Juss.) – Капустные (Крестоцветные) – Карамдошлар)].Крест (бут) гулдошлар – Карамдошлар).**



Читранғининг 13 тури ўсиши маълум. Туркум номи Феофраст, Никандр ва бошқа антик муаллифлар асарларида келтирилган бўлиб, юнон тилида “erysimon” - “erysoma” - қутқармоқ, муҳофаза этмоқ, шифо бўлмоқ маъносида. Плиний маълумотича, юнонлар ва римликлар сариқ сув хасталигини (водянка) даволашда ўсимлик энг яхши восита ҳисоблашганлар.

Тур номи ўсимлик ёйилиб ўсганлиги учун аталган.

Кимёвий таркиби. Уруғидан гликозидлар (эризимозит, дезглюкоэризимозид), строфантинин, диффугинин олинган.

Доривор маҳсулоти: *Herba Erysimi*

canescentis-сариқ читранғи ўти.

Дорилари таблетка ва суюқ эритма холида юрак хасталигида қўлланилади.

б) *Herba Erysimi canescentis recens* - Сариқ читранғи янги ўти.

Комплекс препарат кардиоваленум таркибига қўшилади.



**152. *Eucalyptus globulus L Herit* –  
Эвкалипт шарикового- Юмалок  
эвкалипт (Myrtaceae Juss. -  
Миртфдошлар)**

Туркум номи юнон тилида “eu”- яхши ва “кауптос”- ёпиқ беркитилган маънода, чунки гулларини ғунчалари гулкосача барглари билан ўралган.

Асосан учта тури дориворлик хусусиятига. *E.cinerea* F.Mul. – Кулранг эвкалипт, *E.globulus* Labill.- Шарсимон эвкалипт ва *E.viminalis* Labill. –Хивчинсимон эвкалипт. Ватани Австралия, Тасмания , Янги Зеландия. Асосан Қораденгиз бўйларида ҳамда Ботаника боғларида

иқлимлаштирилган.

Эвкалипт препаратлари ва эфир мойи антисептик хусусиятга эга дамламаси ва настойкаси нафас йўли касалликларини даъволашда, гижжаларни ҳайдашда , гинекалогия амалиётида ҳамда меъда ичак хасталикларини даволашда қўлланилади.

Кимёвий таркиби. Баргларида эфир мойлари, гераниол, изопулегол, цинеол, ошловчи ва қатрон моддалар, алифатик альдегидлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: *Folium Eucalypti*- Эвкалипт барглари

Ишлатилиши. Эвкалипт препаратлари ва эфир мойи антисептик хусусиятига эга бўлгани боис безгак, бўғма, нафас йўллари касалликларини, барг дамламаси меъда- ичак ва генекологик хасталикларини ҳамда йирингни яраларни даволашда қўлланилади.

**153. *Eucommia ulmoides* Oliv. – Эвкоммия – Эвкоммия, Қайрағочбарг эвкоммия (*Eucommiaceae* Engl.-Эвкоммиевые - Эвкоммиядошлар.)**



Туркум юнон тилида “eu” – яхши, “kommi” – елим яъни ўсимликдан олинадиган гуттаперча (қотган каучук) кўринишида елимни эслатади.

Тур номи лотинча “ulmus” – қайрағоч, юнонча “oides” – ўхшаш, ўсимлик барги қайрағоч баргига ўхшаган маъносида. Ўсимлик Хитой гуттаперча дарахти ҳам деб аталишига сабаб Хитой тоғларида ўсади. Ботаника боғларида экиб ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик пўстлоғида гуттаперча, хлорогон, кофеин кислоталари, аукубин бор. Меваси таркибида органик кислоталар, витаминлар

(С, каротин) қандлар, антоцианлар, пектин каби моддалар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: а) *Cortex Eucommiae* – Эвкоммия пўстлоғи.

Ишлатилиши. Экстракт ва тинктураси қон босимини пасайтиради. Хўл мевасидан тайёрланган шарбат фармацевтика амалиётида суёқ дорилар таъмини яхшилашда ишлатилади.

**154. *Fagopyrum sagittatum* Gilib. – Гречиха посевная – Маржумак, Элма гречка, (*Polygonaceae* Juss. – Гречишные - Торондошлар).**



Ўзбекистонда экиб ўстирилади.

Туркум номи лотинча “fagus” – Қорақайин ва “rugos” – буғдой сўзларидан ташкил топган. Гречка дони ташқи кўринишидан қорақайин ёнғоқчасига, майдаланганда буғдой унига ўхшайди.

Тур номи “sagittatus” баргини қалин эканлигига ишора. Гречка номи ўсимликни Греция орқали Европага ўтгани учун аталган.

Кимёвий таркиби. Таркибида гликозидлар, уруғида крахмал, ёғ, олма ва лимон кислоталар, витаминлар бор.

Доривор маҳсулоти: *Herba Fagopyri* –

Маржумак, Гречка ўти.

Ишлатилиши. Ўсимликдаги рутин моддаси капиллярлар деворини ўтказувчанлигини камайтиришда қўлланилади.

**155. *Fagus orientalis* Lipsky – Бук восточный - Қорақайин (Fagaceae Dumort – Буковые - Эмандошлар).**



Ботаника боғларида экиб ўстирилади.

Туркум номи юнон тилида “phegos” эман ёнғоғи деган маънода рим ёзувчилари асарларида қарақайин “phogomai” номида келтирилган бўлиб, истеъмол қилмоқ, ёмоқ маъносини англатади.

Тур номи (*orientalis* - шарқ) ўсимликни ўсиш жойи (Кичик Осиё) кўрсатади.

Кимёвий таркиби: Баргида тритерпеноидлар, мевасида ёғ, лимон кислота борлиги аниқланган.

Доривор маҳсулоти: *Lignum Fagi* - Қорақайин ёғочи. Ўсимлик мойи.

Ишлатилиши: Нафас йўлларида шамоллашида қўлланилади.

**156. *Ferula assa-foetida* L. (*F.foetida* (Bunge) Regel.)**

**– Ферула вонючая -Сассиқ коврак [Apiaceae Lindl.(Umbelliferae Juss.) – Сельдерейные (Зонтичные) - Зирадошлар( Соябонгулдошлар)].**



Ўзбекистонда ковракнинг 40 дан зиёд тури ўсади.

Лотин тилида “ferula”- новда, хивчин маъносида, яъни поялари қуригач, новдасимон кўринишга эга.

Тур номи форсча “assa” – таёқ, ҳасса, “foetida” – лотин тилида бадбўй маъносида. Ўсимлик илдизи ва танаси елимида сассиқ, кўнгилни айнитадиган ҳид мавжуд.

Кимёвий таркиби. Илдизида крахмал, катрон, эфир мойи, кумаринлар (умбиллиферон, ферула кислотаси), органик сульфидлар бор.

Доривор маҳсулоти: *Gummi – resina Assa foetida* – Сассиқ коврак елими.

Ишлатилиши. Елими илмий тиббиётда астма хасталигини даволашда, асабнитинчлантиришда, томир тортишига қарши восита. Халқ табобатида гижжаларни хайдашда ишлатилади.

**157. *Ferula kuhistanica* Korov.- Ферула кухистанская – Кўхистон ферулласи.**



Тур Кўхистон (тоғ) номи билан аталган.

Кимёвий таркиби. Илдизида эфир мойлари, терпеноидлар (ферутидин, яшферин, ферингин). Ер устки қисмида (0,4-0,7%), уруғида ҳам (3,5%) эфир мойлари, кумаринлар бор.

Ишлатилиши. Илдизидан олинган елим яраларни битирувчи, бўшаштирувчи, трихолонастатик хусусиятларга эга.

ЎзФА ЎМКИда эстероген хусусиятли куфестрол препарати амалий тиббиётга тадбиқ қилинган.

**158. *F. varia* (Sehrenk) - Ферула изменчивая – Шаир Ўзгарувчан коврак.**

Тур номи лотинчада “*varia*” ҳар хил рангли, ўзгарувчан маъносини билдиради.

Кимёвий таркиби. Илдизида крахмал, эфир мойлари (1,4-2,1), терпеноидлар, сесквитерпен лактонлар, кумаринлар, ер устки қисмида флавоноидлар, уруғида кумаринлар сақлайди.

Ишлатилиши. Безгак, тиш оғриғига даво гижжа ҳайдовчи, яраларни битирувчи восита сифатида ишлатилади.

**159. *F. tenuisecta* Korov. – Ферула тонкорассеченная - Майда баргли ферула, Шашир.**



Тур номи баргларини майда (ингичка) қирқилганини кўрсатади.

Кимёвий таркиби. Илдизида эфир мойлари (0,29%), терпеноидлар (теферин, теноферин, теноференин, теноферидин, фертенин ва б.), фенолкарбон кислоталар, мевасида углеводлар (сахароза) сақлайди.

Ишлатилиши. Медицинада эстероген хусусиятли тефестрол препарати сифатида, қишлоқ ҳўжалигида эса панаферол препарати товукларни эрта тухумга кириши учун восита.

**160. *Filago arvensis* L. – Жабник полевой – Қирқуёнжун. Дала  
филагоси, [Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые  
(Сложноцветные) – Қоқиўтдошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Ўзбекистонда Қирқуённинг 3 тури ўсади.

Лотинча “*filim*” – ип. Ўсимлик ингичка (сочсимон) туклар билан қопланган, тур номи далани ифодалайди.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида алкалоидлар, витамин С, ошловчи моддалар, флавоноидлар бор.

Ишлатилиши. Кукуни ва суртмаси ҳуснбузарни, дамламаси ўсмаларни даволашда ва

томоқ оғриғида қўлланилади қайнатмаси – стенокардия, тахикардия, қон босимида, ошқозон яраси, диарея ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади.

**161. *Ficus carica* L.- Инжир обыкновенный, Смоковница – Анжир, Оддий анжир. (Moraceae Link - Тутовые – Тутдошлар).** Анжирни антик муаллифлар шу номда келтиришган. Тур номи *Carica* – ўсимлик ватани (Karien) Кичик Осиёга тегишли.

Кимёвий таркиби. Барги тритерпеноидлар, кумаринлар сақлайди.

Доривор маҳсулоти: *Folium Ficus caricae* – Анжир барглари.

Ишлатилиши. Баргларидан олинган препарат псоберан (псоролен ва бергаптен, фурукумаринлар аралашмаси лейкодермия теридаги оқ доғларни даволашда қўлланилади. Меваси юмшатувчи “Кафиол” препарати таркибига киради.

**162. *Foeniculum vulgare* Mill. – Фенхель обыкновенный - Оқзира [Ariaceae Lindl.(Umbelliferae Juss.) – Сельдерейные (Зонтичные) - Зирадошлар (Соябонгулдошлар)].**



Оқзира бир турдан иборат. Экиб ҳам ўстирилади.

Туркум номи лотин тилида “*foenum*” - пичан сўзини кичрайтирилган шакли, “хушбўй пичан ҳиди” маъносида барглари ингичка қирқилгани учун аталган.

Тур номи “*vulgaris*” тарқалишини ифодалайди.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида органик кислоталар флаваноидлар, баргларида эфир мойи фенилкарбон, органик кислоталар, илдизида органик

кислоталар, эфир мойи, кумаринлар бор.

Доривор маҳсулоти: Fructus Foeniculi - Оқзира меваси. Сийдик хайдаш, ошқозон хасталигини даволашда ҳамда балғам кўчиришда қўлланилади. Эфир Ишлатилиши: мойи турли йиғмалар, элекси́рлар, микстуралар таркибига кўшилади.

**163. *Fragaria vesca* L. – Земляника лесная - Ўрмон қулупнайи, Ертут (Rosaceae Juss. – Розоцветные – Раънодошлар).**



Туркум номи Виргилий, Овидий, Плиний томонидан келтирилган бўлиб, лотинча “fragare” меваси хушбўй хид таркатувчи маъносида.

Тур номи меваси майда (“veska”) бўлганлиги учун аталган.

Кимёвий таркиби. Меваси таркибида витаминлар (С, В, каротин, флавоноидлар, ошловчи моддалар, сапонинлар, фенол бирикмалар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: а) Fructus Fragariae vescae – қулупнай меваси.

б) Folium Fragariae vescae - қулупнай

барги.

Ишлатилиши: Меваси ва барглари дамламаси бод (подагра), хасталигини даволашда буйрак ва жигар-тош хасталиклариди сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади.

**164. *Frangula alnus* Mill. – Франгуля ольховидная - Итжумрут (Rhamnaceae Juss. – Крушиновые - Чилонжийдадошлар).**



Республикада бир тур учрайди.

Туркум номи Италия ботаниги Маттиоли (1500-1577 й) ва Белгия ботаниги Додонеус (1517-1585й) томонидан шу номда келтирилган бўлиб, лотин тилида “frangere”-синдирмоқ (ёғочини мўртлиги) маъносига эга.

Тур “alnus” қайиндошлар оиласига мансуб *Alnus* L.(Олча) барги шаклига ўхшаш бўлганлиги учун берилган.

Кимёвий таркиби. Дарахт пўстлоғида углеводлар, органик кислоталар, алкалоидлар, баргларида сапонинлар, флавоноидлар, мевасида углеводлар, эфир мойи, ошловчи моддалар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: Cortex Frangulae - Итжумрут пўстлоғи.

Ишлатилиши: Пўстлоғини қайнатмаси, суюқ экстракти, шарбат ва таблеткаси қабзиятда сурги сифатида ишлатилади.

**165. *Fritillaria eduardii* Regel (*Petilium eduardii* (Regel) Vved. - Рябчик Эдуарда – Жумагул, Холмон, Қўзилола. (Liliaceae Juss. – Лилейные – Лоладошлар).**

Ўзбекистонда Қўзилола икки турдан иборат

“Фритиллус” – лотин тилида ошиқчаларни отишда (қиморбозлар) ишлатиладиган, кўринишидан қадах (стакан) га ўхшаган идишга қиёс. Тур шахс (Эдуард) номи билан аталган.

Кимёвий таркиби. Пиёзи углеводлар: сахароза, крахмал, (37-47%), алкалоидлар (1,28%), империолин, пеймизин, эдпетилин, империалон ва б.

Ишлатилиши. Империалин тажрибада қон босимини туширади, эдпетилин шамоллашга қарши эффекти бор.

**166. *Fumaria vaillantii* Loisl. – Дымянка Вайяна - Шотара (Fumariaceae DC. - Дымянковые - Шотарадошлар).**



Республикада Шотаранинг икки тури ўсади.

Лотин тилида ўсимлик номи “fumus” – тутун ёки кулранг маънони англатади.

Тур Вайлант – (Vaillant S. 1669-1722) номи билан аталган.

Ер устки қисмида алкалоидлар (протопин, фумаридин), витаминлар (С.К), кислоталар, қандлар, қатрон каби моддалар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Herba Fumarі – Шотара ўти.

Ишлатилиши: Ўсимликнинг доривор препаратлари қон томирини торайтириш, қон оқишини тўхтатиш, юрак ишини тартибга солиш хусусиятига эга.

**167. *Galium pamiroalaicum* Pobed.- Памирский подмаренник - Чакамуғ, Қумриўт (Rubiaceae Juss.- Рўяндодшлар).**

Флорада Қумриўтнинг 14 тури келтирилган.

Туркум номи юнон тилида “gala”- сут, ўсимлик сутни ачитиш хусусиятига эга бўлганлиги учун шундай аталган. Тур номи эса географик ўсимлик тавсифланган жой- Помир-Олой тоғлари билан боғлиқ.

Илдизпоеси ва илдизларидан антропоцен унумлари (ализарин, руберитрон, псевдопурпурин), қандлар, органик кислоталар, ер устки қисмидан флавоноидлар ажратилган.

Доривор маҳсулоти: Rhizomata cum Radicibus Galium - Чакамуғ илдизпояси ва илдизлари.

Ишлатилиши: Ўсимлик илдизпояси ва илдизи қайнатмаси буйрак ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади.

**168. *Galium aparine* L. - Подмаренник цепкий – Ёпишқоқ қумрийт.  
(Rubiaceae Juss. – Мареновые - Рўяндошлар).**



Тур номи ўсимлик ўткир тукчалар билан ёпишиб олишига ишора.

Киёвий таркиби. Таркибида тритерпеноидлар, алкалоидлар (протопин, гармин ва б.), фенолкарбон кислоталар, кумаринлар, ёғ кислоталари мавжуд.

Ишлатилиши. Ер устки қисми гепатитни даволашда, барг ва меваларининг шарбати қулоқ оғриғида ва

илон чакқанда ишлатилади. Гули сутни ачитиш хусусиятига эга.

**170. *Gomphocarpus fruticosus* (L.) R.Br. - Гомфокарпус кустарниковый - Бутасимон гомфокарпус (Asclepiadaceae R. Br. Сутпечакдошлар).**



Туркум номи юнон тилида “gomphos”- нина, мих, “carpos”- мева, мевасини пўсти ўткир нинасимон, қаттиқ ўсимталар билан қоплангани учун аталган.

Тур номи “frutex”- бута, туп, ўсимлик бута шаклида

Илдизларида алкалоидлар ошловчи моддлар ер уски қисмида каротиноидлар, стероидлар, уруғида карденоидлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Herba seu summitales gomphocarpi

Гомфокарпус баргли новдалари;

Г) Semen Gomphocarpi-Гомфокарпус меваси.

Ишлатилиши: Гомфотин – сурункали юрак-қонтомир ҳасталигини даволашда қўлланилади.

**171. *Geum urbanum* L. – Гравилат городской – Шахар ширчай  
(Rosaceae Juss. – Розоцветные - Раънодошлар).**



Ўзбекистонда Ширчайнинг тўрт тури ўсади. Табобатда икки тури –Шахар ширчайи - *G.urbanum* L. ва Дарё ширчайи - *G.rivale* қўлланилади..

*Geum urbanum* L. Ўсимликни бир турини (*G.urbanum* бўлса керак) Плиний шу номда келтирган. Тур номи “urbanus”, “urbicus” сўзидан олинган бўлиб, шахар маъносини беради.

Кимёвий таркиби. Углеводлар, ошловчи моддалар, алкалоидлар, флавоноидлар, фенолкарбон кислоталар, витамин С, каротин ва бошқалар сақлайди.

Доривор маҳсулоти: Herba et Rhizomata Geumi – Ширчай ўти ва илдизпояси.

Ишлатилиши. Ўсимлик ер устки қисми, илдизи ва илдизпояси халқ табобатида қайнатма ва дамлама холида меъда-ичак, жигар, цинга каби хасталикларни даволашда , ҳамда қон оқишини тўхтатишда қўлланилади.

**172. *Geum rivale* L.- Гравилат речной - Ерчай, Дарё ширчайи.**



Ўсимлик боғларда, сернам ерларда ўсгани учун аталган. “Rivale” – дарё, ўсимлик ҳолларда дарё бўйларида тарқалган.

Кимёвий таркиби. Феноллар, илдизи – углеводлар, эфир мойлари, сапонин ва алкалоидлар, ошловчи моддалар, витамин С, каротин сақлайди.

Ишлатилиши. Безгакка қарши, буриштирувчи, тонусни оширувчи хусусиятларга эга. Ер устки қисми диуретик эффекти бор. Қайнатмаси гастритни даволашда, настойкаси – парадантоз, стоматит, лорингитларни даволашда қўлланилади.

**173. *Geranium collinum* Steph. – Герань холмовая – Ёронгул, Тепалик ёронгули. (Geraniceae Juss.- Гераниевые – Ёронгулдошлар).**



Ёронгулнинг 10 дан зиёд тури ўсади.

Юнон тилида “geranos”, “geranion” – турна. Ўсимлик меваси турна тумшуғига ўхшаш бўлганидан шу ном билан аталган, “collinum”- тепалик,

Кимёвий таркиби. Илдизида феноллар, ошловчи моддалар, ер устки қисмида сапонинлар, алкалоидлар, ошловчи моддалар, пояси ва баргида углеводлар, ошловчи моддалар, фенолкарбон кислоталар ва уларнинг ҳосилалари, флавоноидлар бор.

Ишлатилиши. Ўрта Осиё халқларининг табобатида қайнатмаси ошқозон касалликларида, туғишдан сўнг гемостатик восита ҳамда қон қусишда, буриштирувчи ва қотирувчи восита сифатида ишлатилади.

**174. *Gentiana lutea* L. – Горечавка жёлтая - Газак ўт, Сарик газак ўт. (Газакўтдошлар-Gentianaceae Juss.).**



Ўзбекистонда Газакўтнинг 7 тури ўсади.

Туркум номи Плиний ва Диоскорид маълумотида ўлат (чума) касаллигини даволашда қўллаган иллириялик подшоҳ Гентус (э.а. 167 й) номи билан боғлиқ. Тур ўсимлик гулини сарик (“luteus”) рангда эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда газакўтни бошқа турлари ўсади.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида ганциофлавин, иридоидлар, алкалоидлар, баргида углеводлар, флавоноидлар, уруғи, илдизида углеводлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Radix Gentianae-Газакўт илдизи иштаха очувчи

овқат хазмини яхшиловчи восита, ўт хайдовчи экстракт ва тинктуралар таркибига қўшилади.

Ўзбекистонда ўсадиган турларидан ажратилган алкалоидлар ҳам шундай хусусиятларга эга.

Ишлатилиши. Ибн Сино илдизини пес касалигини даволашда ишлатади. Ошқозон, жигар касалигида, йўталда ишлатилади.

**175. *Gentiana olivieri* Griseb. – Горечевка оливье – Газакўт, Эрбахоси.**



Тур D. oliver (1830-1917й) номи билан аталган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмидан генцианин, генциананин, генцианаин, оливерин каби (10га яқин) алкалоидлар аниқланган.

Флавоноидлар (изоориентин, 4-о-гликозид, изоореинтина, 2-0- гликозид изоореинтина) ажратиб олинган.

Ишлатилиши. Ўсимлик гуллаш давридаги дамламаси билан халқ табобатида ошқазон хасталикларида тўхтатишда қўлланилади.

**176. *Glaucium* Adans. – Гляуциум-Ўрмонқора (Papaveraceae Juss. Маковые-Кўкнордошлар). Ўрмонқоранинг 7 тури ўсади.**



Туркум номи латинча “glaucus” – кўкимтир, зангори маъносида бўлиб, ўсимликни сирти кўк гард (ғубор) билан қопланганлиги учун аталган.

Доривор тури *G.flavum*, “flavus” – сариқ гулини рангини ифодалайди.

Ўсимлик Қораденгиз қирғоқларида бўйлаб, Қрим ва Кавказда тарқалган. Асосан экиб ўстирилади. Ўзбекистонда Ўрмонқоранинг 6 тури учрайди.

Кимёвий таркиби. Ўсимликда алкалоидлар (глауцин, изокоридин, изоболдин, протопин ва б.), кислоталар (фумар,

диоксималеин) аниқланган.

Доривор маҳсулоти: *Herba Glaucii* – Ўрмонқора ўти.

Ишлатилиши. Ўсимлик алкалоидларидан тайёрланган препаратлар гипертония хасталигини даволашда ҳамда йўтал қолдирувчи восита сифатида ишлатилади. Глауцин гидрохлорид ўткир ва сурункали бронхитни даволашда қўлланиладиган “Бронхолитин” препарати таркибига қўшилади.

**177. *G.fimbrilligerum* (Trautv.) Boiss.- Глуциум бахромчатый –  
Ўрмонқора, Хошияли ўрмонқора.**

Кимёвий таркиби. Углеводлар; тритерпеноидлар, кумаринлар, алкалоидлар, флавоноидлар, сапонинлар сақлайди.

Ер устки қисми ва илдизидан протопин, коридон, хелеритрин, сангвинарин, изоболдин, ретикулин каби (30га яқин) алкалоидлар ажратилган.препарат сифатида йўтал билан ўтадиган глауцин гидрохлоридли тузи суранкали ўткир бронхит касалликларини даволашда қўлланилади

Ишлатилиши. Ер остки қисми ошқазон ярасини ҳосилбўлишига қаршилик кўрсатади, қанд миқдорини пасайтиради, жигар гликогенини парчалайди.Қанд моддалари антикомплементар фаолликка эга.

**178. *Gleditschia triacanthos* L. – Гледичия колючая - Тикандарахт,  
Гледичия [Fabaceae Lindl. (Legiminosae Juss.) – Мотильковые -  
Бурчокдошлар (Дуккакдошлар)].**



Тикандарахтнинг икки туриманзарали дарахт сифатида.

Туркум номи Берлин ботаниги J.G. Gleditsch (1714-1786) шарафига аталган.

Тур юнон тилида “tri” - уч, “acanthos” - шохчаларидаги тиканлар учтадан эканлигига ишора.

Кимёвий таркиби. Баргларида триакантин алкалоиди ажратилган. Уруғи таркибида углеводлар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: Folium Gleditschiae - Тикандарахт барги.

Ишлатилиши: Триакантин алкалоиди тузи, юрак ва бош мия қон томирларини

кенгайтириш (папаверинсимон) хусусиятга эга.

**179. *Glycyrrhiza glabra* L. – Солодка голая – Чучукмия, Ширинмия,  
Силлиқ чучукмия [Fabaceae Lindl. (Legiminosae Juss) –  
Мотильковые(Бобовые) - Бурчокдошлар (Дуккакдошлар)].**

Ширинмиянинг 5 тур маълум.

Туркум номи Диоскорид маълумотида кўра юнонча “glykys” - ширин, “rhiza” - илдиз “ширин” маъносини билдиради.

Бошқа антик муаллифлар (Плиний, Феофраст ва б.) ҳам шу маънони беришган, ҳатто ширин дарахт деб ҳам атаганлар.

Тур номи “glabra” - силлиқ, яъни мевасини бошқа тиканли турларидан фарқ қилиш учун берилган.

Кимёвий таркиби. Ширинмия илдизидан флавоноидлар, тритерпеноидлар, баргларида флавоноидлар (астраганин, изокварцетин, шафгазид ва б) уруғидан углеводлар, галактоманнан ажратиб олинган.

Доривор махсулоти: Radix Glycyrrhizae seu radix - Ширинмия илдизи..

Ишлатилиши: Илдизидан тайёрланган препаратлар юқори нафас йўллари яллиғланишида балғам кўчирувчи, кўкракни юмшатувчи ҳамда энгил сурги дори сифатида ишлатилади. Илдизидан олинадиган препарат нафас қисиш ва аллергия хасталикларга лаво. Куюқ экстракти “Кўкрак эликсир” таркибига киради.

**180. *Gnaphalium uliginosum* L. – Сушеница болотная - Гнафалиум, Кечегул. [Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) –Астровые (Сложноцветные) – Қоқиўтдошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Республикада бошқа тур (*G.luteoalbum*) ўсади.

Туркум номи юнон тилида “gnaphalon” – наMAT, жун маъносида, чунки аксарият турлари қалин туклар билан қопланган.

Тур номи “uliginosus” – ўсимликни сернам (ботқоқли) ерларда ўсишини кўрсатади.

Кимёвий таркиби. Ўсимликда ошловчи моддалар, углеводлар, эфир

мойи, витаминлар (каротин, С) бор.

Доривор махсулоти: Herba Gnaphalii uliginosi – Кечегул ўти.

Ишлатилиши: Ўсимлик экстракт мойи, суртмалари гипертоник хасталиклар, ошқозон касалликларида ва куйган жойларга малҳам сифатида қўлланилади.

**181. *Gossypium barbadense* L. – Хлопчатник барбадосский - Ғўза, Миср ғўзаси (Malvaceae Juss. – Мальвовые - Гулхайридошлар).**



Туркум номи илк бор Плиний томонидан қўлланилган бўлиб, араб тилида “goz” – майин, ипакнамо маъносида (Ўрта Осиё халқлари ҳам ўсимликни ғўза деб аташади).

Тур номи ғўзани дастлаб Шарқий Ҳиндистонда Барбадос оролида экиб ўстирилгани учун аталган. Кейинчалик Мисрда кўп экилгани учун “Миср ғўзаси” номи берилган экан.

Бошқа турлари – *G. herbaceum* L. – Оддий ғўза “herba” – ўт ёки *G. hirsutum* L. – Паҳмоқ ғўза номи ҳам кўсак оралиғидаги калин наматсимон туклар мавжудлигига ишора.

Кимёвий таркиби. Ғўза илдиз пўстлоғида ошловчи моддалар, витамин (С, К), уруғида мой, оксил, госсипол мавжуд.

Доривор махсулоти: а) *Gossypium* –

Момиқ, пахта.

Ишлатилиши: Пахта оддий, гигроскопик (асептик, стерилизация қилинган) ёки турли антисептик моддалар сингдирилган ҳолда тиббиётда ишлатилади.

б) *Semen Gossypii* – Ғўза уруғи, чигит. Мойи кунгабоқар ва кунжут мойлари қаторида қўлланилади.

в) *Folium Gossypii* – Ғўза баргидан олинадиган лимон кислота чанқов бости ичимлик

г) *Cortex Gossypii* – Ғўза илдизи пўстлоғи.

Ишлатилиши. Экстракти қон тўхтатувчи восита.

**182. *Gratiola officinalis* L. – Авран лекарственный – Сафроўт, Доривор сафроўт, (Scrophulariaceae Juss. – Норичниковые - Сигиркуйрукдошлар).**



Сафроўтнинг бир тури ўсади.

Туркум номи лотинчада “gratia” – меҳр, шавқат маъносида бўлиб, ўсимликни дориворлик хусусияти – сафро ҳайдаши назарда тутилган.

Тур номи “officinalis” – дорихона сўзи эса қўлланишига ишора.

Кимёвий таркиби. Ўсимликда гликозидлар (грациозид, грациотоксин), алкалоидлар, сапонинлар, флавоноидлар (кукурбитацин) борлиги аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Herba Gratiolae – Сафроўт ўти.

Ишлатилиши: Здренко микстураси таркибига қўшилади. Халқ табобатида сафро(ўт) ҳайдаш учун қўлланилади.

**183. *Quercus robur* L. Дуб–Эман ( Fagaceae Dumort-Эмандошлар).**



Эманнинг икки тури учрайди.

Эманни рим муаллифлари асарларидаги номи . Баъзилар кельт халқи тилида “guer” – дарахт, қизил дарахт маъносида десалар, бошқалар юнон тилидаги “kerkein” – дағал сўздан олинган деб изоҳлайдилар. Дарҳақиқат, эман пўстлоғи кўндалангига қатор ёриқчалар билан қопланган Тур номи “robur” – лотин тилида ҳар қандай қаттиқ ёғочни билдиради.

Эман новдалари қадимда куч-қудрат , қаҳрамонлик рамзи ҳисобланиб, жасорат учун бошга тож сифатида кийдирилган юнонлар эманни қуёш худосига римликлар эса Юпитерга бағишлаган.

Кимёвий таркиби: Эман турлари пўстлоғи ва меваси таркибида ошловчи моддалар, флавоноидлар, эфир мойи, кислоталар (галлат, эллат), ёғочиди феноллар, липидлар, баргларида эфир мойлари , тритерпиноидлар бор.

Доривор маҳсулоти: а ) Cortex Quercus – эман пўстлоғи.

б ) Fructus Quercus – Эман меваси.

Ишлатилиши: Эман пўстлоғидан тайёрланган қайнатма буриштирувчи ва антисептик хусусиятларга эга бўлиб, оғиз ва томоқни чайишда қўлланиладиган йиғма чойлар таркибига киради.

**184. *Gypsophila paniculata* L. – Качим метельчатый – Ерсовун, Тоғчитир (*Caryophyllaceae* Juss. – Гвоздичные - Чиннигулдошлар).**



Ўзбекистонда ерсовуннинг 14 тури ўсади.

Туркум номи юнон тилида “gypsos” - бўр, охак, “phileo” (севмоқ, ёқтирмоқ) – ўсимликни гипсли ерларда ўсишига мослашганини кўрсатади.

Тур номи “paniculatus” – рўваксимон тўпгули шаклига ишора.

Кимёвий таркиби. Илдизида тритерпен сапонинлар, стероидлар (спинастерин, 22- дигидроспинастерин) бор.

Доривор маҳсулоти: Radix Saponaria alba – Ерсовун илдизи.

Ишлатилиши: Илдизидан олинадиган сапонин балғам кўчиришда ишлатилади.

**185. *Handelia trichophylla* (Schrenk.) Heimerl. – Ханделия волосолистная – Барги тукли пуғанак (*Asteraceae* Dumort. (*Compositae* Giseke) – Астровые (Сложноцветные) – Қоқидошлар (Мураккабдошлар)).**



Туркум австриялик ботаник Н.Handel. (1862-1940) номи билан айтилган. Тур номи юнон тилида “trihos” – соч, тук, “phyllus” – барг, ўсимлик баргини тукли бўлгани учун аталган.

Кимёвий таркиби. Ўсимликдан сесквитерпен лактон - ханделин ажратилган.

Доривор маҳсулоти: Flores Handelia trichjphyllae - Пуғанак гуллари.

Ишлатилиши. Пуғанак гулларида (саватчалари) тайёрланган дамлама яллиғланишга қарши ва спазмолитик таъсирга эга. Препаратлари ошқозон-ичак касалликларида спазмолитик дори сифатида ишлатишга, ҳамда стоматит, гингвит ва ангинада оғизни чайиш учун тавсия этилади.

**187. *Handelia trichophylla* (Schrenk.) Heimerl. – Ханделия  
волосолистная - Хандемия пуғанак Қоқиўтдошлар (Asteraceae Dumort.  
(Compositae Giseke - Мураккабгулдошлар).**

Туркум австриялик ботаник Н.Handel. (1862-1940) номи билан айтилган. Тур номи юнон тилида “trihos” – соч, тук, “phyllus” – барг, ўсимлик баргини тукли бўлгани учун аталган. Ўсимликдан сесквитерпен лактон-ханделин ажратилган.

Доривор маҳсулоти: Flores *Handelia trichophyllae* - Пуғанак гуллари.

Ишлатилиши. Пуғанак гулларида (саватчалари) тайёрланган дамлама яллиғланишга қарши ва спазмолитик таъсирга эга. Препаратлари ошқозон-ичак касалликларида спазмолитик дори сифатида ишлатишга ҳамда стоматит, гингвит ва ангина оғизни чайиш учун тавсия этилади.

**188. *Haplophyllum perforatum* Kar.et Kir.- Целнолистник пронзенный –  
Тешикбарг тошбақайт, Тошбақатол. (*Rutaceae* Juss. - Рутовые –  
Тошбақатолдошлар).**



Юнон тилида «apolos» - оддий, содда, «phyllon» - барг. Аксарият турларда барглари бутун (қирқилмаган).

Кимёвий таркиби. Илдизида алкалоидлар (диктамнин, скиммианин, эвоксин), кумаринлар (сеселин). Ер устки қисмида ҳам алкалоидлар (хаплозидин, хаплозинин), флавоноидлар (хаплогенин, лимоцетрин, хаплозид С) мавжуд.

Ишлатилиши. Скиммианин алкалоиди седатив фаолликка эга.

**189. *Hedysarum alaicum* V.Fedtsch. – Копеечник алайский – Алой тангаўти (Fabaceae Lindl. (Leguminosae Juss.) – Мотильковые (Бобовые) - Бурчокдошлар (Дуккакдошлар)).**



Туркум номи лотин тилида “hedus aroma”- ёўимли хид маъносида бўлиб, ўсимликни айрим турлари гуллаганда ёқимли хидга эга эканлиги назарда тутилган.

Тур номи лотинча “alaicus” ўсиш жойини кўрсатади. Ўзбекистонда тангаўтнинг 20 га яқин тури ўсади. Улардан сариқ тангаўт *H. flavescens* Regel et Scmalh. ҳам дориворлик хусусиятига эга.

Доривор маҳсулоти: *Herba Hedysari* - Тангаўт ер устки қисми. Ишлатилиши. Ўсимликдан ажратилган ксантин ва флаваноидлар асосида тайёрланган Хедизарин препарати вирусли хасталикларда (герпес ва б.) даволашда қўлланилади.

**190. *Helianthus annuus* L. – Подсолнечник однолетний - Кунгабоқар. (Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые (Сложноцветные) – Қоқидошлар (Мураккабдошлар)).**

Туркум юнон тилида “helios” – қуёш, “anthos” – гул ўсимлик гулининг ранги ва шаклига ёки гулини ҳамма вақт қуёшга қараб айланиши билан боғлиқ ном.

Кунгабоқар бир йиллик маданий ўсимлик бўлиб, “annuus” номи ҳам бир йиллик маъносида, асл ватани Мексикада, уни “қуёш гули” деб аташиб, унга сиғинишган ҳам, дастлаб манзарали ўсимлик сифатида экиб ўстирилган, кейинчалик мой олинган.

Кимёвий таркиби. Уруғи таркибида мой, лимон кислоталари, каротиноидлар, фитин, углеводлар, ошловчи моддалар борлиги аниқланган.

Доривор маҳсулоти: а) *Folium Helianthi* – Кунгабоқар барги.

б) *Flores Helianthi* - Кунгабоқар гуллари. Барги ва гулларида тайёрланган экстракт безгакда қўлланилади.

в) *Flores Helianthi* – Кунгабоқар меваси(пистаси).

Ишлатилиши. Ўсимлик мойи турли линементларга қўшилади.

**191. *Helichrysum arenarium* (L.) Moench. – Бессмертник песчаный - Ўлмасўт (Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые (Сложноцветные) – Қоқидошлар (Мураккабдошлар)).**



Туркум номи юнонча "helios" - қуёш, "chrysos" – олтин, гулларининг ўрама баргчалари тилласимон рангда эканлигига ишора, баъзи муаллифлар талқинича "...” – айланма, буралма маъносида.

Тур номи "arenarus" – қумли, ўсимлик ўсган шароитга (жойи) нисбатан.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида кумаринлар, флаваноидлар, фенилкарбон кислоталар мавжуд.

Доривор махсулоти: Flores Helichrysi arenari – Ўлмасўт гули.

Ишлатилиши. Ўсимлик гули турли йиғмалар таркибида жигар ва ўт йўллари

хасталикларини даволашда қўлланилади.

**192. *Heracleum lehmanningum* Bunge – Борщевик Леманна – Леман гуллари. ( Apiaceae Lindl. (Umbelliferae Juss.) – Сельдерейные – Зирадошлар (Соябонгулдошлар)).**




Плинийдан олинган ном бўлиб, афсонавий қахрамон Геркулес (Геракл) номи берилган.

Кимёвий таркиби. Ҳамма қисмида эфир мойлари (0,07-5,3%), витамин С, кумаринлар, мевасида ёғлар (25%) бор.

Ишлатилиши. Ошқозон касалликларида, ер устки қисми эстроген хусусиятга эга. Эфир мойлари антибиотик хусусиятга эга.

**193. *Hernaria glabra* L. – Грыжник голый - Туксиз саминчўп.  
(Caryophyllaceae Juss. – Гвоздичные - Чиннигулдошлар).**



Туркум номи лотин тилида “hernia” – чурра маъносини англатиб, ўсимлик дабба (грижа) хасталигини даволашда қўлланилган..

Тур номи эса “glaber” - силлик, туксиз яъни ўсимлик шохчалари силлик эканлигини билдиради. Саминчўпда сапонинсифат гликозид борлиги туфайли сувда ишқалаганда совунсимон кўпиради.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисми таркибида тритерпенлар, сапонинлар, кумаринлар, флаваноидлар, эфир мойи, қанд, шиллик ва ошловчи моддалар бор.

Доривор махсулоти: *Herba Herniariae* -

Саминчўп ўти.

Ишлатилиши. Дамламаси буйрак ва ўпка хасталикларини даволашда қўлланилади.

**194. *Hippophae rhamnoides* L. – Облепиха крушиновидная - Чирқанок,  
чаканда (Elaeagnaceae Juss. – Лоховые - Жийдадошлар).**



Туркум номи юнон тилида “hippos” от, “rhcos” - ёруғлик деган номларда Диоскорид, Феофраст каби антик муаллифлар томонидан қўлланилган. Қадимда Грецияда чаканда билан отларни даволашган эканлар. Айримлар талқинича юнонча “phase” - кўз маъносида яъни отларда кўз хасталигини даволашда қўлланилган.

Тур номи “rhamnoides” – юнонча, “rhamnos” - тиканли бута, “oides”-ўхшаш, тўғрироғи тоғжумрутига ўхшаган.

Кимёвий таркиби. Меваси ва уруғи таркибида витаминлар (С,Е,В<sub>2</sub>,В) каротоноидлар, флаваноидлар, қандлар, органик кислоталар, оксил мавжуд.

Доривор махсулоти: *Fructus Hippophoes* - Чаканда меваси.

Ишлатилиши. Меваси мойи тери касалииклари ва куйган жойларга суртилади, яраларни тез битирувчи ҳамда меъда ва қизилўнгач шиллик қаватлари яраларини даволашда ишлатилади.

**195. *Humulus lupulus* L. – Хмель обыкновенный – Оддий хмель, Кулмоқ (Cannabaceae Endl. - Коноплевые - Нашадошлар).**



Туркум номи мунозарали. Айримлар лотин тилида “humus” – ер, яъни ўсимлик ер бағирлаб ўсгани учун аталган дейишса, бошқалар “humilis” – паст, пакана маъносида деб изохлашадилар, ҳатто славян тилидаги номни лотинча шакли бўлса керак деб ҳам тахмин қилишган.

Тур номи лотинча “lupus” – бўри яъни ўсимлик бошқа ўтларга ҳам дарахтларга чирмаб олиб, нобуд қилади. Плиний

кулмоқни тол бўриси *Lupus salictarius* деган.

Кимёвий таркиби. Қуббаларида, эфир мойи, алкалоид (хумулин) кислоталар, катрон, аччиқ моддалар бор.

Доривор махсулоти: *Strobili Lupuli* - кулмоқ тўпмеваси.

Ишлатилиши. Қуббаси турли қиём ва шарбатида ҳолида тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи таъсирга эга бўлиб, қовуқ касалликларини даъволашда қўлланилади.

**196. *Hyoscyamus niger* L. - Белена черная – Қора мингдевона. (Solanaceae Juss. - Пасленовые – Итузумдошлар).**



Туркум номи юнон тилида “hyoskymos” - сўзидан олинган бўлиб “hyos”-чўчка, “куамос” – дуккак. Диоскорид томонидан берилган ном. Ўсимликни меваси билан еган чўчкалар захарланиш оқибатида нобуд бўлган экан. Чирж “hyos” сўзини ўсимлик ташландиқ ерларда ўсгани учун “чўчка бурчоғи” деб ҳам атаган.

Тур номи “niger” - гултож оғизчаси қора-бинафша рангда эканлигини ифодалайди.

Кимёвий таркиби.

Доривор махсулоти: а) *Herba Hyoscyami* – Мингдевона ўти.

б) *Folium Hyoscyami* – мингдевона барги.

Ишлатилиши: Мингдевона баргидан тайёрланадиган препаратлар, мойи оғриқ қолдирувчи ва спазмалотик хусусиятга эга, астма касаллигида қўлланиладиган астматик ва астматон (сигарет) препаратлари таркибига киради.

**197. *Hypericum perforatum* L. – Зверобой пронзенный, Чойўт, қизилпойча (Hypericaceae Lindl - Зверобойные – Далачойдошлар).**



Туркум “hypericon” юнонча номи билан Плиний, Гиппократ ва Диоскорид асарларида келтирилган (“hyper” - юқори), ”hypo” – яқинлашиш, ўхшаш. Тур номи ”perforatus” – тешилган яъни ўсимлик баргидан қора доғлар қуёшга қараганда тешикка ўхшаш кўринади.

Кимёвий таркиби.

Доривор махсулоти: Herba Hyperici-Қизилпойча ўти.

Ишлатилиши. Ўсимлик экстракти ва тинктураси ва дамламаси турли чойлар таркибида буриштирувчи, антисептик восита сифатида меъда-ичак касалликлари, турли яраларни, куйганни даволашда ишлатилади. Ўсимликда ошловчи моддалар, эфир мойи, флаваноидлар, каротин, витамин С, органик

кислоталар, қанд, қатрон, шиллик моддалар бор.

**198. *Inula britannica* L. – Девясил британский – Британия андизи. ( Asteraceae Dumort (Compositae Giseke) - Астровые(Сложноцветные) - Қоқидошлар (Мураккабдошлар)).**



Юнон тилида “inaein” – тозаламоқ. Дориворлик хусусияти туфайли берилган ном.

Тур номи ўсимликнинг ўсиш жойига тааллуқли.

Кимёвий таркиби. Ўсимликда тритерпеноидлар (3-пальмитат ва 3-мирилат, 3,16- дигидрооксилупеол, сесквитерпен (пульхеллин) мавжуд.

Ишлатилиши. Уруғининг спиртдаги экстракти антиоксидант хусусиятга эга. Атеросклероз, бронхит, гипертония, коклюш, малярия, тумов, склероз, ошқазон ва ичак яраси, ўпка сили, рахит, яраларни даволашда ишлатилади.

**199. *I. helenium* L. – Девясил высокий – Қора андиз.**



Плиний Helena - Елена номи боғлаб “Елекс кўз ёшидан ўсиб чиққан” маъносида келтирилган. Ўсимлик кўпроқ сернам ерларда, дарёлар бўйида, ботқоқликларда ўсганлиги учун “helos” - нам ўтлоқ ёки “helios” - қуёш, сариқ гулига нисбат.

Доривор махсулоти: Rhizoma et radix Inulae - Андиз илдизпояси ва илдизи.

Кимёвий таркиби. Илдиз ва илдизпояси таркибида 1-3% эфир мойи, 44% гача инулин ва бошья углеводлар, оз миьдорда алкалоидлар, сирка ва бензоат кислоталар ҳамда сапонинлар бўлади. Эфир мойи таркибида гелениндан ташқари, оз миқдорда алантол ва проазулен ҳам бор. Ўсимликнинг ер устки қисми таркибида 3%

гача эфир мойи, баргида эса алантопикрин деб аталувчи аччиқ модда бўлади.

Ишлатилиши: Препаратлари яллиғланишга қарши, антисептик хусусиятга эга. Илдизи қайнатмаси балғам кўчирувчи восита, турли йиғмалар (Здренко) - чойлар таркибига киради. Аллантон препарати меъда ва ўн икки бармоқли ичак ярасини даволашда қўлланилади.

**200. *I. salicina* L. – Д. иволистный – Андиз, Толбарг андиз.**

Тур номи унинг барглари толникига ўхшагани учун бўлса керак.

Кимёвий таркиби. Ўсимликда тритерпеноид ва сесквитерпеноидлар аниқланган.

Ишлатилиши. Настойкаси диуретик ва гипотензив хусусиятга эга. Уруғининг спиртдаги экстракти эса антиоксидант таъсирга эга.



**188. *Impatiens parviflora* DC. - Недотрога мелкоцветная – Хинагул, Ёввойи хина (Balsaminaceae A.Rich. - Балзаминовые – Хинагулдошлар).**

Ўзбекистонда Ёввойи хинанинг уч тури маълум.

Лотин тилида “impatiens” айнан чидамсиз, сабрсиз маъносида. Етилган мевалари (кўсакча) тегиб кетилса,

кўсакчаси эшилиб ёрилгач, уруғларини сочиб юборади.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисми сапонинлар, алкалоидлар. Витамин С, каротин. кумаринлар, флавоноидлар, барги – углеводлар, фенолкарбон кислоталар, антоцианлар, нафтохинонлар сақлайди.

Ишлатилиши. Экстракти антибактериал фаолликка эга. Хўл ҳолатда дерматомикозда ишлатилади. Ер устки қисми тонусни оширади. Баргининг қайнатмаси диуретик, ични юмшатувчи сифатида геморрой хасталигини даволашда қўлланилади.

**201. *Juglans regia* L. – Гречиский орех – Грек ёнғоғи.  
*Juglandaceae* A.Rich.ex Kunth.**



Ёнғоқдошлар. Туркум номи Плиний ва б. Муаллифлар томонидан шу номда келтирилган.

Кимёвий таркиби. Пўстида тритерпеноидлар; Баргида фенолкарбон кислота ва уларнинг ҳосилалари, альдегидлар, спиртлпр, ёғлар; гулида-монотерпеноидлар, азотсақловчи бирикмалар, флавоноидлар, фенолкарбон кислоталар ва уларнинг ҳосилалари, мевасида- нафтохинонлар бор. Тур номи юнон тилида “regius”- кўркам, дабдабали маъносида шох-шаббасини кўринишини ифодалайди.

Ишлатилиши. Барги болаларда панкреатитни даволовчи йиғмалар таркибига киради, флавоноидлар йиғмаси (сумма) қандни камайтирувчи, бактериоцид хусусиятга эга. Барги ва меваларининг экстракти иммуностимулятор сифатида тавсия қилинган.

**202. *Juniperus communis* L.- Можжевельник обыкновенный – Оддий арча (*Cupressaceae* F.Neger –Кипарисовые -Сарвидошлар)**



Ашерсан (Ascherson P.F.A1834-1913й) фикрига кўра рим ёзувчиси Вергилий асрида арча лотин тилида “juniperus” номи билан келтирилган. Баъзилар изоҳича кельт (халқ) тилида “juniperus” тикан, чунки айрим турларини баргчалари ўткир учлик.

Тур номи “communis” – оддий, тарқалишига ишора.

Ўзбекистонда арчанинг уч тури *J. semiglobosa*, *J. turkestanica*, *J. seravschanica* ўсади.


Кимёвий таркиби. Пўстлоғида ва ёнғоғиди эфир мойи, детерпеноидлар, стероидлар, ошловчи моддалар, мевасида

(қубба) углеводлар, қандлар, органик кислоталар, пигманлар, ошловчи моддалар мум мавжуд.

Доривор маҳсулоти: Fructus juniperi communis (Ваесае juniperi)- арча меваси

Ишлатилиши. Арча меваси (қуббаси) дан тайёрланган препаратлар (дамлама, йиғма-чойлар) тиббиётда сийдик ҳайдовчи, балғам кўчирувчи ҳамда овқат хазмини яхшиловчи восита сифатида ишлатилади.

**203. *Juniperus turkestanica* Kom. - Можжевельник туркестанский – Ўрик арча.**



Тур номи арча ўсган жой (муаллиф берган ном).

Кимёвий таркиби. Ҳамма қисмида эфир мойлари (0,7-3,2%), ошловчи моддалар топилган. Доривор маҳсулоти: а) Fructus seu bасса Juniperi-Арча меваси. б) Lignum Juniperi – Арча ёғочи.

Ишлатилиши. Меваларининг қайнатмаси – диуретик хусусиятга эга, ўпка сили, экзема, дерматоз, томоқ ва милк касалликларида қўлланилади. Эфир мойларининг 5%- фракцияси яраларни битирувчи, антибактериал хусусиятга эга. Ликерлар, конфет ва пряниклар ишлаб чиқаришда ҳам ишлатилади

**204. *Korolkowia sewerzowii* Regel – Корольковия Северцова – Олғи, Северцов олғиси. (Liliaceae Juss. – Лилейные – Лоладошлар).**



Ўзбекистонда олғининг шу тури ўсади.

Ўсимлик пиёзини Санкт-Петербург Ботаника боғига олиб келиб, экиб ўстирган Н.И.Корольков шарафига аталган. Тур – шахс номи (Северцов Н.А.) берилган.

Кимёвий таркиби. Алкалоидлар, корсевинин, корсин, карсеалин, алгенин ва б, гули флавоноидлар, пиёзи углеводлар сақлайди.

Ишлатилиши. Алгенин (тажрибада) қон босимига таъсир қилади. Юрак уришини секинлаштиради, унинг амплитудасини қисқартиради, алгинидин – қон босимини тушириб, юмшоқ адреналин фаоллигини кўрсатади.

Пиёзи – терлатувчи, иситма

туширувчи, яраларни битирувчи таъсирга эга.

**205. *Laburnum anagyroides* Medik. – Бобовник анагировидный – Лабурнум [Fabaceae Lindl. (Legiminosae Juss.) – Мотильковые (Бобовые) - Бурчокдошлар (Дуккакдошлар)].**



Бу тур, экиб ўстирилади.

Латин тилида “laburnum” – дуккакли мева маъносида Плиний томонидан келтирилган. Этимологияси ноаниқ. Эри маълумотида этрус халқи тилидан олинган бўлиши мумкин.

Тур номи юнонча “anagyros” - бадбўй дарахт, бадбўй кўзоқчали ўсимлик, “eides” – ўхшаш деган маънога эга.

Кимёвий таркиби. Ўсимликда алкалоид (цитизин) аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Semina Laburni- Лабурнум уруғи.

Ишлатилиши. Ўсимликдан олинадиган цитизин алкалоиди нафасни кўзғатади, Гален препарати балғамни кўчиради, нафас йўллари шиллиқ парда хужайраларидан шира (секреция) чиқишини

оширади.

**206. *Lachnophyllum gossypinum* Bunge – Шерстистолистник хлопковидный – Оқ момик. [Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые (Сложноцветные) – Қоқиўтдошлар (Мураккабгулдошлар)].**

Республикада Оқ момикнинг шу тури ўсади.

Юнонча “lache” - жун ва “phyllon” – барг. Ўсимлик юмшоқ тукчалар билан қопланганлиги учун берилган ном. Тур номи сертук бўлганлиги учун момиксимон деб аталган.

Кимёвий таркиби. Эфир мойлари, алкалоидлар ва лактонлар сақлайди.

Ишлатилиши. Эфир мойи симпатик нерв системасига кучли таъсир кўрсатади ва парфюмерияда ишлатилади. Баргининг шарбати яраларни битирувчи ва чипқонни даволашда қўлланилади.

**207. *Lactuca serriola* L. – Латук дикий – Ёввойи сутчўп. [Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые (Сложноцветные) – Қоқиўтдошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Юнон тилида “lac” – сут. Ўсимликни сутсимон шира борлиги учун шундай аталган, “serra”-барг қирраларини майда аррасимон эканлигига ишора.

Кимёвий таркиби. Витамин С, сесквитерпеноидлар. Уруғида 35% гача ёғ бор.

Ишлатилиши. Уруғи йўтал ва уйқусизликда қўлланилади.

**208. *Lagochilus inebrians* Bunge – Заячья губа опьяняющая – Бозулбанг, Гангитувчи бозулбанг. [Lamiaceae Lindl.(Labiatae Juss.) – Яснотковые (Губоцветные) - Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**



Ўзбекистонда Бозулбангнинг 13 тури ўсади.

Юнон тилида “lagos” – куён, “cheilos” - гултожи тузилишига кўра куён лабига ўхшаш кесилган.

Тур номи “inebrians”, “inebriare” – сўздан олиниб, маст қилувчи (гангитувчи) маъносида.

Кимёвий таркиби. Гули ва баргларида эфир мойи, витаминлар (С, К, каротин), органик кислоталар, қанд, флавоноидлар, алкалоид (лагохилин), ошловчи моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: а) Flores Lagochili – Бозулбанг гули.

б) Herba Lagochili – Бозулбанг ўти.

в) Folium Lagochili – Бозулбанг барги.

Ишлатилиши: Доривор препаратлари (дамлама, настойка, таблетка) қон ивишини тезлатади, қон оқишини тўхтатади ҳамда қон босимини пасайтириш таъсирига эга.

**209. *L. setulosus* Vved. - Заячья губа щетинистая – Дағал бозулбанг.**



Тур номи “setulosus”- майда тукли (тиканли) маънода.

Кимёвий таркиби. Таркибида эфир мойлари, дитерпеноидлар, (лагохилин 1,203%), алкалоидлар, фенолкарбон кислоталар, ошловчи моддалар, флавоноидлар, углеводлар, органик кислоталар, витамин С мавжуд.

Ишлатилиши. Юрак кон-томир системасига *L.inebriens* каби таъсир қилади. Илдизининг настойкаси юрак уришини тезлаштиради. Барг ва гулларининг препаратлари – гемостатик ва седатив

таъсирга эга. Тиббиётда қон оқишини тўхтатувчи восита сифатида қўлланилади.

**210. *Lamium album* L. – Яснотка белая - Оқ ламиум, Оқпар [Lamiaceae Lindl. (Labiatae Juss.) – Яснотковые (Губоцветные) – Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**



Оқпарнинг икки тури ўсади.

Туркум номи латин тилида “lamia” - балиқ демак. Ўсимлик гултожининг бўғзи балиқ жағига ўхшаб очилган.

Тур номи “album” - гулларини оқ рангига ишора.

Кимёвий таркиби. Гуллари таркибида эфир мойи, сапонинлар, флавоноидлар, витаминлар, ошловчи ва шиллиқ моддалар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: *Folia Lamiumi albi* – Оқпар гуллари.

Ишлатилиши: Гулининг доривор препаратлари акушерлик-гинекологик

амалиётда қон оқишини тўхтатувчи ва қон босимини пасайтирувчи восита бўлиб, қон оқишини тўхтатувчи чойлар, йиғмалар таркибига киради.



**211. *Lathyrus pratensis* L. – Чина луговая –Мулкак, Ўтлоқ бурчоғи,**

**[Fabaceae Lindl. (Leguminosae Juss.) – Мотильковые (Бобовые) – Бурчокдошлар (Дукакдошлар)].**

Ўзбекистонда Бурчокнинг 12 тури ўсади. Феофраст дуккакли ўсимликдан бирини шу номда келтирган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида флавоноидлар: лютеолин, изокверцетрин, рутин, витаминлар (каротин, С, В, хинонлар, антоцианлар мавжуд.

Ишлатилиши. Халқ табобатида нафас олиш аъзолари касалланганда, ошқазон-ичак тракти фаолияти бузилганда қўлланилади, ер устки қисми экстракти антибактериал ва антиоксидант хусусиятига эга.

**212. *L. sativus* L.- Чина посевная – Бурчок, Элма бурчок.**



Тур номи экиб ўстиришни англатади.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида стероидлар: клеростерин, 24-эпиклеростин, изоавенастерин, флавоноидлар: фокманонетин, лютеолин, кверцитин, уруғида стероидлар (стигмастерин, ситостирин), аминокислоталар, ёғлар мавжуд.

Ишлатилиши. Уруғи (настойкаси) гомеопатияда склероз, орқа мияда шол хасталигини олдини олишда, гастроэнтерит каби касалликларни даволашда қўлланилади.

**213. *Laurocerasus officinalis* Roem.- Лавровишня аптечная – Дафкаолича, Доривор лавролича (Rosaceae Juz.- Розацветные-Раънодошлар).**



Туркум номи лотин тилида “laugus” (дафна, лавр), чунки ўсимлик барглари лавр баргларига ўхшаш, тур номи дориворлик хусусияти учун берилган.

Кимёвий таркиби. Пўстлоғида азотли бирикмалар ошловчи моддалар, ёғочида елим, углеводлар (галактоза, ксилоза, рамноза), баргларида эфир мойи, витаминлар, фенолкарбон кислоталар, ошловчи моддалар, флавоноидлар, меваси ва уруғида углеводлар, эфир мойи, ёғлар

(олеин, линол) бор.

Доривор маҳсулоти. Folium Laurocerasi – Лавролича барглари.

Ишлатилиши. Баргларида тайёрланган сув (шира) Аччиқ бодом суви ўрнида ишлатилади. Тинчлантириш ва оғриқ қолдириш учун фойдаланилади.



**213. *Lavandula spica* L. – Лаванда колосовидная – Бошоқсимон лаванда [(Ялпиздошлар (Лабгулдошлар) – Lamiaceae Lindl. (Labiatae Juss.)).]**

Туркум номи лотин тилида “lavare” – ювмоқ маъносида, қадимда юнонлар ва римликлар ювинишда ишлатишадиган идишлар ва жиҳозлар (ванна)ни ёқимли ҳид бериш учун шу ўсимлик билан ювишганлар.

Тур номи “spica” – гул тўплами бошоқ кўринишида бўлгани учун аталган.

Янги узулган тўпгулида эфир мойи – (линалол), ҳамда валериан, сирка, капрон кислоталар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Flores Lavandulae–Лаванда гуллари.

Ишлатилиши. Гулларининг эфир мойлари антисептик хусусиятга эга. Турли суртма ва линиментларга ёқимли ҳид бериш учун ҳамда фармацевтика санотида ишлатилади

**214. *Leonurus turkestanicus* V. Krecz. e Kupr. – Пустырник туркестанский – Арслонқуйруқ [Lamiaceae Lindl. (Labiatae Juss) – Яснотковые (Губоцветные) – Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**



Арслонқуйруқнинг икки тури ўсади.

Туркум номи юнон тилида “leon” – арслон, “ura” қуйруқ, дум маъносида. Тўпгули шакли арслон думига ўхшагани учун шундай ном берилган. Тур жой (Туркистон) номи билан аталган.


Кимёвий таркиби. Тритерпеноидлар, фенол моддалар ва уларнинг ҳосилалари топилган. Вербоскозид, лавандулифолиозид, леонозид А ва В. Ер устки қисмида флавоноидлар, рутин, кварцетин эфир мойи, қандлар, ошловчи моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: Herba Leonuri – Арслонқуйруқ ўти, Ўсимлик Здренко йиғмаси таркибига киради.

Ишлатилиши: Ўсимликдан тайёрланган препаратлар (дамлама, суюқ экстракти) тинчлантирувчи хусусиятга эга бўлиб, қон босимини туширади юрак фаолиятини яхшилайдди, коронар томирларни кенгайтиради. Тритерпеноид ва фенолларининг 70%- настойкаси Саркома 45 ва карциона саркомаларни ўсишини тўхтатади. Ер устки қисмидан тайёрланган препаратлар

тинчлантирувчи таъсирга эга, юрак-қон томир хасталикларини даволашда қўлланилади.

**215. *Leontice ewersmannii* – Леонтице эверсманна – Ерсовун. (Berberidaceae Juss. - Барбарисовые – Зиркдошлар).** Ерсовуннинг уч тури ўсади.



Юнонча “леонтике” – барги “арслон панжаси каби ажралган” деган маънога эга.

Кимёвий таркиби. Сапонинлар, алкалоидлар, гликозидлар сақлайди.

Ишлатилиши . Леонтозид адювант фаоллика эга, тур Ewersmann номи билан аталган.

**216. *Lepidium perfoliatum* L.- Клоповник пронзенный - Торол, Болтирик. [Brassicaceae Burnett (Cruciferae Juss.) – Капустные (Крестоцветные) – Карамдошлар)].**



Ўзбекистонда Торолнинг 10 тури ўсади.

Юнон тилида “лепис”- кипик, “лепидион” – тангача (айрим турларини меваси танга шаклида) деган маънога эга, тур номи барглари тешикчали (қуёшга қараганда) эканлигига ишора.

Кимёвий таркиби. Витамин Е, каротин, флавоноидлар, кемпферол, кверцетин, антозид, рутин, алкалоидлар, кумаринлар, уруғида 11-19 %гача ёғлар сақлайди.

Ишлатилиши. Нафас олиш йўллари касалликларида, кўз касалликлари, бод (подагра), бош оғриғида, ҳамда гижжа ҳайдовчи

восита сифатида ишлатилади.

**218. *Linaria popovii* Kuprian. - Лънянка Попова – Тоғ қорамифи, Попов қорамифи. (Scrophulariaceae Juss. – Норичниковые – Сигирқуйрукдошлар).**



Тоғ қорамифинингуч тури маълум.

Лотинчада *Linum* – зиғир номи. Кўп турларини барги зиғир баргига ўхшаш бўлгани учун берилган ном, тур ботаник флорист М.Г.Попов (1893-1955й) номи билан аталган.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик ер устки қисмидан флавоноидлар (пектолинарин, ацитилпектолинарин), пояси ва баргларида алкалоид - линарин (пеганин) ажратилган.

Ишлатилиши. Настойкаси (Тожикистонда) – ўт хайдовчи, терлатувчи, қайнатмаси дерматитларда ванна қилинади. Уруғини қайнатмаси гижжа хайдовчи восита.

**219. *Linum usitatisimum* L. - Лен долгунец - Зиғир (Linaceae S.F.Gray. – Льновые - Зиғирдошлар).**



Ўзбекистонда Зиғирнинг 5 тури ўсади.

Туркум номи римликлар тилида “linon” сўзидан олинган, у ўз навбатида юнон ва лотин тиллари орқали кельт халқи тилада “lin” - ип номи билан боғлиқ бўлиб, зиғир поясидан газлама тўқишда фойдаланишгани учун аталган. Тур эса “usitatus” - оддий, ўсимликни турли мақсадда фойдаланишга ишора.

Кимёвий таркиби. Уруғи таркибида шиллик моддалр ёғ, оксил каби брикмалар мавжуд.

Доривор махсулоти: Semen Lini –Зиғир уруғи.

Ишлатилиши: Зиғир уруғидан тайёрланган препаратлар (дамлама, қайнатма) шиллик пардаларни қоплаб олиб, кислота ва

ферментлар таъсиридан сақлайди. Ошқозон, ўн икки бармоқ ичак яраларини даволашда ва яллиғланишига қарши қўлланилади.

**220. *Lycopus europaeus* L.- Зюзник европейский – Европа лукописи, Бўриоёқ [Lamiaceae Lindl.(Labiatae Juss.) – Яснотковые (Губоцветные) – Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**



Республика флорасида Бўриоёқнинг бир тури ўсади.

Туркум номи юнонча “lycos” - бўри ва “rous” - оёқ. Тур – ўсимлик ўсиш жойи (европа) номи билан аталган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисми ва баргларида тритерпеноидлар, стероид моддалар ва флавоноидлар мавжуд.

Ишлатилиши. Уруғини спиртдаги экстракти антиоксидант.

**221. *Lysimachia vulgaris* L. - Вербейник обыкновенный – Оддий лисимахия (Primulaceae Vent. - Первоцветные – Наврўзгулдошлар).**



Ўзбекистонда ўсимликнинг икки тури ўсади.

Ўсимликни Диоскорид Фракия подшоси номи билан атаган, тур- ўсимлик турли жойда ўсишини кўрсатади.

Кимёвий таркиби. Ўсимликда сапонинлар, аскорбин кислотаси, витамин С мавжуд.

Ишлатилиши. Сувдаги экстракти антикогулянт ва антивирус хоссага, антифагларга қарши фаолликка эга. Ер устки қисми тортишишга қарши, артритларда компресс қилинса фойда беради.

**222. *Lythrum salicaria* L. – Дербенник обыкновенный – Оддий литрум, Найкоса, Кўкйўнғичқа (Lythraceae Jaume St.-Hil. - Дербенниковые – Найкосадошлар).**



Найкоса республика флорида 7 турдан иборат.

Юнон тилида “lytron”- қон, гуллари қирмизи (қон) рангда. Балки қадимда қон тўхтатувчи восита сифатида ишлатилгандир.

Кимёвий таркиби. Уруғида юқори ёғ кислоталари (линоливая).

Ишлатилиши. Спиртдаги экстракти антиоксидант хусусиятга эга.

**223. *Malva sylvestris* L. - Мальва дикая – Тугмачагул, Ўрмон тугмачагули (Malvaceae Juss.- Мальвовые - Гулхайридошлар).**



Тугмачагулнинг Ўзбекистонда 7 тури ўсади. “Malva” юнонча “malachise” - сўзидан олинган бўлиб, “malache – юмшатмоқ деган маънога эга, тур номи ўсимлик асосан ўрмонда (sylva- ўрмон) ўсганлиги учун аталган.

Кимёвий таркиби. Ҳамма қисмида шиллик моддалар, витамин С, углеводлар (О-глюкоза, Д-фруктоза, сахароза, рафиноза, флаваноидлар, алкалоидлар, ошловчи моддалар, алкалоидлар, уруғида ёғлар (10-18%) сақлайди.

Ишлатилиши. Қайнатмаси яраларни даволашда, восита, барги, гули, илдизининг қайнатмаси – юмшатувчи, юқори нафас йўллари шамоллаганда қўлланилади.


**224. *M.neglecta* Wallr. – Мальва пренебрежная – Бефарқ тугмачагул.**

Тур номи ўсимлик ёйилиб ўсганлиги боис ўтлар орасида унча сезилмайди.

Кимёвий таркиби. Ҳамма органларида ёпишқоқ моддалар, илдизида каучуксимон модда (0,3%) ер устки қисмида углеводлар, кумаринлар, витамин С, каротин, ошловчи моддалар борлиги аниқланган. Мевасида витамин Е, каротин, уруғида 14,3-17,7% ёғ, сақлайди.

Ишлатилиши. Тожикистонда – гемаррой, йўтал, ошқозон касалликларида, уруғи сурги дори сифатида ишлатилади.

**225. *Magnolia grandiflora* L. – Магнолия крупноцветковая, Йирик гулли магнолия (Magnoliaceae Juss. – Магнолиевые – Магнолиядошлар).**



Ўзбекистонда Магнолиянинг тўрт тури манзарали ўсимликлар сифатида экиб ўстирилади.

Туркум француз ботаниги Pierre Magnol номи билан аталган. Бу билан К.Линней алоҳида хизмат кўрсатган ботаниклар хотирасини абадийлаштириш мақсадида муқаддас сақланиши лозим деганига амал қилинган.

Тур номи эса “grandiflorus” - йирик гулли маънода латин тилида

“grandis” - катта, йирик “floris”—гул.

Кимёвий таркиби. *M. obovata* ва *M. soulangeana* каби турлари новдалари ва пўстлоғида алкалоидлар, рутин аниқланган, гуллари ва мевасида флавоноидлар, ёғлар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: *Folium Magnoliae* - Магнолия барги экстракти.

Ишлатилиши: Гипертония хасталигида қон босимини пасайтирувчи восита сифатида қўлланилади.

Баъзи турлари (*M. soulangeana*) манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

**226. *Marrubium alternides* Rechb. – Шандра очереднозубая – Девортагиўт, Қатортишли девортагиўт. [Lamiaceae Lindl. (Labiatae Juss.) – Яснотковые (Губоцветные) – Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**

Туркум турларб ҳамда Lamiaceae оиласига мансуб бир қатор ўсимликларни латин муаллифлари шу ном билан аташган. Яхудийлар тилида “мач”-аччиқ, “гов” - кўп, яъни жуда аччиқ маънога эга деб тушунтирадилар. К.Линней туркум номини Лациумдаги Фицин кўли бўйидаги “Maria-Urbs” шаҳри номи деб изоҳлаган.

Тур номи ўсимлик япроғи тишсимон қирралари турлича кетма-кет алмашиб турганига ишора.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисми таркибида эфир мойи, флавоноидлар, алкалоид (стахидрин), қатрон, С витамини, ошловчи ва аччиқ моддалар борлиги аниқланган.

Доривор маҳсулоти: *Herba Marrubiumi* – Девортагиўт ўти.

Ишлатилиши: Ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма халқ табобатида томоқ оғриганда, нафас йўллари шамоллаганда ҳамда томоқни чайишда ишлатилади. Настойкаси тинчлантирувчи ва қон босимини пасайтирувчи хусусиятларга эга.

**227. *Matricaria (Chamomilla) recutita* L. – Ромашка обрезанная – Мойчечак, Қирқмабарг мойчечак [Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые (Сложноцветные) – Қокиўтдошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Мойчечакнинг бир тури ўсади.

Туркум лотин тилида “mater” – она, “matrix” - бачадон. Немис ботаниги Галлер берган ном бўлиб, мойчечакни бачадон ҳасталигига даво эканлиги кўзда тутилган.

Тур номи “recutites” ўсимликни туксизлигига (силлик) ишора.

Кимёвий таркиби. Гули таркибида эфир мойи, гликозидлар, каротин, витамин С, шиллик ва аччиқ моддалар

бор.

Доривор махсулоти: Flores –Мойчечак гули.

Ишлатилиши: Гулининг дамламаси, меъда-ичак ва гинекологик касалликларни даволашда восита томоқ чайишда ишлатиладиган йиғма-чайлар (Здренко микстураси) таркибига киради. Шунингдек, *M.discuidea*, *M.matricarioides* *M. suaveolens* турлари ҳам шифобахш хусусиятга эга.

**228. *Mediasia macrophylla* (Regel et. Schmalh.) M.Pimen.** – Алқор крупнолистный – Алқор, Йирикбарг алқор [Apiaceae Lindl. (Umbelliferae Juss.) – Сельдерейные (Зонтичные) – Зирандошлар (Соябонгулдошлар)].



Алқор республикада бир турдан иборат.

Ўрта Осиё (Asia media) номи билан аталган туркум бўлиб, сўзлар ўрни (анаграмма) алмаштирилган (*Mediasia*), барги йирик (“*macrophylla*”) бўлгани учун тур даражасига кўтарилган.

Кимёвий таркиби. Ҳамма қисми эфир мойи (0,01 – 2,9%), меваси – флавоноидлар, юқори ёғ кислоталари сақлайди.

Ишлатилиши. Илдизи артрит, цистит, жигар касалликларида, фурункулёзда, баъзи тери касалликларида гемостатик восита сифатида қўлланилади.

Экстракти ўсмага қарши фаолликка эга.

**229. *Melilotis officinalis* (L) Desr.** – Донник лекарственный – Қашқарбеда, Сарик қашқарбеда. [Fabaceae Lindl. (Leguminosae Juss.) – Мотильковые (Бобовые) – Бурчокдошлар (Дуккакдошлар)].



Ўзбекистонда Қашқарбеданинг тўрт тури ўсади. Туркум юнонча “meliloton” яъни “meli” - асал, “lotos” - бедани бошқа турини номи бўлиб, “асалли беда” маъносида. Ўсимлик гули асалариларга шира манбаи бўлса, барглари беда барги каби уч бўлакли.

Тур номи “officinalis”- дориворлик хусусиятини билдиради.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида кумарин, эфир мойи, гликозид, шиллик моддалар, уруғи таркибида ёғ, алкалоид (тригонеллин) аниқланган.

Доривор махсулоти: Herba Meliloti - Қашқарбеда ўти.

Ишлатилиши: Ер устки қисмидан тайёрланган малҳам йиринг ва чипқонли яраларни даволашда ишлатилади. Айрим

препаратлари (дикумарал) тромбофлавит касаллигини даволашда ишлатилади.

**230. *Melissa officinalis* L. – Мелисса лекарственная – Лимонўт, Доривор лимонўт [Lamiaceae Lindl.(Labiatae Juss.) – Яснотковые (Губоцветные) – Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**



Лимонўт бир турдан иборат.

Туркум номи юнон тилида “melissa” - асалари, ўсимлик гуллаганида асалариларни жалб қилишга ишора. Шу сабаб асал арилари янги оиласи пайдо бўлганда асалариларни жалб қилиш учун яшиқларни лимон ўт баргини суртишганлар.

Тур номи “officinalis” эса шифобахшлиги учун аталган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида фенил карбон кислоталар, флавоноидлар

(лютеолин, цинарозид), барглари ва гулларида эфир мойи аниқланган.

Доривор махсулоти: Folium Melissaе – Лимонўт барги.

Ишлатилиши: Камқонлик асаб ва юрак хасталиқларини даволашда ҳамда тиришишга қарши оғриқ қолдирувчи восита сифатида қўлланилади.

**231. *Menyanthes trifoliata* L. – Болотноцветник трехлистный – Ботқоқгул, Учбарг (Menyanthaceae Dumort. – Вахтовые - Ботқоқгулдошлар).**



Ўзбекистонда Учбаргнинг бир тури ўсади.

Феофораст маълумотича туркум номи юнон тилида “menyein”-кўрсатмоқ, топмоқ, “anthes”- гул. Ўсимлик гуллари йирик ва оқ рангда бўлганлиги учун қоронғида ҳам кўриниши билан ўткинчиларни сув ҳақида огоҳ қилармиш. Бошқа бир талқинда “men” - ой, “anthos” – гул, ўсимликни гулини кечаси очилиши билан ифодаланади.

Тур номи “trifolius” – учбаргли маъносида “tri” – уч, “folium” – барг.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик барги таркибида аччиқ гликозидлар, алкалоид (генциамин), флавоноидлар (рутин, гиперозид), ошловчи моддалар бор.

Доривор махсулоти: Foliam Menyanthis trifoliatae - Учбарг барги.

Ишлатилиши: Ўсимлик барги турли экстракт ва тинктура таркибида ошқозон суяқлигини ажратишни тезлаштириш, овқат хазмини яхшилаш ва иштаҳа очиш хусусиятига эга.

**232. *Mentha arvensis* L. – Мята полевая – Ялпиз, Дала ялпизи [Lamiaceae Lindl. (Labiatae Juss.) - Яснотковые(Губоцветные) - Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**



Ялпизнинг республикада 5 тури ўсади.

Антик муаллифлар ўсимлик номини афсонавий исм билан боғлаганлар К.Линней ўсимлик номини худо ва подшоҳлар исмига нисбат бериб (шеърятдан олинган маънода). Уларни номини абадийлаштириш лозим деб қолдирган.

Кимёвий таркиби. Барги ва гуллари таркибида эфир мойлари (0,4-0,5%) аниқланган.

Ишлатилиши. Грипп, энцефалит касалликларини даволашда қўлланиладиган йиғмалар таркибига киради. Спиртли экстракти антикогулятор ва антиимплатацион фаолликка эга.

**233. *M. piperita* L. – Мята перечная – Аччиқ ялпиз.**

“Minthes” - ўсимликка айлантирилган афсонавий Минта номи билан боғлиқ. Тур номи лотинча “piperitus” - аччиқ ўсимлик барглари гармдори каби аччиқ таъми учун берилган.

Кимёвий таркиби. Баргида эфир мойи, каротин, кислоталар (,етаин, урсан, олеанол) борлиги аниқланган.

Доривор маҳсулотлари: а) Folium Menthae piperitae – Ялпиз барги.

б) Herba Menthae piperitae -Ялпиз ўти.

Ишлатилиши. Ялпиз барги ва унинг эфир мойи тинчлантирувчи, спазматик, антисептик ва ўт хайдаш таъсирига эга. Ўсимлик препаратлари ошқозон-ичак санчиқларида, кўнгил айнишда қайт қилиш учун қўлланилади.

**234. *Microcephala lamellata* (Bunge) Pobed. –Мелкоголовник пластинчатый – Бабуна, Чўпон телпак [*Asteraceae* Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые (Сложноцветные) – Қоқидошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Бабунанинг бир тури ўсади.

Юнонча икки сўздан иборат: “micros” – кичик, майда ва “cephalon” – бош. Тур номи “lamella”- барглари юзага силлиқ, текислига ишора.

Кимёвий таркиби. Эфир мойлари, кумарин ва флавоноидлар сақлайди.

Ишлатилиши. Лейшманниоз, диарея ва безгакни даволашда ишлатилади.

**235. *Morus* L. – Красная шелковица – Қизил тут (*Moraceae* Link – Тутовые - Тутдошлар).**



Ўзбекистонда тутнинг икки тури Оқ тут, Балиқ тут – *Morus alba* L. ва Қора тут (Шотут ҳам дейилади) – *Morus nigra* L. кенг кўламда экилади.

Эсхил (юнон ёзувчиси) тут дарахтини шу номда келтирган, Овидий (лотин ёзувчиси) тут дарахтини мевасини “morum” деб атаган.

Кимёвий таркиби. Тут барги таркибида эфир мойи, С витамини, терпеноидлар, органик кислоталар, мевасида қандлар, бўёқ, пектин, оқсил, ошловчи моддалар бор.

Доривор маҳсулотлари: Fructus Folia

*Morusi* – Тут меваси ва барглари.

Ишлатилиши: Шотут пўстлоғи ва барги қайнатмаси стоматологияда ва томоқ касалликларида оғизни чайишга тавсия этилган. Мевасини истеъмол қилиш юрак ҳасталикларини даволашда ижобий натижа берган.

**236. *Myristica fragrans* Hoult. – Мускатный орех – Мускат ёнғоғи (Muristicaceae R.Brown.- Мускатные - Мускатдошлар).**



Мускат ёнғоғи бир турдан иборат.

Туркум номи юнон тилида “myristicos” сўздан олинган бўлиб хушбўй , муаттар маъносига эга.

Тур номи “fragrans” ҳам ифор ҳидли маъносига . Табиий ҳолда мускат ёнғоғи Жанубий-Шарқий Осиёда ўсади. Тропик ўлкалар ва баъзи Ботаника боғларида (Тошкентда ҳам) иқлимлаштирилган.

Кимёвий таркиби. Меваси мағзида эфир мойлари(линалоол, борнеол,геранол), ёғ (25-40%) аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Oleum Macistue –

Мускат ёғи.

Ишлатилиши. Халқ табобатида ошқозон фаолиятини яхшилаш воситаси сифатида қўлланилади. Замонавий табобатда ревматизмда, сийдик йўли шамоллашида, ҳамда газ ҳайдовчи ва спазмалитик восита сифатида ишлатилади.

**237. *Nasturtium fontanum* (Lam.) Aschtrs. – Жеруха ключевая – Қайтақигул, Настурциум [Brassicaceae Burnet (Crussifereae Juss.) – Капустные (Крестоцветные) – Карамдошлар].**



Қайтақигулнинг бир тури ўсади.

Лотин тилида “nastitortium” сўзини ўзгартирилган шакли бўлиб, “nasus” – бурун, “toguere” – азобламоқ маъносига.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисми сапонинлар, алкалоидлар, горчица ёғи 0,06%, тиогликозидлар, баргида витамин С,Е, каротин, уруғида ёғ 22-24% бор.

Доривор маҳсулоти: Nux Moschata et Semen Myristicae – Мускат ёнғоғи ва мағзи.

Ишлатилиши. Мускат ёнғоғи ошқозон-ичак фаолиятини яхшилашда қўлланилади. Диуретик, цингага қарши, иштаҳа очувчи хусусиятларга эга, суртма шаклида - липома ва сўгалларни йўқотишда қўллаш мумкин. Қайнатмаси – онкологияда, полип ва ўсма

касалликларини, шарбати – анемия, жигар, буйракда сийдик пуфагида тош бўлганда, пиелонефрит ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Франция, Италия, Венесуэла, Бразилия, Швецарияда официнал табобатда, гомеопатияда қўлланилади.

Франция, АҚШ ва Англияда сабзаёт экини сифатида экилади.

**238. *Nepeta rannonica* L.- Котовник венгерский – Зуфо, Можар зуфоси [Lamiaceae Lindl. (Labiatae Juss.) - Яснотковые(Губоцветные) - Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**



Lamiaceae оиласига мансуб (бир) ўсимликни Плиний шу ном билан атаган. Италиянинг Римга қаршли вилоятидаги Непет ёки Непете (ҳозирги Непи) шаҳри номи билан ҳам боғлайдилар. Тур халқ (можор -венгер) номи билан боғлиқ.

Кимёвий таркиби. Эфир мойлари (унинг таркибида кариофиллин, бурбонен) ва непеталактонлар мавжуд.

Ишлатилиши. Антиоксидант фаолликка эга.

**239. *Nerium oleander* L. – Олеандр обыкновенный - Самбитгул (Aprocnaceae Juss.- Кутровые – Кендирдошлар).**



Туркум маъноси ўсимликни табиий шароитда зах ерда (“neros”) – зах ўсишига ишора. Бизни шароитда хона ўсимлиги.

Тур номи “oleander”, лотинча “olea” – зайтун, юнон тилида “ander” – ботир, мард яъни барги зайтун дарахти баргига ўхшаш, қалин ва қаттиқ.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик баргидан юрак гликозидлари (олеандрин, адинерин), сапонинлар, гликозидлар (рутин), урсол кислота ажратилган.

Доривор махсулоти: Folium Oleandri – Самбитгул барги.

Ишлатилиши: Олеандрин, аденирин юрак гликозидлари юрак пороги, қон айланишларни бузилишлари ҳамда титроқ аритмиясида қўлланилади.

**240. *Nicotiana tabacum* L. – Табак настоящий – Тамаки, Чилим тамаки (Итузумдошлар – Solanaceae Juss.).**



Асосан тўрт тури экиб ўстирилади.

Туркум номи К.Линней томонидан тамаки уруғини Португалиядан Францияга юборган дипломат Жан Никот (Jean Nicot) шарафига аталган.

Тур номи “rustica” – оддий (қишлоқи) деган маънода, тамаки экилганда парвариши бошқа турларига нисбатан жўнроқ эканлигига ишора.

Кимёвий таркиби: Барг ва поясида алкалоидлар (никотин, никотоин, никотеллин ва б.), эфедрин, крахмал, органик кислоталар, эфир мойи бор.

Доривор маҳсулоти: Folium *Nicotianae* – Тамаки барги.

Ишлатилиши. Тамаки кислоталари олиш учун хом ашё.

**241. *Nigella arvensis* – Чернушка посевная - Қора седана (Айқтовондошлар – Ranunculaceae Juss.)**

Ўзбекистонда Седананинг икки тури ёввойи ҳолда, икки тури эса экиб ўстирилади.

Туркум номи латин тилида “niger” қора сўзини кичрайтирилган шакли.

G.Metthaeus седана номини *Sylvaticus* (“sylva” – ўрмон ўсимлиги) деб номлаган.

Экиб ўстирилгани учун “sativus” – эқмоқ дейилган.

Уруғи таркибида сапонинлар, алкалоидлар (нигеллицин), липидлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти : Semen *Nigellae* – Седана уруғи.

Ишлатилиши. Ўт ва гижжа ҳайдовчи восита.

**242. *Nigella damascena* L. – Чернушка дамасская – Дамашқ седанаси.**



Тур номи ўсимлик ўсган(ёки тавсифланган) жой.

Кимёвий таркиби. Уруғида алкалоидлар (дамасценин), эфир мойлари (0.5%), витамин Е ва ёғ бор.

Ишлатилиши. Уруғи гомеопатияда липолитик хусусиятга эга бўлган нигедаза ферменти олишда ва гомеопатияда ишлатилади.

**243. *Nymphaea candida* L, Presl. – Кувшинка чистобелая – Оқ нилуфар.  
(*Nymphaeaceae* Salisb. – Кувшинковые - Нилуфардошлар).**



Феофраст сув ўсимлигини шу ном билан атаган.

Тур маъноси – оқ – гули оқ рангли бўлганлиги учун аталган.

Кимёвий таркиби. Илдизи ва илдизпояларида крахмал (70% гача) ва алкалоидлар, қанд ва ошловчи моддалар бор.бор.

Доривор маҳсулоти: *Rhizomata Nymphaea* – Нилуфар илдизпояси.

Ишлатилиши. Уруғлари седатив хусусиятга эга. Хитой ва Ҳинд табобатида

ишлатилади. Здренко миктураси таркибида генекологик амалиётда замбуруғларга қарши қўлланилади.

**244. *Ocimum basilicum* L. Базилик обыкновенный –Оддий райхон –  
*Lamiaceae* Lindl. [*Labiatae* Juss.) (Ялпиздошлар ( Лабгулдошлар)].**



Туркум номи юнон тилида “ozein” ёки “окумон” сўзларидан олинган бўлиб, “ozo” – хушбўй хид таратмоқ маъносида.

Тур “*gratissimum*” – ёқимли, “*menthifolium*” – ялпиз баргли номлар ҳам ўсимлик ҳидини ёки барги шаклини ифодалайди.

Ўзбекистонда *O.basilicum* тури ва навлари ўстирилади.

Ўсимликда эфир мойи ,(метилхавикол, эвгенол, ва б), камфора каби моддалар мавжуд..

Доривор маҳсулоти : *Folium Ocimi* – Райхон барглари.

Ишлатилиши. Эфир мойидан олинадиган эвгинол бактерицид ва дезинфекцияловчи ҳамда ароматик хусусиятга эга.

**245. *Ononis antiquorum* L. – Стальник древних – Дала онониси  
(*Fabaceae* Lindl. (*Leguminosae* Juss.)- (Бурчокдошлар (Дуккакдошлар).**

Туркум номи юнон тилида “onos” –эшак. Диоскорид ўсимликни шу номда келтириб, эшаклар ўсимлик новдасиниистемол қилишини ифодаласа, тур номи “*arvensis*” – дала, “*hirsinus*” - эчки”(ҳиди) маъносида.

Ўзбекистонда *O. antiquorum* тури ўсади.

Илдизи таркибида флавоноидлар (онозид, даидзеин, формононетин), трифолиризин бор.

Доривор маҳсулот: *Radix ononidis* – Ононис илдизлари.

Ишлатилиши. Қон тўхтатувчи, диуретик ҳамда ичак фаолиятини яхшиловчи восита. Дамламаси буйрак ва қовуқ касалликларини даволашда, бош оғриғини қолдиришда ишлатилади.

**245. *Nuphar Luteum (L.) Sm.* - Кубышка желтая- Сарик нилуфар (Nymphaeaceae – Кувшинковые- Нилуфардошлар).**



Туркум номи антик муаллифлар Аристотель, Диоскорид асарларида келтирилган. Тахминларга кўра ном арабча “nanfar”- ялтироқ, кўк маънода- мевасини ранги ва ялтироқлиги билан боғлиқ.

Тур номи гулини сарик (*lutea*) рангини ифодалайди.

Кимёвий таркиби. Илдизпоясида ошловчи моддалар, алкалоидлар, крахмал, сахароза каби бирикмалар аниқланган.

Доривор маҳсулоти. *Rhizomata Nupharis lutei*-Нуфар илдизпояси.

Ишлатилиши: Здренко микстураси ҳамда таркибида сурункали трихоманада касаллигини даволашда, хомиладорликни олдини олишда қўлланилади.

**246. *Onopordum acanthium L.* – Татарник обыкновенный - Оққаррак (Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые (Сложноцветные) – Қоқиўтдошлар (Мураккабгулдошлар).**



Туркум номи юнон тилида “*onos*” - эшак ва “*pordon*” - ел ҳайдовчи ўсимлик маъносига эга.

Тур номи тиканли бўлганлиги учун аталган “*acantha*” лотин тилида тикан.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида алкалоидлар, лактонлар (сесквитерпен, аркциопикрин), витаминлар (С, К), қандлар, органик кислоталар, ошловчи моддалар бор. Уруғида 16-17% ёғ бор.

Доривор маҳсулоти: *Herba Onopordonii* - Оққаррак ўти.

Ишлатилиши: Ер устки қисмининг доривор препаратлари юрак ишини яхшиловчи, сийдик ҳайдовчи, қон оқишини тўхтатувчи ҳамда бактерицид таъсирга эга.

**247. *Orchis latifolia* L. – Клубни ятрышника широколистного-Кенгбаргли солаб (Солабдошлар – *Orchidaceae* Juss.).**

Туркум номи юнонча “orchis” – тухум, туганакларини юмалоқ шакли учун берилган.

Тур номи “latifolius” эса “latus” – кенг, “folium” – барг шаклини ифодалайди.

Ўзбекистонда бошқа турлар (*O. magna*, *O. pseudolaxiflora*, *O. umbrosa*) ўсади.

Кимёвий таркиби. Илдизида углеводлар (крахмал, декстрин, сахароза), эфир мойлари, аччиқ моддалар, ер устки қисмида – витамин С, каротин, пектинлар, флавоноидлар, кумаринлар, ва бошқа моддалар мавжуд.

Ишлатилиши. Болаларда учрайдиган касалликларда, асаб ва дизентереяда фойдаланилади. Жинсий қувватни оширади. Касалликдан кейин тикланиш, сил касалигида ҳам ишлатилади.

**248. *Orchis umbrosa* Kar. et Kir.- Ятрышник тенистый – Солаб, Соя солаби**



Тур номи “umbrosa” ўсимликни серсув ёки сернам ерда, ўрмонда ўсганлиги учун аталган.

Кимёвий таркиби. Туганаги таркибида крахмал, қандлар, минерал тузлар, эфир мойи, аччиқ ва шиллик моддалар, полисахаридлар, оксил аниқланган.

Доривор маҳсулоти: *Tuber Orchisi umbrosae* - Солаб туганаги.

Ишлатилиши: Солаб туганагининг доривор препарати гастрит ва меъда ичак касалликларида ўраб олувчи дори сифатида ҳамда баъзи кимёвий моддалар билан захарланганда қўлланилади.

**249. *Origanum vulgare* L. – Душица обыкновенная – Тоғрайхон, Оддий тоғрайхон. [*Lamiaceae* Lindl. (*Labiatae* Juss.) - Яснотковые (Губоцветные) - Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**



Ўзбекистонда ҳам шу тур ўсади.

Юнон тилида туркум “origanon” номи билан антик муаллифлар Аристофан, Аристотель, Диоскоридлар асарларида келтирилган бўлиб, “oros” – тоғ, “ganymai” – хурсанд бўлмоқ, суюнмоқ маъносида. Ўсимлик тоғда ўсган ва кишиларга хурсандчилик келтирган экан. Бошқа бир талқинда “hogao” – кўрмоқ, “ganoo” – равшан

қилмоқ, ялтиратмоқ – кўзга шифо эканлиги назарда тутилган.

Тур номи “vulgare” – оддий, тарқалишига ишора .

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида эфир мойи, витаминлар, тритерпен кислоталар, ошловчи моддалар, уруғида мой мавжуд.

Доривор маҳсулоти: Herba Origani – Тоғрайхон ўти.

Ишлатилиши: Ўсимлик ер устки дамламаси йўталга қарши восита бўлиб балғам кўчириш хусусиятига, эфир мойлари эса яллиғланишда микробларга қарши ҳамда оғриқ қолдирувчи таъсирга эга. Шунингдек ўти кўкрак юмшатувчи ва терлатувчи йиғмалар таркибига киради.

### **251. *Orthosiphon stamineus* Benth. Почечный чай – Буйрактош ўти– [Lamiaceae Lindl. ( Labiatae Juss. (Ялпиздошлар (Лабгулдошлар))].**



Ўсимлик ёввойи ҳолда Жанубий-Шарқий Австралияда ўсади, ҳамда субтропик ҳудудлар ва Ботаника боғларида ўстирилади. Туркум номи юнон тилида “orthos” – тўғри, тик, “siphon” – икки лабли, гултожларини най кўринишида эканлигига ишора.

Тур номи “stamineus” – чангчилари узун ва ипсимон эканлиги учун аталган.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик ер устки қисми таркибида тритерпенлар, сапонинлар, гликозидлар эфир мойи, органик кислоталар, ошловчи моддалар ҳамда калий тузлари

аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Folium Orthosiphonis – Буйрактош ўти барглари.

Ишлатилиши: Ўсимлик барглари дамламаси сийдик ҳайдаш хусусиятига эга бўлиб, буйракдаги тошларни туширишда, холецистит ва бод (подагра) касалликларини даволашда қўлланилади.

### **252. *Oryza sativa* L. – Рис посевной – Экиладиган шоли [Poaceae Bernhart (Graminea Juss.) – Злаки - Буғдойдошлар (Ғалладошлар)].**



Феофраст шolini шу ном билан атаган. Айтишларича шolidан юнонлар Македонияли Александр (Искандар) харбий юришларида воқиф бўлганлар. Қадимий форс тилида “brizi” ва арабча “arguz” номи билан кейинчалик Европа тилларига ўтган.

Тур номи “sativa” – экиб ўстирилишига ишора.

Кимёвий таркиби. Гуруч таркибида оксил, крахмал, мой (олеин, линолен, пальматин) , турли витаминлар бор.

Доривор маҳсулоти: Fructus Oryzae – Шоли дони (гуруч).

Ишлатилиши. Донидан крахмал олинади.

**253. *Padus racemosa* (Lam.) Gilib. – Черемуха обыкновенная - Оддий шумурт (Rosaceae Juss. – Розоцветные - Раънодошлар).**



Туркум номини Феофраст келтирган бўлиб, юнон тилида “pados” – Шимолий Италиядаги По дарёси номи билан боғлиқ экан.

Тур номи “racemosus” – сермева, шода, ўсимлик гули ва мевасини эгилган қалин шингилига ишора.

Кимёвий таркиби. Мевасида ошловчи моддалар , қандлар , кислоталар, (олма, лимон), гликозидлар (амигдалин) бор.

Доривор маҳсулоти: а ) Fructus Padi. – Шумурт мевалари.

б ) Flores Padi.- Шумурт гуллари.

Ишлатилиши. Мева дамламаси ич кетишини даволашда қўлланилади, ҳамда меъда-ичак касалликларида ишлатиладиган буриштирувчи чойлар-йиғмалар таркибига киради. Гуллари фитонцид хусусиятга эга

бўлгани туфайли намланган дока билан кўзга босилади.

**254. *Paeonia anomala* L.- Пион обыкновенный, Оддий саллагул, Пион (Paeoniaceae Rudolphi - Пионовые – Саллагулдошлар).**



Туркум номи Феофраст асарида юнон тилида “paionios” – доривор, шифоли маънода келтирилган. Юнон афсонасида шифокорлар илохи Пеон ўсимлик илдизи билан Геркулес томонидан ярадор қилинган Плутон ярасини даволаган экан.

Тур номи “anomala” юнонча “anomalos” – нотекис, гулини бир томонга эгилганига ишора бўлса керак.

Кимёвий таркиби. Таркибида эфир мойи, гликозид (салицин), кислоталар, сапонинлар, қандлар, витаминлар , ошловчи моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: а ) *Herba Paeoniae*.- Саллагул ўти.

б ) *Rhizoma et radix Paeoniae anomalae* – Саллагул илдизпоялари ва илдизлари.

Ишлатилиши. Ўсимлик ўти ва илдизидан тайёрланган тинктура асаб системаси бузулишида, неврастения хасталиги ва уйқусизликда тинчлантирувчи восита.

### 255. *P. intermedia* С.А.Мей. Пион средний – Оралик Саллагул.



Тур номи “*intermedia*”- ўртача, оралик маъносида.

Кимёвий таркиби. Монотерпеноидлар лактифлорин, антоцианлар (3-глюкозид ва 3,5-дигликозид цианидин), углеводлар (крахмал, қандлар), эфир мойлари, иридоид ва гликозидлар, ошловчи моддалар, сапонинлар, алкалоид ва микроэлементлар бор.

Доривор маҳсулоти:

а) *Herba Paeoniae*- Саллагул ўти.

б) *Radix Paeoniae*- Саллагул илдизи.

Ишлатилиши. Тиббиётда Саллагул препарати нерв системасининг функционал бузилишида, уйқусизликда тинчлантирувчи

восита сифатида ишлатилади.

### 256. *Papaver somniferum* L. - Мак снатворный –Кайфбахш кўкнори (*Papaveraceae* Juss. - Маковые – Кўкнордошлар).

Туркум номи (*Papaver*) лотин тилидан олинган бўлиб, “*papa*” – болалар бўтқаси, “*ver*” - хақиқий деган маънони англатади.

Туркум номи (*Papaver*) лотин тилидан олинган бўлиб, “*papa*” – болалар бўтқаси, “*ver*” - хақиқий деган маънони англатади.



Тур номи ҳам лотинча “*somnus*” – уйқу, “*fero*” – олиб бормоқ, етказмоқ маъносида. Нақл қилишинича кўкнор тангри томонидан яратилган бўлиб, уйқу ва унитиш гули ҳисобланар эмиш.

Кўкнор ватани Кичик Осиё бўлиб, юнонларга эса Қора денгиз орқали келган. Кўкнорни экиб ўстирилиши ҳақида илк бор Вергилий маълумот берган.

Кимёвий таркиби. Ўсимликда асосан изохинолин алкалоидлар (морфин, кодеин, папаверин ва б), уруғида мой (линол, олеин) бор.

Доривор маҳсулоти: а ) *Capita Papaveris* – Кўкнор кўсаги.

Б ) *Orium* – Кўкнор кўсаги.

Ишлатилиши. Кўкнор кўсаги ва афьюн таркибидаги алкалоидлар (папаверин, морфин) тиббиётда спазмолитик ва оғриқ қолдирувчи восита сифатида қўлланилади. Уйқусизликда, қулоқ оғришида, йўталда, қон айланишида, сурункали ич кетишда фойдаланилади.

**257. *Papaver pavoninum* Schrenk. - Мак павлиний – Лола қизғалдоқ (Papaveraceae Juss. - Маковые – Кўкнордошлар).**



Тур номи ҳам ўсимлик гуллаган пайтда товусдек товланишига ишора.

Кимёвий таркиби. Алкалоидлар – протопин, аллокриптопин, ремеридин сақлайди.

Ишлатилиши. Тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, йўталга қарши, ич кетишга қарши кабиларда фойдаланилади.

**259. *Parietaria officinalis* L. – Постенница аптечная - Деворўт (Газандадошлар – Urticaceae Endl.)**



Туркум номи латин тилидаги “*parietarius*” – девор, деворда ўсувчи маъносида бўлиб, ўсимликни ўсиш жойи (қоялар ёриғида, тошли ерларда) билан боғлиқ. Тур номи “*officinalis*” эса дориворлик хусусиятини кўрсатади. Ўзбекистонда деворўтнинг бошқа турлари (*P.judaica* Strana, *P.micrantha*, *P.serbica* Panc) ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимликда фенолкарбон кислоталар, ошловчи моддалар, флавоноидлар ва гетероциклик

бирикмалар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: *Herba Parietariae*- Девор ўти.

Ишлатилиши: Таркибида ошловчи ва аччиқ моддалар мавжуд. Тинктураларга қўшилади.

**260. *Pastinaca sativa* L.- Пастернак пасивной – Экма (оддий) пастернак [Зирадошлар (Соябонгулдошлар)- *Apiaceae* Lindl. (*Umbelliferae* Juss.)].**



Экиб ўстириладиган ўсимлик.

Туркум номи латинча “pastus” - овқат, ем- хашак ёки “pastinus” - хайдалган ва экин экилган ер. Ўсимлик фақат экиб ўстирилгани боис тур номи ҳам “sativus”- экин маъносини билдиради.

Лекин римликлар “pastinaca” номида бошқа ўсимликларни жумладан, сабзини ҳам атаган эканлар.

Кимёвий таркиби. Меваси таркибида эфир мойи, флавоноидлар рутин, пастернозид, фурукумаринлар (пастинацин, бергаптен), ёғ ва бошқа моддалар аниқланган

Доривор маҳсулоти: Fructus Pastinaceae- Пастернак меваси ва уруғи.

Доривор препаратлари (Pastinacinum, Beroghanum) кўкрак қисиши, невроз, буйрак жигар ва меъда-ичак касалликларини даволашда қўлланилади.

**261. *Persica vulgaris* Mill. - Персик обыкновенный- Тукли шафтоли. (*Rosaceae* Juss Раънодошлар).**



Флорада шафтолини 6 тури келтирилган.

Туркум форс олмаси Malum –persicum номи билан юнон ва рим ёзувчилари асарларида келтирилган, “persicos”- форс деб аталиши шафтоли Европага Эрондан олиб келинган экан

Турни “vulgaris” – оддий дейилишини тарқалишини ифодалайди.

Кимёвий таркиби. Уруғи (мағзи) таркибида мой, эфир мойи, гликозид (амигдалин), ферментлар, мевасининг юмшоқ қисмида каритонидлар, қандлар, органик кислоталар, пектин каби моддалар

мавжуд.

Доривор маҳсулоти: Semen Persici- шафтоли (данаги) мағзи.

Ишлатилиши: Мойи фармацевтика амалиётида суртмалар, дорилар тайёрлашда ҳамда айрим дори моддаларини ва витаминларни эритишда қўлланилади.

**262. *Petroselinum crispum* (Mill.) Num.-Петрушка кудрявая- Оддий петрушка [Зирадошлар (Соябондошлар) - Apiaceae Lindl. (Umbelliferae Juss.)].**



Экиб ўстирилади.

Диоскорид, Плиний каби муаллифлар асарларида ўсимлик “petroselinon” деб номланган. Юнон тилида “ petros” тош, “selinon” тож, гулчамбар. Қадимда римликлар петрушка ва карафси (Apium) фарк қилишмасдан бир номда аташиб таом сифатида ишлатганлар. Хушбўй хидли баргларидан эса тоже (гулчамбар) ясашиб, олимпия ўйинларида ғолибларни табриклашганлар.

Тур номи *crispum* – жингалак маъносида ўсимликни илдиз бўғзигача шохланишига ишора.

Кимёвий таркиби. Уруғидан эфир мойи, флавоноидлар, лютелин, апигенин, апеин, баргидан ва илдизидан эфир мойи, флаваноидлар витамин С аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Fructus Petroselini- Петрушка мевалари.

Ишлатилиши: Уруғи дамламасидан турли йиғмалар, чойлар таркибида сийдик йўллари ва буйракда тош пайдо бўлганида сийдик хайдовчи восита сифатида ишлатилади.

**263. *Peucedanum marissonii* Bess.-Горичник Мориссона - Тахирўт [Зирадошлар (Соябонгулдошлар)- Apiaceae Lind. (Umbelliferae Juss)].**

Туркум номи юнон тилида икки сўздан иборат бўлиб, ”peucedanos” тиканли, ўткир (қарағай барглари каби) хидли ва аччиқ таъм, “peke”- юнонча қарағай, “nanos”- пакана чунки ўсимликдан қарағай каби (елим) ҳам олишганлар.

Morissoni англиз ботаниги Роберт Мориссан номи билан аталган.

Ўзбекистонда тахирўтнинг бошқа турлари (*P.mogeltavicum* Eug. Kor. *P. polyanthum* Eug. Kor, *P.transiliense* Herd. ) ўсади.

Кимёвий таркиби. Илдизи таркибида, углеводлар, кумаринлар (пеucedанин, бергапен, флавоноидлар (кверцетин, рутин), гулларида флавоноидлар, баргида кумаринлар, мевасида эфир мойи, флавоноидлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Radix Peucedani-Тахирўт илдизи.

Ишлатилиши: Ўсимлик илдизидан олинадан препарат тиофосфамиднинг қорасон (рак) касаллигига қарши таъсирини оширади.

**264. *Peganum harmala* L.- Гармала обыкновенная – Исирик, Оддий исирик. (Peganaceae (Engl.) Tigh. ex Takht.- Гармаловые – Исирикдошлар).**



Бир турдан иборат.


Юнон тилидаги “peganon” номи билан Диоскорид ўрмон рутаси ўсимлигини атаган, “harmal” – исирикни арабча номи.

Кимёвий таркиби. Алкалоидлар: гармин, дезоксивазицион, вазицион, баргида флавоноидлар, (пеганитин) мавжуд. Уруғидан тритерпеноидлар, стероидмоддалар, алкалоидлар, антрахинонлар ажратиб олинган.

Доривор маҳсулоти: *Herba Pegani harmalae* – Исирик ўти.

Ишлатилиши: Ер устки қисмидан ажратилган дезоксипеганин гидрохлорид препарати антихолиностераз хусусиятли илмий тиббиётда ишлатилади. Ер устки қисмидан олинган препарат неврит, миостения касалликларини даволашда, гармин алкалоиди паркинсон ҳасталигини даволашда ишлатилади.

**265. *Perovskia angustifolia* Kar. - Перовския узколистная – Хапри, Ингичка барг хапри, [Lamiaceae Lindl.(Labiatae Juss.) – Яснотковые(Губоцветные) – Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**



Ўзбекистонда хапрининг икки тури ўсади.

ТуркумТуркистон ўлкасида жамоат арбоби бўлган Б.А.Перов номи билан аталган, “angustifolia”- ингичка ва узунбарг демак.

Кимёвий таркиби. Таркибида эфир мойлари (0,1-0,6%), органик кислоталар мавжуд.

Ишлатилиши. Настойкаси, экстракти – антибактериал фаоллика эга. Тожикистонда қайнатмаси – гижжага қарши ишлатилади.

**266. *P. scrophularifolia* Bunge – Перовска норичниковолистная – Мухаллиссимон баргли хапри.**

Тур номи барги муҳаллис баргига ўхшаганлиги учун аталган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида эфир мойи (камперон, цинеол, борнеол, линеол), кумаринлар, флавоноидлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: *Herba Perovskiae*-Хапри ўти.

Ишлатилиши. Ер устки қисми настойкаси ва дамламасидан тайёрланган суртма бактерицид таъсирга эга.

**267. *Phellodendron amurense* Rupr. Бархат Амура - Амур бархати.  
Пўкак дарахти (Rutaceae Juss-Тошбақатолдошлар)**



Юнон тилида “phellos” –пўстлоқ, “dendron” – дарахт, чунки пўстлоғи духобанинг қалин қатлами каби. Тур номи “amurense” – географик ўсиш жойи (Узоқ шарқ, Амур ўлкаси).

Ўзбекистонда Тошкентда Ботаника боғида ўстирилади.

Доривор маҳсулоти: Suber Phello dendronii -Бархат пўкаги хориждан келтириладиган пўкак ўрнида ишлатилади.

Кимёвий таркиби. Таркибида изохинолин алколоидлари (берберин), кумаринлар, сапонинлар ошловчи моддалар бор.

Ишлатилиши. Бархатпўкаги берберин алкалоиди олиш учун қўшимча ашё.

**268. *Phlomis pungens* Willd. –Зопник колючий- Қўзиқулоқ, Тиканли қўзиқулоқ. [Lamiaceae Lindl. (Labitae Juss.)- Яснотковые (Губоцветные) – Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**



Республика флорасида 20дан зиёд тури маълум.

Тур номи юнонча “phlox” - олов, аланга, баъзи турларини сертук қалин барглари шам ўрнида ишлатилган. Плиний каби муаллифлар ўсимликни шу номда келтиришган.

Тур номи “pungera” ёрмоқ, майдаламоқ маъносида, гулолди баргларини ўткир учли ва қалами-бигизсимон эканлигига ишора. Ўзбекистонда Қўзиқулоқнинг 20 зиёд

турлари ўсади.

Кимёвий таркиби. Қўзиқулоқ турларида асосан, иридоидлар, флавоноидлар, эфир мойи аниқланган. Халқ табобатида ўсимлик қайнатмаси сурункали гастрит, меъда яраси бронхит каби касалликларни даволашда ишлатилади.

Доривор маҳсулоти: Herba Phlomisidis- Қўзиқулоқ ўти.

Ишлатилиши: Ўсимлик Здренко йиғмаси таркибига қўшилади

**269. *Phytolacca americana* L.- Лаконос американский – Минггул,  
фитолакка (Минггулдошлар-Phytolaccaceae R. Br.)**



Юнон тилида туркум номи “phyton” – ўсимлик, “ласса” – италянлар тилида бўёк ёки елимни бир тури. (тахминларга кўра “lak” арабча сўз).

Тур номи “americana” – ўсимлик ватани. Ўзбекистонда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун бегона ўт сифатида келтирилган.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик илдизида алкалоидлар эфир мойи, барги ва илдизида тритерпен сапонинлар бор.

Доривор маҳсулоти: а ) Radix

*Phytolaccae americanae* – Минггулни янги илдизлари.

б ) Folium *Phytolaccae* – Минггул барглари.

Ишлатилиши: Ўсимлик радикулитни даволашда кўлланиладиган комплекс препаратлар таркибига кўшилади. Авваллари илдизи настойкаси “Акофит” ва “Эхинор” препаратларига кўшилар эди.

**270. *Pinus silvestris* L. – Сосна обыкновенная – Оддий қарағай  
(Pinaceae Lindl.- Қарағайдошлар).**



Ўзбекистон флорасида тўрт номи келтирилган. Туркум хиндулар тилида Деодар номи билан тангри дарахти маъносини билдиради., чунки Қарағай аксарият ибодатхоналар атрофига экилган. Бошқа бир талқинда кельт халқи тилида “pin” – тоғ , қоя , яни қарағайни тоғдаги қояларда ўсишига ишора.

Тур номи “silvester” – ўрмон, ўсиш жойи.

Кимёвий таркиби. Илдизи ва ёғочида эфир мойи , углеводлар, флавоноидлар, диторпеноидлар, фенилкарбон кислоталар, пўстлоғида монотерпеноидлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: а) Gemmae Pini seu turiones Pini – Қарағай куртаклари ва новдалари.

б) Folium acerosum seu folium Pini – Қарағай нинабарглари,

в) Terebinthna communis – Қарағай сақичи,

г) Lignum Pini – Қарағай ёғочи.

Ишлатилиши: Қарағай куртаклари тинктураси нафас олишни енгиллаштириш ҳамда сийдик ҳайдаш хусусиятига эга.

Янги нинабарглари турли витаминли концентратлар микстуралар , экстрактлар ва мойлар таркибига қўшилади. Сакичидан олинган скипидар ва терпентин мойи турли суртмалар, линиментлар ва бальзамларга қўшилади.

Ёғочидан скипидар, кўмир, қорамой олинади. Қарағай қорамойи экзема, кўтирни даволаш учун турли суртмаларга қўшилади.

**270a. *Piper nigrum L.*- Перец черный – Қора муруч(Piperaceae  
С.А.Агардһ – Мурчдошлар).**

Туркум номи “piper” лотинча – мурч, тур номи “niger”- қора – мевасини ранги (оқ муруч ҳам бор). Қора муруч тропик мамлакатлар (Ҳиндистон, Индонезия, Шри Ланка, Ғарбий ва Жанубий Африка каби)даўсадиган (экиб ўстириладиган лиана).

Кимёвий таркиби. Уруғи (дони) таркибида эфир мойи, алкалоид (пиперин), мой, крахмал каби моддалар бор.

Доривор маҳсулоти. Fructus Piperis nigri – Қора муруч меваси.

Ишлатилиши: Мевасини майдаланган кукуни (порошок) маргумушли ҳабдори (пилюла) таркибига киради.

**271. *Pistacia vera L.*- Фисташка настоящая, Писта , Ҳандон писта  
(Пистадошлар – Anacardiaceae Lindl.).**



Республикада писта бир турдан иборат.

Туркум номи юнон тилида “pistakia” сўзини лотинчалашган шакли ёки “pissa” , “pitta” – қатрон, елим. Айримлар фикрича “писта” ёки “пста” форс тилидаги номдан олинган бўлиб бутун шарқда қабул қилинган, кейинчалик эса бироз ўзгартирилган ҳолда Европа халқлари тилига ўтган.

Тур номи “vera”, “verus” – чин, ҳақиқий маънода.

Кимёвий таркиби. Баргидаги бузғунч таркибида ошловчи (танин) моддалар, витамин С, органик кислоталар, уруғида ёғ бор.

Доривор маҳсулоти: Gallae Pistaciae – Писта ғуддалари (бузғунчаси)

Ишлатилиши: Бузғунчасидан олинган танин буриштирувчи, антисептик ва яллиғланишга қарши ишлатилади. Доривор препаратлари таблетка кўринишида меъда ичак касалликларини (колит, интерит, ич кетиши) даволашда қўлланилади.

Турли дорилар билан заҳарланганда танин эритмаси ичирилади.

**272. *Plantago major* L. - Подорожник большой - Зубтурум, Катта зубтурум. ( Plantaginaceae Juss.- Зубтурумдошлар).**



Ўзбекистонда Зубтурумнинг 5 тури ўсади.

Туркум лотин тилида “planta” – товон, “agere” – йўналтирмақ, бошқармақ сўзларини ифодалайди. Ўсимлик барглари ерга ёпишган ҳолда одам изларини эслатади. Тур номи ўсимлик йирик баргли бўлгани учун “major” – катта деб аталган.

Кимёвий таркиби. Барги таркибида аукубин гликозиди, аччиқ, ошловчи ва шиллиқ моддалар, флавоноидлар (апигенин, лютеолин), витаминлар (каротин), аскорбин ва лимон кислоталар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Folia Plantaginis majoris recens – Зубтурум янги (қуритилмаган) барглари.

Ишлатилиши. “Зубтурум шарбати” ва плантастин деб номланган препаратлар метастазага қарши амалий тиббиётга тавсия этилган.

**273. *P.lanceolata* L. - П.Ланцетный – Баргизуб.**



Тур номи барги шакли наштарсимон бўлгани сабаб “lanceolatus” деб аталган.

Кимёвий таркиби. Барги ва ер устки қисмидан эфир мойи, сапонинлар, гликозидлар, витаминлар (С,К), флавоноидлар, ошловчи моддалар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: а) Folium Plantaginum – Баргизуб барглари

б) Herba Plantaginis recens – Баргизуб ўти.

Ўсимлик барги (катта зубтурум) ёки ер устки қисмида тайёрланган препарат (плантаглюцид) меъда-ичак, йўғон ичак, ўн икки бармоқ ичак яллиғланишини, йўталга қарши ишлатиладиган

йиғмалар таркибига қўшилади.

Ишлатилиши. Катта зубтурум каби хусусиятга эга.

**275. *Physalis alkekengi* L. – Физалис обыкновенный. – Пақ-пақ, Оддий пақ-пақ. (Solanaceae Juss.- Пасленовые – Итузумдошлар).**



Пақ-пақ турдан иборат.

Туркум номи юнонча “physalis”- пуфак, меваси пуфаксимон шишган, тур номи оддий маънода.

Кимёвий таркиби. Алкалоидлар: физолактон, иксокарполоктон А, В илдизи ва ер устки қисмида фигрин аниқланган.

Ишлатилиши. *Ph.angulata* номли турини ер устки қисмидан ажратилган витаноидлар тажрибада шамоллашга қарши таъсирга эга эканлиги аниқланган.

**276. *Pimpinella anisum* L.(*Anisum vulgare* Gaertn.) – Анис обыкновенный – Арпабодиён , Аниссимон арпабодиён *Apiaceae* Lindl. (*Umbelliferae* Juss.) – Сельдерейные (Зонтичные) – Зирадошлар (Соябонгулдошлар)).**

Туркум номи *Pimpinella* лотинча “*bipennula*” сўзини ўзгартирилган шакли бўлиб “*bis*” – икки, иккибор “*pennula*” пат, пар маъносида юқоридаги барглари иккибор патсимон бўлинганига нисбат. Баъзилар немис тилидаги сўзини “*bibinella*” сўзини “*beben*” – қалтирамоқ, силкинмоқ маъноси билан ифодалаб тўпгулларини титраб туришини назарда тутилган бўлса эҳтимол.

*Anis* юнонча “*anison*” сўзидан олинган, шу маънода антик муаллифлар асарларида келтирилган.

Тур номи “*vulgaris*” – оддий яъни ўсимликни ҳар ерда тарқалишини билдиради.

Илдизи ва ер устки қисмида кумаринлар (умбеллиферон), флавоноидлар (рутин, кверцетин) мавжуд.

Доривор махсулоти: *Fructus Anisi vulgaris* – Арпабодиён меваси (дони). Ўсимлик турли йиғмалар ва микстуралар таркибига киради, шунингдек мевасидан олинадиган эфир мойи какао мойи ўрнида ишлатилиб, балғам кўчирувчи, ичак фаолиятини яхшиловчи хусусиятларга эга. Эфир мойи доришуносликда дори таъмини яхшилашда ва парфюмерияда ишлатилади.

**277. *Polemonium coeruleum* L. – Синюха голубая – Зангори полемониум (*Polemoniaceae* Juss. – Полемониядошлар).**



Туркум номи Плиний маълумотида юнон тилида “polemos”-“уруш”, “жанг” маъноларига эга бўлиб, икки хукмдор Полемон ва Филетайр шифобахш ўсимлик хосиятини қайси бири топганлигини ҳал қилиш учун жанжаллашган эмиш. Шу аснода ғолиб Полемон номи қўйилган бўлса эҳтимол. Бошқа бир талқинда юнон файласуфи Полемон номи дейилган.

Тур ўсимлик гулини кўкимтир (“coeruleum”) рангги учун аталган. Ўсимлик Ўрта Осиёда (Тиён-Шон, Жунғор тоғлари) тарқалган.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик илдизи ва илдизпоясида сапонинлар, органик кислоталар, эфир мойи, ёғ (уруғида) аниқланган.

Доривор маҳсулоти. *Rhizomata cum radicibus Polemonii*- Полемониум илдизи билан илдизпояси.

Ишлатилиши. Ўсимлик препаратлари балғам кўчирувчи, нерв ва асабий касалликларида марказий нерв системасини тинчлантирувчи восита.

**278. *Polygala hybrida* L.- Истод гибридый - Дурагай истод – Қайиқчагул.(*Polygalaceae* R.Br. – Истодовые-Қайиқчагулдошлар).**



Плиний, Диоскорид, Гален каби антик муаллифлар ўсимликни шу номда келтиришган. Юнон тилида “polys”- кўп, “gala”- сут, чунки ўсимлик кўп ўсадиган яйловларда қора молларни сути кўпаяркан.

Доривор турлари – *P.senega*, *P.sibirica*.

Ўзбекистонда битта тур – *P.gybrida* ўсади.

Тур номи “senega” Шимолий Америкадаги ўсимлик илдизи дамламасини ҳиндулар тилидаги номи, “sibirica”- ўсимлик ўсган ҳудуд.

Кимёвий таркиби. Қайиқчагул турларида (*P.amarella*, *P.sibirica*, *P.tenuifolia*) ароматик бирикмалар, флфвоноидлар (гармон, перлолирин), органик кислоталар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: *Radix Polygalae* – Қайиқчагул илдизлари.

Ишлатилиши. Ўсимлик илдизининг қайнатмаси ва дамламаси балғам кўчирувчи восита.

**279. *Polygonum aviculare* L.- Горец птичий, спорыш – Куш, Торон, Қизил тасма (*Polygonaceae* Lindl. - Гречишные – Торондошлар).**



Туркум юнон тилида “polys”- кўп, “gony” - бўғин номи билан Гипократ, Диоскорид ва Гален асарларида келтирилган. Ўсимлик пояси қатор тугунлар иборат бўлиб, оралиғида бўғинлар жойлашган. Тур номи “avicularis”- ўсимлик уруғи кушларга дон бўлгани учун аталган.

Ўзбекистонда Тороннинг 45 тури ўсади.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида флавоноидлар (авикуларин, гиперозид), эфир мойи, витамин (С, К), сапонинлар, кумарин ва шиллик моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: *Herba Polygoni avicularis* – Кушторон ўти.

Ишлатилиши. Кушторонининг доривор препаратлари буйрак хасталикларини (буйрак тоши) даволашда, гинекология амалиётида қўлланилади. Маҳсулот Здренко йиғмаси таркибига киради.

**280. *P. hydropiper* L. – Горец перечный - Сувзамчи, Келин тили.**



Тур номи юнон тилида “hydor”, “hydra” – сув, “piper” – қалампир, ўсимлик сернам ерларда, сув бўйларида ўсганлиги, ҳамда қалампир каби аччиқ таъмга эга эканлигига ишора.

Кимёвий таркиби. Таркибида флавоноидлар (рутин, кверцитрин ва б.), гликозидлар, эфир мойи, органик кислоталар, флавоноллар (изорамнетин, рамназин) витаминлар (К, С, Е), кандлар, ошловчи моддалар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: *Herba Polygoni hydropiperis* – Сувзамчи ўти. Ишлатилиши. Экстракти ва дамламаси ички қон оқшини тўхтатишда ишлатилади. Анестезол шамлари таркибига ҳам кўшилади.

**281. *P. nitens* T.Petr. – Горец красивый –Ерқўноқ, Бежирим торон.**

Тур номи “niteo” лотин тилида жилва қилиш маъносида ўсимлик кўринишига (бошоқчаси пуштиранг) нисбат.

Кимёвий таркиби. Ерқўноқ илдизида катехинлар, ошловчи моддалар, антрохинонлар, баргларида флавоноидлар (кемпферол) кверцетин), антоцианлар (ционидин) каби моддалар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Rhizoma Polygoni nitensis – Ерқўноқ бошоқчаси илдизпоyasi.

Ишлатилиши. Ўсимлик илдизи дамламаси ва суюқ экстракти ўткир ва сурункали колит ва энтеритларни даволашда буруштирувчи таъсирга эга.

### 282. *P. persicaria* L. – Горец почечуйный - Шафтолибарг торон.



Тур номи барглари шафтоли (*persica*) баргига ўхшаганлиги учун аталган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида эфир мойи, флавоноидлар (авикулярин, гиперин), баргларида ҳам флавоноидлар (кемпферол, кверцитин, гиперин) шиллик моддалар, қандлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Herba Polygoni Persicariae - Шафтолибарг торон ўти.

Ишлатилиши. Ер устки қисми дамламаси ва суюқ экстракти қабзиятда енгил сурги, қон оқишини (бачадонда) тўхтатувчи восита ҳамда бавосил касаллигини даволашда ишлатилади.

### 283. *P. coriaryum* – Таран дубильный – Ошловчи торон.

Тур номи ўсимлик терини ошлашда ишлатилгани учун аталган. Юнон тилида “полис” – кўп, “гонос” - бўғин, яъни кўп бўғинли. Диоскорид “полигонон” - номи билан келтирган..

Кимёвий таркиби. Илдизида 35% гача ошловчи крахмал, қанд моддалар бор.

Ишлатилиши. Фитопрепаратлари диабетга қарши таъсирга эга. Проантоницианидлари - гипохолестеринемик ва гипотриглицеридемик таъсирга эга бўлиб, қон томир деворлари мустаҳкамлигини оширади.

Катацин - антисклеротик хусусиятга эга. Халқ табобатида қон аралаш ич кетишини даволашда қўлланилади.

### 284. *Populus nigra* L. Чёрный тополь – Терак, Қора терак (Salicaceae Mirb.-Толдошлар).

Туркум номи (*Populus*) Горацио, Катулла, Овидий ва бошқа Рим муаллифлари асарларида келтирилган бўлиб, халқ, оломон маъносида. Кўпинча халқ сайл қиладиган майдонларга экилгани учун шундай аталган. Шунингдек юнон тилида терак барги қалтираб, силкиниб тургани учун “pallo” сўзидан олинган ҳам дейилган. Ўзбекистонда Теракнинг 17 тури ўсади.

Тур номи эса терак пўстлоғи қора рангда бўлгани учун бошқа турлардан фарқ қилиб “niger” деб аталган.

Кимёвий таркиби. Барг куртагида эфир мойи, гликозидлар (салицин, популин, хризин), олма кислотаси, ошловчи ва бўёқ моддалар аниқланган.

Доривор махсулоти: а) *Gemmae Populi nigrae* - Терак куртаги.

б) *Cortex Populi nigrae* - Терак пўстлоғи.

Ишлатилиши. Турли суртмалар таркибида ревматизмда, геморрой ва бод (подагра) касалликларини даволашда, соч ўстиришда ҳам қўлланилади.

**285. *Portulaca oleracea* L. – Портулак огородный – Семизўт, Сабзавот семизўти. (Portulacaceae Juss.- Портулаковые - Семизўтдошлар.).**



Семизўт икки турдан иборат.

К.Линней “portula” - кичик дарвоза деб изоҳ берган, тур “oleracea”- сабзавот маъносида.

Кимёвий таркиби. Каротиноидлар (лютеин, каротин), олий ёғ кислоталари (линолен), поясида органик кислоталар, каротиноидлар, стероид моддалар, терпеноидлар, витамин С, токоферол, липидлар (3,5%) аниқланган.

Ишлатилиши. Уруғи организмни тозалаган, барги яраларга малҳам, сийдик хайдовчи, ички қон оқшини тўхтатувчи импотенцияга даво уйқусизликда жигар ва буйрак хасталигида, дизентерияни даволашда илон ва ҳашаротлар чакқанда қўлланилади.

**286. *Potentilla reptans* L. – Лапчатка ползучая – Ўрмаловчи ғозпанжа (Rosaceae Juss. – Розоцветные - Раънодошлар).**



Ўсимлик номи латинча “potenter” – куч, кудрат сўзларини ифодалаб, ғозпанжанинг дориворлик хусусиятини кўрсатади.

Доривор турлари: *P. argentea*, *P. erecta*.

Ўзбекистон флорасида 30 га яқин бошқа турлари келтирилган.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик илдизпояси таркибида ошловчи моддалар, тритерпен, сапонинлар, крахмал каби бирикмалар бор.

Доривор махсулоти: -*Herba Potentillae* - Ғозпанжа ўти

Ишлатилиши. Здренко йиғмаси таркибига қўшилади. Дори препаратлари оғиз бўшлиғи яллиғланиши, меда-ичак касалликларида қўлланиладиган йиғма-чойлар таркибида куйган ерларни, экзема ва бошқа тери касалликларини қўлланилади.

**287. *Phaseolus vulgaris* L. – Фасоль обыкновенная – Ловия, Оддий ловия [Fabaceae Lindl.(Leguminosae Juss.)- Бобовые- Бурчокдошлар(Дуккакдошлар)] .**



Туркум номи юнон тилида “phaseolos” қайикмаъносида яъни дуккугини шакли қайиксимон бўлгани учун аталган.

Тур “vulgaris” – оддий, ҳар ерда ўсишини ифодалаш мақсадида берилган ном.

Кўп мамлакатлар каторида Ўзбекистонда ҳам экилади.

Кимёвий таркиби. Уруғида оксил, углеводлар, витаминлар, қўзоғида флавоноидлар (кверцитин, ситостерин), аминокислоталар аниқланган.

Доривор маҳсулоти:

Fructus *Phaseolus* – Ловия меваси .

Ишлатилиши. Қўзоғидан тайёрланган экстракт атеросклероз ва юрак ҳасталигини даволашда қўлланилади. Диабет ҳасталигини даволашда қўлланиладиган “Арфазетин” йиғмаси таркибига қўшилади.

**288. *Polygala senega* – Истод сенега - Қайиқчагул (Polygalaceae R.br – Истодовые-Қайиқчагулдошлар.)**



Плиний ва Диоскорид Гален бошқа антик муаллифлар ўсимликни шу номда келтиришган юнон тилида “polys”- кўп, “gala”- сут чунки ўсимлик кўп ўсадиган яйловларда ўй молларини сути бирмунча кўпайган.

Тур номи “senega” шимолий Америкадаги ўсимлик илдизи дамламаси хиндулар қабиласи тилидаги номи

Доривор маҳсулоти: Polygalae-қайиқчагул

Кимёвий таркиби. Ер остки қисмининг таркибида 1% гача сапонинлар, полигалит спирти, ёғ, смолалар ва бошқа моддалар бор.

Ишлатилиши. Қайиқчагулнинг препаратлари нафас олиш йўллари

шамоллаганда балғам кўчирувчи сифатида қўлланилади. Ўзбекистонда битта тур *P.hydrida* ўсади.

**288a. *Prunella vulgaris* L.- Черноголовка обыкновенная, Устихудус, Қорабошча. [Lamiaceae Lindl. (Labiatae Juss.) - Яснотковые (Губоцветные) - Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**



Лотинча “pruna” (prunella) – “лахча кўмир” маъносида. Ном балки немис тилида ”braun” кўнғир ёки “braune” (бақироқ бақа номи) томоқни дўриллаши ангина маъносида. Қадимда ўсимликдан томоқ оғриғини (ангина) даволашда фойдаланилган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида углеводлар (прунеллин) , гидролизат таркибида галактоза , глюкоза бор.

Ишлатилиши. Ер устки қисмининг экстракти томир тортишишда, экстракт суртмаси эса антифунгал фаолликка эга бўлиб, шамоллашга қарши дерматофит кўзгатувчиларга, репаратив, антибактериал фаолликка эга. Ўсимликнинг спиртли эритмаси антиоксидант хусусиятга эга.

**289. *Prangos pabularia* Lindl. – Прангос кормовой – Шашир, Югон [Apiaceae Lindl. (Umbelliferae Juss.) – Сельдерейные (Зонтичные) – Зирадошлар (Соябонгулдошлар)].**



Ўзбекистонда Шаширнинг 8 тури ўсади.

Туркум ўсимликни ҳинд тилидаги номдан олинган.

Тур номи “pabularis” - ем-ҳашак, яъни ўсимлик чорва моллари учун озуқа.

Кимёвий таркиби. Илдизи ва ер устки қисми кумарин моддаларига бой. Бундан ташқари унда эфир мойи, ошловчи моддалар, мевасида эфир мойи, кумаринлар, прангосин алкалоиди аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Radices et Fructus Prangosi – Шашир илдизи ва меваси.

Ишлатилиши. Меваси ва илдизи фуурокумарин манбаи. Илдиз қайнатмаси ва дамламаси кўтирни даволашда қўлланилади.

**290. *Prunus divaricata* Ledeb. – Слива растопыренная – Олхўри, Ёйилган олхўри. (Rosaceae Juss. – Розоцветные – Раънодошлар).**



Туркум номи юнон тилида “prunus”, “prune”- номида рим ва юнон муаллифлари (Калумелла, Плиний, Теофраст) асарларида келтирилган. Баъзилар “pruna”- лотин тилида олов, чўғ маъносида дейишса, бошқалар олхўри меваси сиртидаги оқ ғуборларни “pruina”- қиров, ях деб талқин қилганлар.

Тур номи “divaricatus” олхўри дарахтининг ингичка новдаларини тарвақайлаганига ишора.

Кимёвий таркиби. Баргларида витаминлар, флавоноидлар (кверцетин, кемпферол), мевасида углеводлар, флавоноидлар, данагида мой (олеин,линол)

аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Semen Pruni- Олхўри данаги.Мағзидан мой олинади.

Ишлатилиши. Олхўри мойи бодом, шафтоли, ўрик мойлари ўрнида эмульция сифатида қўлланилади.

**291. *P.domestica* L. – Слива домашняя – Олхирот, Қизилсултон.**

Тур номи тарқалиши ва экиб ўстирилишини ифодалайди.

Кимёвий таркиби. Қизилсултон меваси таркибида катехинлар, кумаринлар, қандлар, шохларида флавоноидлар, ароматик бирикмалар, витаминлар С, В<sub>6</sub>, В<sub>2</sub>, Е, РР) антоцианлар, ошловчи моддалар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: Fructis Pruni - Олхирот меваси.

Ишлатилиши. Меваси енгил сурги дорилар таркибига қўшилади.

**292. *Psoralea drupacea* Bunge. - Псоралея костянковая – Оққурай, Данакли оққурай. [Fabaceae Lindl. (Leguminosae Juss.) – Мотильковые (Бобовые) – Бурчокдошлар (Дуккакдошлар).**



Оққурай бир турдан иборат.

Юнон тилида “псоралес” - бадбўй. Ўсимлик ёқимсиз ҳиди туфайли шундай аталган, “drupa” – данак. Илдизида – фурукумарин, кумаринлар,

Кимёвий таркиби. Ер устки қисми антибиотик ва баргларида каротиноидлар, пигментлар, барглари, гули ва мевасида витаминлар (токоферол) ошловчи моддалар аниқланган. Олий ёғ кислоталари (линолевая), липидлар бор.

Доривор маҳсулоти. Radices et Fructus Psoraleae – Оққурай илдизи ва меваси.

Ишлатилиши. Ер устки қисмидан аниқланган антибиотик бакучиол тажрибада ксеротолитик хусусиятига, эга бўлиб, инотроп ёки хронотроп таъсир кўрсатади, аллергия реакцияларни камайтиради. Уни организмнинг гиперсенсibiliзациясида қўллаш мумкин. Мевасидан олинган псорален ва изопсорален препаратлари теридаги оқ доғлар (пес) касаллигини даволашда ишлатилади.

**293. *Punica granatum* L. – Гранат обыкновенный – Анор, Оддий анор.  
(Punicaceae Horan. – Гранатовые - Анордошлар).**



Анор асосан экиб ўстирилади, Сурхондарёнинг Тўпаланг дарёси хавзасида ёввойилашган ҳолда ўсади.

Латинча “*punicus*”- пуникиялик (карфагенлик) маъносиди. Қадимда ҳозирги Тунис мамлакатларида кенг тарқалган ўсимлик бўлгани учун берилган ном.

Тур номи “*granatus*” - мевасини серуруғ (дона-дона) эканлигига ишора, Плиний, ҳатто “анор олма” деб ҳам атаган экан.

Кимёвий таркиби. Поя ва илдиз пўстлоғида углеводлар, тритерпеноидлар, стероидлар, алкалоидлар, фенолкарбон кислоталар, ошловчи моддалар (15-32.7% гача), гулида антоцианлар, органик кислоталар, витаминлар, мевасининг пўстлоғида тритерпен кислоталар, ошловчи моддалар (25-30%), уруғида углеводлар, ёғлар (17.1%) аниқланган.

Доривор маҳсулоти: а) Cortex Granati - Анор пўсти.


б) Fructus Granati - Анор меваси.

Ишлатилиши. Экстракти буриштириш хусусиятига эга. Шоҳлари пўстлоғи, новдалари ва илдизидан ажратилган пеллетърен алкалоиди лентасимон гижжаларга қарши қўлланилади.

Меваси пўстидан лимон кислота, танин олинадиди, қайнатмаси ич кетиш ва яраларни даволашда қўлланилади.

Пўстлоғи, гули, меваси, мевасининг пўсти халқ табобатида антигельминт восита, шамоллашга қарши, модда алмашинувини мувофиқлаштирувчи, милк қонашида, ангина пайтида томоқ чайишда қўлланилади. Тиббиётда доривор препаратлари гижжаларни ҳайдашда, мева пўсти қайнатмаси ич кетишини даволашда ишлатилади.

**294. *Pyrethrum coccineum* (Willd) Worosch. – Поповник розовый – Пушти пиретрум [Asteraceae-Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые (Сложноцветные) – Қоқиўтдошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Туркум юнон тилида “pyrethron” ёки “pyrethros” номи билан Диоскорид ва Никандр томонидан келтирилган бўлиб, “pyr” – олов, “athron” илдизини аччиқ таъмлигига ишора.

Тур номи “coccineus” - гуллари кип-қизил рангда эканлигини билдиради.

Кимёвий таркиби. Гуллари (саватчаси) таркибида эфир мойлари, камфора, пирстринлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Flores Pyrethri -

Пиретрум гуллари

Ишлатилиши. Инсектицид сифатида (хашаротлар учун захар) ишлатилади.

**295. *Ranunculus repens* L. – Лютик пользучий – Айиқтовон, Ўрмаловчи айиқтовон. (Ranunculaceae Juss.- Лютиковые- Айиқтовондошлар).**



Ўзбекистонда Айиқтовонни 30 дан зиёд тури ўсади.

Туркум Плинийда шу ном билан аталган, “rana” - бақа номини кичрайтирилган шакли. Тур номи ерда ёйилиб ўсганлигини билдиради.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида алкалоидлар, флавоноидлар, кумаринлар, хинонлар, донида ёх аниқланган.

Ишлатилиши. Протоанемонин антибактериал, фунгицид фаолликларга эга. Гул ва мевалари настойкаси тахикардия, артрит, шамоллаш, экзема ва ҳар хил тери касалликларини даволашда қўлланилади.

**296. *Reseda luteola* L.- Резеда желтенкая – Саёқ, Қалампиргул  
(Resedaceae S.F.Gray – Резедовые – Саёқдошлар).**



Саёқ түрт турдан иборат.

Ўсимлик номи лотин тилидан олинган бўлиб, Плиний маълумотиغا кўра оғрикни қолдириш (тинчлантириш) хусусиятига эга, тур номи “luteola”-сарғимтир.

Кимёвий таркиби. Эфир мойлари, алкалоидлар, кумаринлар, флавоноидлар, фенолкарбон кислоталар, азот сақловчи моддалар, изотиоцианидлар сақлайди.

Ишлатилиши. Илдизи Ўрта Осиё халқлари табобатда гижжа ҳайдовчи, ер устки қисми диуретик ва терлатувчи хусусиятга эга. баргидан олинган глюкобарбарин антитиреоид фаолликка эга.

**297. *Rhodiola rosea* L. – Родиола розовая, Пуштиранг зарчой –Зарчой  
(Crassulaceae DC –Толстянковые-Семизакдошлар).**



Ўзбекистонда Зарчойнинг уч тури ўсади.

Туркум номи юнон тилида “rhodon” — пуштиранг, тур номи эса, “roseus” (атиргул-роза) сўзини кичрайтирилган шакли, чунки ўсимлик гулини ҳиди атиргул ҳидига ўхшаш. Ўсимлик асосан Тиён-Шон тоғларида, Олтой ва Сибирда ўсади.

Кимёвий таркиби. Зарчой турлари илдизпояларидан стероидлар (даукостерин, β-ситостерин), ароматик бирикмалар, фенолкарбон кислоталар, флавоноидлар ажратилган.

Пушти ранг зарчой илдизи таркибида фенол гликозид (родиолозид), эфир мойи, флавоноидлар, кислоталар, кумаринлар, ошловчи моддалар, витаминлар (С, РР), монотерпеноидлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Rhizomata cum radicibus rosae Rhodiolae rosae – Пуштиранг зарчой илдизлари ва илдизпоялари.

Ишлатилиши. Илдизларидан тайёрланган суюқ экстракт танага қувват ва бардамлик берувчи восита сифатида қўлланилади. Шунингдек, экстракти гомеопатик бальзам “Ермак” ҳамда алкагольсиз ичимлик “Олтин Олтой” (“Золотой Алтай”) таркибига киради.

**298. *Rhamnus cathartica* L.- Жостер слабительный – Тоғ жумрут, итжумрут (Чилонжийдажошлар-Rhamnaceae Juss).**



Тоғжумрут Ўзбекистонда тўрт турдан иборат.

Диоскорид, Феофраст, Никанор ва асарларида тиканли ўсимлик шу ном билан аталган Кельт халқи тилида “ram” ҳам тоғолча ўхшаган тиканли дарахт номи экан.

Тур номи юнон тилида “catharticos”- тозалаш, маъносида.

Кимёвий таркиби. Мевалари таркибида антроцен унумлари, флавоноидлар, қандлар, пектин каби моддалар, уруғида ёғ, баргида С-

витамини аниқланган.

Доривор маҳсулоти: а) Fructus Rhamni Catharticae- Тоғжумрут меваси.

б) Cortex Rhamni Catharticae- Тоғжумрут пўстлоғи.

Ишлатилиши. Илмий тиббиётда мевасининг доривор препаратлари сурги дори сифатида ишлатилади.

**300. *Rhaponticum carthamoides* (Wild.) Iljin – Большеголовник сафлоровидный - Марал илдижи. [Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke) – Астровые (Сложноцветные) – Қоқиўтдошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Туркум номи юнон тилида “Rha” ва лотинча “Pontus” – Қора денгиз ва уни қирғоқлари, тўғрироғи Қора денгиз чукриси деган маънони англатади. К. Линнейгача бўлган систематиклар илдижи сурги учун ишлатиладиган ўсимликлардан бирини шундай аташганлар. Чукри - Rheum L.- (юнонча “Rha” ҳозирги Волга дарёсининг қадимий номи “Pa” билан боғлиқ. Ўсимлик дастлаб Leuzae ботаник Leuzae номи билан аталган.

Дориворлик хусусиятига эга бўлган тур Rh.carthamoides - мохларсимон содак Россиянинг Олтой ўлкасида ўсади. Бу турни илдижини буғулар эрта баҳорда туёқлари билан қовлаб еганларини кўрганлар “марал илдижи” деб номлаганлар.

Ўзбекистонда туркумни содак (Rh.integrifolium) деб номланган турни Хисор тоғидан (Қашқадарёнинг юқори ирмоқлари) тарқалган. Тур номи “integrifolius” - ингичка барг маъносида.

Кимёвий таркиби. Илдизпояси ва илдизларида сапонинлар, эфир мойи, флаваноидлар, ароматик кислоталар, лигнанлар ва фитоэксдизонлар, ошловчи моддалар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: *Rhizoma cum radicibus Leuzeae* - марал илдиз ва илдизпояси.

Ишлатилиши. Бу ўсимликдан ҳам марал илдизидоги каби чарчоқни ва жисмоний заифликни оладиган, умумий куч-қувватни, ақлий қобилиятни оширадиган моддалар олинади. Ўсимлик илдизидан тайёрланган тинктура ва экстракт юқорида айтилган фаол таъсирга эга.

### **301. *Rheum cordatum* L. – Ревень сердцевидный – Юраксимон ровоч (Polygonaceae Lindl. - Гречишные – Торондошлар).**



Туркум юнон тилида "reon" - оқмоқ маъносида ўсимлик илдизини сурги таъсири бўлганлиги учун К.Линней шу номда келтирган. Бошқа бир талқинда юқорида таъкидлангандек, Волга дарёсини қадимий номи "Rha" билан боғлиқ. Форсча "rewent" ёки арабча "rewed" номлари билан ровоч узоқ ўтмишдан буён ишлатилиб келинган (хатто Москвага ҳам ровочни бухоролик савдогарлар олиб боришар экан).

Кимёвий таркиби. Ровоч турлари меваси таркибида ошловчи моддалар, илдизидо ошловчи моддалар, антрацен унумлари, пирагаллол, пирокатехин, углеводлар, бўёқ моддалар, органик кислоталар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: *Radix Rhei* - Ровоч илдизлари.

Ишлатилиши. Ўзбекистонда ровочнинг ўнта тури ўсади. Улардан *Rh.maximowiczii* A.Los., *Rh.tataricum* L., *Rh.turkestanicum* Janisch. каби турлари халқ табобатида иситма ва меъда ичак касалликларини даволашда қўлланилади. Илмий тиббиётда ҳам ровоч турлари илдизларидан тайёрланган қайнатма ва экстракти ишлатилади.

**302. *Rhus coriaria* L. – Сумах дубильный – Тотум, Сиркадарахт.(  
*Anacardiaceae* Lindl.- Сумаховые – Пистадошлар).**



Флорада Тотумни тўрт тури келтирилган.

Пўстлоғи ва меваси тери ошлашда ишлатиладиган бир бутани юнонлар шундай номлашган. Этималогияси номаълум, баъзилар юнон тилида, юқорида айтилгандек шох ва новдаларини кесганда оқиб чиқадиган шира(“geon”- оқмоқ) номи билан боғласалар, бошқалар кельтча “rhodd” – мевасини қизил ранги учун берилган деб ҳисоблашади.

Тур номи “coriarius” – терини ошлаш учун ишлатилади маъносида.

Кимёвий таркиби. Флавоноидлар (кверцитин, компферол, рутин, сумафлавон, агатисфлавон), ошловчи моддалар, мевасида

антициансимон кислота мавжуд.

Доривор маҳсулоти: *Folium Rhus coriariae* - Сиркадарахт барглари.

Ишлатилиши. Баргидаги фенол моддаларининг йиғиндиси вирусларга қарши, экстракти эсаантиоксидант хусусиятга эга. Тиббиётда тотум баргидан танин моддаси олинади. Доривор препаратлари меъда-ичак касалликлари, яраларни даволашда , оғиз ва тамоқни чайишда ишлатилади.

**303. *Ribes nigrum* L. – Смородина чёрная – Қорақат, Қора қорақат  
(*Saxifragaceae* – Камнеломковые - Тошёрардошлар).**

Ўзбекистонда Қорақатнинг 5 тури ўсади.

Турқум номи араб тилида “ribas” сўзидан олинган бўлиб, ровочни нордон таъмга эга бўлган тури – *Rheum ribes* шундай аталган. Араблар Испанияни забт этишганларида қорақат мевасини(нордонлиги учун) шу ном (испанча ”ribesio”) билан атаганлар.

Тур номи “niger” – “қора”, пишган мевасини ранги.

Кимёвий таркиби. Қорақат мевасида турли витаминлар (С, В<sub>2</sub>, В<sub>1</sub>, В<sub>6</sub>, К), каротин, флавоноидлар , антоцианлар, кислоталар, ошловчи моддалар, баргида – эфир мойи, С,Д витаминлари аниқланган.

Доривор маҳсулоти: а) *Gemmae Ribes nigri conservatae* - Қорақат куртаклари.

б) *Folium Ribes nigri* – Қорақат барги.

в) *Fructus Ribes nigri* – Қорақат меваси

Ишлатилиши. Шинни (сироп) ва шароб (ликёр) тайёрлашда ишлатилади. Витаминли хом ашё учун ишлатилади. Барги ва меваси дамламаси авитаминоз касаллигини даволашда , меваси терлатувчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида витаминли йиғма-чойлар таркибига киради.

**304. *Ricinus communis* L.– Клещевина обыкновенная – Канакунжут, Оддий канакунжут (Euphorbiaceae Juss. – Молочайные - Сутламадошлар).**



Асл ватани Африка, бизда экиб ўстирилади.

Лотин тилида “*ricinus*”- кана, кўнғиз. Уруғи сиртидаги ола - була доғлар ҳам кана рангини эслатади.

Тур номи эса ҳар хил навларни йиғиндиси сифатида “*communis*”- умумий оддий маънода.

Кимёвий таркиби. Канакунжут уруғидан мой, оксил моддалар (рицин), алкалоидлар, ферментлар ажратилган.

Доривор маҳсулоти: *Semen Ricini* - Канакунжут уруғи.

Ишлатилиши. Уруғи мойи фармацевтика амалиётида дори моддаларни эритиш, турли суртма ва

малҳамлар тайёрлашда қўлланилади. Қондаги тромбоцитлар миқдорини ошириб, қон ивишини тезлатади. Тиббиётда канакунжут мойи (кастор) ва унинг эмульсияси сурғи дори сифатида ишлатилади.

**305. *Rosa nanothamnus* Bouleng.- Карликовый шиповник - Кичик наъматак (Rosaceae Juss- Розацветные-Раънодошлар.)**



Ўсимлик рим муаллифлари (Варрон, Вергилий, Плиний) асарларида шундай аталган. Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсади ҳамда экиб ўстирилади.

Тахмин қилишларича наъматак номи юнон тилида “*rhodon*”- атиргул, у эса ўз навбатида кельт тилида “*rhodd*” қизил, ўсимлик гули ва мевасини ранги.

Атиргул кўпгина юнон ва рим шоирлари томонидан дoston қилинган ҳолда унга бағишланган турли кўшиқ ва эртаклар тўқилган. Қадимги Грецияда шодлик, мухаббат рамзи бўлган. Бир ривоятда айтишларича гулини рангги дастлаб оқ

бўлган, унга ишқи тушган булбулни кўксига тиканлари санчилиб, қонидан қизилгулга айланган эмиш. Ҳатто қизил рангни Адонис ва Мухаммад алайҳисалом танаси тер (томчиси) билан ҳам боғлайдилар.

Кимёвий таркиби. Меваси таркибида витаминлар (В<sub>2</sub>,Р,Е,К,С) каротин, органик кислоталар (лимон, олма), кандлар, пектин, ошловчи моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: а) Fructus Rosae- Наъматак меваси.

Б) Semen Rosae-Наъматак уруғи.

Ишлатилиши. Меваси турли йиғмалар таркибига киради, витаминлар, дамлама, шарбат, кукунидан холецистит ва гепатит касалликларини даволашда қўлланиладиган холасас препарати тайёрланади. Уруғидан олинадиган мой турли тери касалликларини (дермантит, тропик куйдирги ва б.) даволашда қўлланилади. Ўзбекистонда ўсадиган *R.beggeriana* Schrenk, *R.canina* L. , *R. Fedtshenkoana* Regel, *R.kokanica* Regel каби турлари мевасидан фойдаланиш мумкин.

### **306. *Rosa canina* L. – Шиповник кошачий - Наъматак, Итбурун. (Rosaceae Juss- Розацветные-Раънодошлар.)**

Тур номи меваси чўзиқ, ит тумшуғига ўхшаши ёки кутурган ит тишлаганда қўлланишини ифодалайди.

Қадимги римликларда ўсимлик шу ном билан аталган.

Кимёвий таркиби. Гуллариде эфир мойлари, мевасида каротиноидлар: рубиксантин, лютеин, катехинлар, проантоницианидлар мавжуд.

Ишлатилиши. Барглари яраларни даволашда, астенияда, меваси витаминли сироп холосас ишлаб чиқаришда ишлатилади. Экстракти, қайнатмаси, сироп ва таблеткалари буриштирувчи, шамоллашга қарши, қайта тикловчи, С авитаминозида, стоматологияда қўлланилади.

### **307. *Rubia tinctorum* L. – Марена красильная – Рўян, Бўёқдор рўян (Rubiaceae Juss. – Мареновые - Рўяндошлар).**



Ўзбекистонда Рўяннинг 6 тури ўсади.

Туркум номи ўсимлик илдизи қизил рангли (“ruber”- қизил) бўёқ олингани учун. Плиний томонидан шундай аталган. Тур номи “tinctorum” - бўёқчи деган маънода 17-18 асрларда қизил ранг ишлатиш одат бўлганида ўсимликдан оммавий равишда фойдаланилган экан.

Кимёвий таркиби. Рўян илдизидан ва илдизпоясидан антрацен унумлари (ализарин, куркурин), кандлар, органик кислоталар (олма, лимон), пектин каби моддалар ажратилган.

Доривор маҳсулоти: Rhizomata et radices Rubiae - Рўян илдизи ва илдизпояси.

Ишлатилиши. Ўсимлик илдизидан тайёрланган Гален препаратлари буйрак ва қовуқдаги тошларни юмшатади ва уларни сийдик орқали чиқиб кетишини таъминлайди.

**308. *Rubus idaeus* L.- Малина обыкновенная – Булдурғун, малина (Rosaceae Juss - Раънодошлар).**



“Флора”да 4 тур номи келтирилган.

Туркум номи “ruber”- қизил, айрим турларини меваси қизил рангли эканлигига ишора.

Тур “idaios”- юнон тилида Крит ярим оролида жойлашган маймунжон ўсган тоғнинг (ида) номи. Шунинг учун ҳам Плиний *R. idaeus* деб атаган.

Кимёвий таркиби. Меваси таркибида С витамини, каротин, қандлар, кислоталар (олма, лимон), ошловчи моддалар, пектин бор.

Доривор маҳсулоти: Fructus Rubi idaei – Булдурғун меваси.

Ишлатилиши. Мевасидан тайёрланган чой терлатувчи ва иситма туширувчи дори сифатида қўлланилади. Болалар учун тайёрланган микстураларга ёқимли таъм беришда ҳам ишлатилади.

**309. *Rumex confertus* Willd. – Щавель конский – Қалин гулли откулоқ (Polyganaceae Lindl. – Гречишные - Торондошлар).**



Ўзбекистонда Откулоқнинг 15 тури ўсади.

Плиний откулоқни шу номда келтирган. Римликлар ўсимлик барги найзага ўхшагани учун шундай номлашган эканлар. Тур номи гуллари қалин тўпгул хосил қилгани учун “confertus” яъни қалин уюмга тўпланган маъносида.

Кимёвий таркиби. Откулоқ илдизида ошловчи моддалар витаминлар (С, К), флавоноидлар, қандлар, кислоталар, крахмал аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Radix Rumicis conferti - откулоқ илдизилари.

Ишлатилиши. Откулоқ препаратлари кичик дозада ич қотириш, катта дозада эса ич юмшатиш хусусиятига эга. Шунинг учун унинг препаратлари муъда-ичак касалликларида (дизентерия, колит, энтероколит ва бошқа касалликларда) қўлланилади.

**310. *R. crispus* L. – Щавель курчавый – Жингалак откулок.**



Тур номи барглари кирраси жингалаксимон (“crispus”- жингалак) бўлгани учун аталган.

Кимёвий таркиби. Эфир мойлари, ошловчи моддалар мавжуд.

Ишлатилиши. Ўсимликдан ажратилган проантоцианидлар, фосфодиэстеразани кучли тормозлаш хусусиятига эга.

**311. *Ruta graveolens* L. – Рута пахучая – Хушбўй рута (Rutaceae Juss. – Рутовке - Рутадошлар).**



Ўсимлик юнон тилида «*ryte*» номи билан Цицерон, Калумелла, Обидий, Плиний асарларида келтирилган. Этимологияси номаълум. Феофраст, Диоскорид ва Гален ўсимликни “*Reganon*”- куйдирувчи деб номлашганлар.

Тур номи “graveolens”- хушбўй ҳидли маъносида. Ёввойи холда учрамайди экиб ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Илдизи таркибида алкалоидлар (экзодегидрохалепин), кумаринлар (нафтогерниарин), ер устки қисмида кумаринлар (халепин) аниқланган.

Доривор маҳсулот: а) *Folium rutae*- Рута барги.

Б) *Herba Rutae recens* – Руту ўти.

Ишлатилиши. Авитаминоз ва гиповитаминоз ҳасталикларини даъволашда ишлатиладиган гликозид-рутин манбаи ҳисобланади. Рутин ошқазон ва ўн икки бармоқли ичак ярасини даволашда қўлланиладиган Викалин препарати таркибига киради.

Ўсимлик дамламаси радикулитни даъволашда қўлланиладиган препарат (Акофит) таркибига қўшилади.

**312. *Salsola richteri* Karel. – Солянка Рихтера – Боялиш, Рихтер шўраги (Chenopodiaceae Vent. – Солянковые - Шўрадошлар).**

Шўрак республикада 48 турдан иборат. (Лекин анча турлар Climacoptera номи билан маълум.



Илк бор Цезальпин томонидан илгари *Salsola* туркумига мансуб деб ҳисобланган *Halogeton sativus* ўсимлигини нордонлиги учун берилган ном бўлиб, “salsolus”, “salsus” – тузли, шўр деган маънони англатади.

Тур номи эса австриялик ботаник Рихтер (1855-1891й) шарафига берилган.

Кимёвий таркиби. Меваларида алкалоидлар (сальсолин, сальсолидин, сальсимин) оксил, азотсиз экстрактив моддалар, мой аниқланган.

Доривор маҳсулот: Fructus salsolae

Richteri- Боялиш меваси.

Ишлатилиши. Сальсолин ва сальсолидин алкалоидлари тиббиётда гипотензив хусусиятга эга бўлган препаратлар ҳисобланади ҳамда таблетка ва эритма ҳолида қон босими ошганда ва бош оғриганда қўлланилади.

**313. *S. collina* Pall. – Солянка холмовая – Шўрак, Тепа шўраги.**



Тур номи ўсимлик аксарият тепаликларда ўсганлиги учун берилган.

Кимёвий таркиби. Ҳамма қисмида углеводлар, стероидлар, (холестерин, кемпестерин, стигмастерин) алкалоидлар ва бошқа азот сакловчи моддалар, феноллар, флавоноидлар (трицин, изорамнетин, нарциссин) мавжуд.

Ишлатилиши. Ер устки қисмининг экстракти гепатитдан ҳимояловчи хусусиятга, қайнатмаси нейротроп фаолликка эга.

**314. *Salvia sclarea* L. – Шалфей мускатный – Хушбўй мармарак, Зиғирак [(Lamiaceae Lindl. (Labiatae Juss.-Ялпиздошлар (Лабгулдошлар))].**



Ўзбекистонда Мармаракнинг 16 тури ўсади.

Лотин тилида туркум номи “salvus” – соғлом ёки “salvata” – соғлом бўлиш маъносини англатиб, ўсимликни баъзи турлари қадимдан шифобахш хусусияти туфайли фойдаланиб келинганлигини билдиради.

Тур номи “sclareus” – хушбўй мускат хидли, гуллари рангини ифодалайди, лотинча “clarus” – тиник, ёрқин деган маънони билдиради.

Кимёвий таркиби. Мармарак баргида эфир мойи, флавоноидлар, тритерпеноидлар, ошловчи моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: а) *Herba Salviae sclareae* - Мармарак ўти.

б) *Oleum Salviae sclareae* – Мармарак ўти мойи.

Ишлатилиши. Мармарак ўти дамламаси оғиз ва томоқни чайиш ҳамда нафас йўллари ингаляция қилишда қўлланилади, мойи эса линалоол олиш учун манба ҳисобланади.

**315. *S. deserta* Schang.- Шалфей степной – Зиғирак, Чўл мармараги.**



Тур номи чўлда ўсганлиги (“deserta”- чўл) учун берилган.

Кимёвий таркиби. Эфир мойидаги терпеноидлар сифати ва миқдори ўрганилган. Баргида туйон, цинеол, камфора, виридифлорол мавжуд. Асосан

линалоол, линалилацетат, терпинеол бор. Ишлатилиши. Фенол бирикмаларининг йиғиндиси тажрибада ўсмаларга қарши фаолликка, экстракти антиоксидант хусусиятига эга.

**316. *Sambucus nigra* L. – Бузина черная – Маржондарахт (Caprifoliaceae - Жимолостные - Шилвидошлар).**



Маржондарахтни бир тури ўсади.

Туркум номи юнонча “sambyx” - қизил бўёқ ёки меваси қизил бўлгани учун берилган. Плиний ҳам ўсимликни шу номда келтирган.

Тур номи “niger” пишган мевасини қора рангда бўлгани учун аталган.

Кимёвий таркиби. Гуллари таркибида гликозидлар (самбунигрин, рутин), эфир мойи, С витамини, органик кислоталар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: а) Fructus Sambuci - Маржондарахт меваси.

б) Flores Sambuci - Маржондарахт гуллари.

Ишлатилиши. Меваси енгил сурги сифатида ишлатилади. Дамламаси шамоллашда терлатувчи ҳамда яллиғланишга қарши дори сифатида ишлатилади.

**317. *Sanguisorba alpina* L. – Кровохлебка альпийская – Қонютар, Альп зангуизорбаси (Rosaceae Juss. – Розоцветные - Раъногулдошлар).**



Лотин тилида “sanguis” - қон, “sorbere” – ютмоқ, сурмоқ маъносида бўлиб, ном ўсимликда қонни тўхтатиш хусусияти борлиги учун берилган.

Тур номи “officinalis” – дорихона, ўсимликни шифобаҳшлигини билдиради.

*S.officinalis* Кавказ, Қрим, Узоқ Шарқ, Қозоғистон ва Қирғизистонда тарқалган.

Ўзбекистонда Қонютарни бошқа тури - *S.alpina* ўсади.

Кимёвий таркиби. Илдизпояси ва илдизидан ошловчи моддалар, сапонинлар, кислоталар (галлат, эллат), эфир мойи, крахмал ажратилган.

Доривор маҳсулоти: Rhizoma et radix Sanguisorbae - Қонютар илдизпояси ва илдизи.

Ишлатилиши. Доривор препаратлари меъда – ичак касалликларини даволашда, қон оқишини тўхтатишда ишлатилади.

**318. *Saponaria officinalis* L. – Мыльнянка лекарственная – Ерсовун, Доривор ерсовун. (Caryophyllaceae Juss. – Гвоздичные - Чиннигулдошлар).**



Ерсовунни Ўзбекистонда 6 тури ўсади.

Туркум номи лотин тилида “sapo” – совун маъносида бўлиб, ўсимликни айрим турлари совун ўрнида ишлатилгани учун берилган. Илдизи сувда осон кўпиради. Ўсимликка номни К.Линней берган.

Тур номи “officinalis” – дорихона, доривор маъносида.

Кимёвий таркиби. Илдизи таркибида сапонинлар, ер устки қисмида гетероциклик бирикмалар (сапонирозид), баргларида стероидлар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: Radix Saponariae rubra – Ерсовун илдизи.

Ишлатилиши. Балғам кўчирувчи

восита.

**319. *Satureja hortensis* L. – Чабер садовый - Гулрайхон, Боғ гулрайхони [Lamiaceae Lindl. (Labiatae Juss.) – Яснотковые (Губацветные) - Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**



Гулрайхон бир турдан иборат.

Плиний маълумотича туркум номи лотин тилида “Saturare” – сингдирмоқ, тўйдирмоқ маъносида бўлиб, ўсимлик таом (зиравор) сифатида қабул қилиниши назарда тутилган.

Тур номи ўсимлик асосан боғларда ўсганлиги учун “hortus” –боғ, “hortensis” – “боғдаги ўсимлик” маъносида.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида эфир мойлари (карвакрол, ва б.),сапонинлар, флавоноидлар, витаминлар, ошловчи моддалар,баргларида тритерпеноидлар, фенолкарбон кислоталар, уруғида мой (пальмитин, линол ва б.)аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Herba Saturejae – Гулрайхон ўти.

Ишлатилиши. Дамламаси халқ табобати ва илмий тиббиётда бош оғриганда, тумовда, овқат ҳазми бузилганда, ҳамда сийдик ва ел ҳайдовчи, буриштирувчи, терлатувчи, бактериоцид восита сифатида қўлланилади.

**320. *Scutellaria galericulata* L. – Шлемник колпачковый – Қалпоқчали кўкамарон [Lamiaceae Lindl. (Labiatae Juss. – Яснотковые (Губоцветные) - Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**



Ўзбекистонда Кўкамароннинг 32 тури ўсади.

Туркум номи латин тилида “scutum” – қалқон маъносига, гулқосчасини юқори қисмини ортиқчаси думга ўхшаганлиги учун берилган.

Доривор тури *S.baicalensis* Узоқ Шарқ ва Байкалортида ўсгани учун аталган.

Байкал кўкамарони юрак – қонтомир касалликларида гипотензив ва седатив дори сифатида қўлланишга тавсия этилган.

Ўзбекистонда ўсадиган *S.galericulata* ҳам седатив хусусиятга эга эканлиги аниқланган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида флавоноидлар, эфир мойи, бўёқ моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: Rhizoma cum radicibus Scutellariae - Кўкамарон илдизпояси ва илдизи.

Ишлатилиши. Илдиздан тайёрланган тинктура гипотензив восита.

**321. *Senecio jacobaea* L. - Крестовник желтуха – Сарикбош ёпишоқ [Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke.)- Қоқиўтдошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Туркум номи латин тилида “senex” – кекса (чол) сўзидан олинган, кўпчилик турларида каллақларини тилсимон барглари бўлмагани учун сочсиз (калбош) чолга ўхшаб қолади. Гулўрни ҳам кейинчалик гуллари тўкилгач, шу холга келади. Диоскорид ўсимлик баҳорда оқ тукчалар билан қоплангани учун шундай ном берилган деб ҳисоблайди. Ўзбекистонда учрамайдиган (*S.platyphylloides*) тури доривор ҳисобланиб, илмий тиббиётда қўлланилади.

Тур номи юнонча “platus” – кенг, текис, “phyllon” – барг, “oides” – ўхшаган.

Кимёвий таркиби. Сарикбош турлари ер устки қисмида ва илдизида алкалоидлар (платифиллин, сенецифиллин, саррацин) сақлайди.

Доривор маҳсулоти: а) Rhizoma cum radicibus Senecionis platyphylloides – Ёпишқоқ ўт илдизпояси ва илдизлари.

б) Herba Senecionis platyphylloides - Ёпишқоқўт ўти ва барглари.

Ишлатилиши. Ўсимлик оғриқ қолдирувчи хусусиятга эга бўлган платифиллин алкалоиди учун ҳам ашё ҳисобланади.

Ўзбекистон флорасида учрайдиган *S.vulgaris* ва *S.jacobaea* турларини экстрактлари ҳам қон тўхтатиш хусусиятига эга эканлиги туфайли илмий тиббиётда қўлланишга тавсия этилган.

### **322. *Secale cereale* L. – Рожь посевная – Бўзчўп, Маданий жавдар, [Poaceae Barnhart. (Graminea Juss.) – Мятликовые (Злаковые) - Бугдойдошлар (Ғалладошлар)].**



Бўзчўпнинг икки тури ўсади.

Туркум қандайдир бошоқли ўсимликни (жавдар) номи билан Плиний томонидан келтирилган. Латин тилида “secare”- кесмоқ, ўрмоқ маъносида. Қадимда юнонлар ва римликлар жавдарни билишмаганлар, чунки ўсимлик герман, кельт ва славян халқлари томонидан экиб ўстирилган.

Тур номи деҳқончилик маъбудаси Церера номи билан аталган, “cereale” – кўчма маънода нон, ғалла демак.

Кимёвий таркиби. Альбумин ва глобуминлар мавжуд. Глиадин ва глютенин. Углеводлар, крахмал, стерин ва фосфотидлар бор.

Доривор маҳсулоти: Fructus Secalis – Жавдар дони.

Ишлатилиши. Донидан қичима (экзема) ва бошқа тери касалликларини даволашда ишлатиладиган Митрошин суюқлиги олинади.

**323. *Sesamum indicum* L. (*S. orientale* L.) – Кунжут индийский - Ҳинд кунжути (Pedaliaceae R.Br. – Кунжутовые – Кунжутдошлар).**



Экиб ўстирилади.

Туркум номи юнон тилида “sesamon” - сўзидан олинган бўлиб, у ўз навбатида арабча “simsim” номидан келиб чиққан, яъни - “sem samni” мойли ўсимлик маъносига эга.

Тур номи “orientalis” – ўсимлик ўсган жойни (шарқ) ифодалайди. Ёввойи кунжут Де Кандл томонидан Ява оролидан топилган бўлиб, кейинчалик Ҳиндистон ва Мисрга ўтган экан. Шунинг учун адабиётларда ҳам Ҳинд кунжути – *Sesamum indicum* L. номи билан аталади.

Қадимда кунжут уруғида сеҳргарлик иллатлари яширинган деб ҳисобланган. (Араб ҳикоясида “симсим эшикни оч!” деб бежиз айтилмаган бўлса керак).

Кимёвий таркиби. Уруғида мой, лигнанлар (сезамол, сезамин, сезамоллин) витамин Е каби моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: Semen Sesami – Кунжут уруғи.

Ишлатилиши. Уруғидан олинган мой фармацевтика амалиётида зайтун мойи ўрнида турли моддаларни эритиш, суртма ва малҳамлар тайёрлашда ишлатилади.

**324. *Silybum marianum* (L.) Gaertn. – Остропестро обыкновенное – Оддий олаўт [Apiaceae Lindl. (Umbelliferae Juss.) – Сельдерейные (Зонтичные) - Зирадошлар (Соябонгулдошлар)].**



Олаўт бир турдан иборат.

Юнон тилида “silybon” – шингил, шода маъносида озиқ овқатга ишлатиладиган тиконли бир ўтни номи.

Тур номи маъбуда Мария шарафига берилган. Ўсимлик япроғи ола-була доғли бўлгани учун “олаўт” дейилган.

Кимёвий таркиби. Меваси таркибида фенол бирикмалар, флавоноидлар, сапонинлар, флаволигнанлар, терпеноидлар, витамин К<sub>1</sub> ва бошқа моддалар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: Cortex Silybi radiceis – Олаўт илдизи пўстлоғи.

Ишлатилиши. Ўсимлик флавоноидлари йиғиндисидан тайёрланган препаратлар (силибор, легалон) сурункали гепатит, жигар циррози касалликларини даволашда ҳамда ўт қопчасидаги тошларни туширишда қўлланилади.

**325. *Solanum laciniatum* Ait. – Паслен дольчатый – Итузум, Бўлакчали итузум (*Solanaceae* Juss. - Паслёновые – Итузумдошлар).**



Республика флорасида Итузумни 10 тури маълум.

Швед табиатшуноси, Упсал университети профессор О.Целсийнинг мамлакатнинг шимолий ҳудудлари ўсимликларига бағишланган асарида *Solanum* номида келтирилган. “Solare” – енгил тортиш, тасалли бериш маъносидagi сўз бўлиб, ўсимликнинг даволаш хусусияти борлиги учун аталган.

Тур номи “lacini” – ямоқ, қийқим латта маъносида япроқларини ўткир учли бўлакчаларга бўлинганини билдиради.

Ўсимликни ватани Янги Зеландия ва Австралия. Бизни шароитда бир йиллик ўсимлик сифатида экиб ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Итузум турлари баргларида флаваноидлар, мевасида алкалоидлар (соласолин, соламарин, соласодин), стероидлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: *Herba Solani laciniati* – Бўлакчали итузум барги.

Ишлатилиши. Таркибидаги гликоалколоидлар агликони кортикостероид препаратларни синтез қилиш учун ҳамда бод, артрит каби хасталиклар билан бирга куйганни даволашда ишлатилади.



**326. *S.tuberosum* L. – Паслен клубненосный, Картофель – Картошка, Туганакли итузум.**

Тур номи “tuber” – туганак маъносида бўлиб, картошка (картофель) италянча “tartufo” – қўзиқоринни бир тури (трюфель) каби туганаги ер остида эканлигига ишора. Картошка ёввойи ҳолда Жанубий Америкада, Чили ва Перуда тарқалган. Европага 16 асрда олиб келиб экилган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисми ва туганакдан соланин, соланидин, чаконин каби алкалоидлар ажратилган.

Доривор маҳсулоти: Tuber Solani – Картошка туганаги.

Ишлатилиши. Шарбати хазм аъзоларини даволашда, ҳамда дори тайёрлашда қўлланилади.

**327. *Sophora japonica* L.– Софора японская – Япон сафораси (тухумак) [(Fabaceae Lindl. (Leguminosae Juss.)-Бурчокдошлар ( Дуккакдошлар )].**

Араб тилида “sofera” – асфар , сариқ ранг маъносида. Гуллари оч сариқ рангда бўлиб, мевасидан сариқ бўёқ олинади. Ўсимлик Японияда топилиб тавсифлангани учун “japonica” номи берилган.

Кимёвий таркиби. Ёш новдалари ва баргларида цитизин, софокарпин, матрин каби алкалоидлар, гулида флавоноидлар (рутин кверцитин) , витаминлар бор.

Доривор маҳсулоти: а) Fructus Sophorae japonicae – Тухумак меваси.

б) Gemmae floriferae Sophorae japonicae – Тухумак гунчалари.

Ишлатилиши. Тинктураси йирингли яралар ва куйганни даволашда ишлатилади. Гунчаси рутин олиш учун хом ашё ҳисобланади.

**327. *Sorbus tianschanica* Rupr. – Рябина тьяншаньская – Тиён шон четани (Rosaceae Juss. - Розоцветные - Раънодошлар).**



Туркум номи кельт халқи тилида “sor” - нордон, қамаштирувчи маъносида мевасини таъмини ифодалайди. Баъзи муаллифлар “sorbere” – “ютмоқ” маъносида мевасини исътемом қилишни назарда тутилган деб ҳам изоҳлайдилар.

Тур номи лотинча “tianschanica” – ўсимлик ўсган (тавсифланган) жойига ишора. Ўзбекистон флорасида Четанни 5 та тури учрайди.

Кимёвий таркиби. Мевасида витаминлар (С,Р), каротин, органик кислоталар (олма, лимон), қандлар, флавоноидлар (кверцитрин, рутин), ошловчи моддалар, уруғида гликозид (амигдалин) бор.

Доривор маҳсулоти: а) Fructus Sorbi – Четан меваси.

Ишлатилиши. Меваси витаминга (каротин) бой бўлиб, шарбат тайёрлашда қўлланилади, дамламаси цинга ва бошқа касалликларни даволаш ва олдини олишда ишлатилади.

**328. *Sphaerophysa salsula* (Pall.) DC. – Круглоплодник солончаковый – Шўр бўян [Fabaceae Lindl.(Leguminosae Juss.) – Мотильковые (Бобовые) – Бурчокдошлар (Дуккакдошлар)].**

Ўзбекистонда бир турдан иборат.

Туркум номи юнон тилида "saira" – копток, шар ҳамда "physa" – пуфак маъносида бўлиб, ўсимлик мевасининг дуккаги пуффакка ўхшаб шишганлигини ифодалайди. Тур "salsulus" тузли ўсимлик шўр маъносида ерда ўсишга мослашганини ифодалайди.

Кимевий таркиби. Ўсимлик ер устки қисмида алкалоидлар (сферофизин), кумаринлар (ситостерон), изофлавонолар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: *Herba Sphaerophysae salsulae* - Шилдирбош ўти.

Ишлатилиши. Гипотензив хусусиятга эга бўлган сферофизин алкалоиди манбаи. Препарати акушерлик амалиётида қўлланилади.

**329. *Spinacia turkestanica* Пјин. - Шпинат туркестанский – Туркистон исмалоқ, Чўчка тикон [ Chenopodiaceae – Маревые -Шўродошлар).**



Ўзбекистонда исмалоқнинг икки тури ўсади. Туркум лотин тилида "spina" тикан, меваси тиканли. Номини келиб чиқишини айрим муаллифлар форсча "испанаж" деган сўз билан ҳам боғлайдилар, тур номи ўсимликни ўсиш жойи. Исмалоқ ер устки қисмида витаминлар (С,В,В), қандлар, органик кислоталар оқсил, каротин мавжуд.

Ишлатилиши. Ер устки қисмида камқонликда, рахит вабошқа авитаминоз касаллигини даволашда ҳамда ел ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади.

**330. *Stachys betonicaeflora* Rupr. (*Betonica foliosa* Rupr) - Чистый буквицецветковый – Тоғ қудуси (Lamiaceae Lindl (Labiatae juss)- Ялпиздошлар(Лабгулдошлар).**



Ўзбекистонда Тоғ қудусининг тўрт тури маълум.

Туркум номи юнон тилида "stachys"-бошоқ маъносида ўсимликни бошоқсимон тўпгулли эканлигини билдиради.

"Betonica" номини Плиний веттонлар қабиласи яшайдиган жой номи деб кўрсатган. Тур номи "betonicaeflora" гуларини *Betonica officinalis* гуллари билан ўхшашалигини белгилайди.

Foliosa “foliosus” ўсимлик поясини сербарглигини кўрсатади.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисми таркибида эфир мойи, флавоноидлар, алкалоидлар (стахидрин), иридоидлар, витаминлар, қандлар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: *Herba Stachysi betonicae florum (Herba betonicae foliosae)* - Тоғқудуси ўти.

Ишлатилиши. Тинктураси ва экстракти қон тўхтатувчи (аёлларда) восита сифатида. ишлатилади.

### 331. *S. sylvatica L.* – Чистец лесной – Ўрмон тоғ қудуси .

Тур “sylvaticus” – ўрмонда серсув ерларда, буталар орасида ўсишини ифодалайди.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида эфир мойи, алкалоидлар (стахидрин), флавоноидлар, иридоидлар, витаминлар (С, К), органик кислоталар, қандлар, аччиқ моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: *Herba Stachyos sylvaticae* – Ўрмон тоғ қудуси ўти .

Ишлатилиши. Ўсимлик тинктураси ва экстракти қон босимини пасайтириш ва тўхтатиш хусусиятига эга, суяқ экстракти генекология амалиётида қўлланилади.

### 332. *Stephania glabra L.* – Стефания гладкая – Туксиз стефания (Menispermaceae Juss.- Мениспермдошлар -Ойуруғдошлар).



Ватани Хитой, Ҳиндистон. Ботаника боғларида, шунингдек Тошкентда ҳам иқлимлаштирилган.

Туркум рус ботаниги Ф. Стефан (Stefan F., 1757-1814й) номи билан аталган.

Тур “glaber” яланғоч, силлиқ маъносида бўлиб, ўсимликни туксиз эканлигига ишора.


Кимёвий таркиби. Ер устки қисми ва туганагидан циклеанин, синоакутин, ротундин каби алкалоидлар ажратилган.

Доривор маҳсулоти: *Tuber cum radicibus Stephaniae* - Стефания туганаги ва илдизи, седатив ва адренолитик

хусусиятига эга бўлган гиндарин препарати манбаи.

Ишлатилиши. Препарати асаб системасини кўзғалиш ҳолатларида, уйқусизлик, неврастения касалликларини даволашда тинчлантирувчи восита.

**333. *Tanacetum vulgare* L. – Пижма обыкновенная – Оддий дастарбош – [Asteraceae Dumart. (Compositae Giseke) - Қоқиўтдошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Туркум номи “tanaceta”, “tanazeta” юнон тилида “а” – инкор, “thanatos”- “ўлим” маъносини англатиб, қуритилган ўсимлик гули рангини узоқ вақт ўзгартирмаслиги назарда тутилган. Шу сабаб баъзан “ўлмасўт” деб ҳам аташганлар.

Тур номи “vulgare” – оддий, тарқалиши (хар ерда учраши) ифодаланган. Ўзбекистонда Тоғдастарбошни икки тури (*T. pseudachillea*, *T. Santolina*) ўсади.

Гуллари (саватчалар) таркибида эфир мойи, флавоноидлар (кверцетин, лютеолин, апигенин), алкалоидлар, ошловчи моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: Flores Tanacetii - Дастарбош гуллари.

Ишлатилиши. Гуллари дамламаси гижжаларни туширишда ва жигар касаллигида ўт хайдовчи восита сифатида Здренко йиғмаси таркибига киради.

**334. *Taraxacum officinale* Wigg. – Одуванчик лекарственный - Доривор қоқиўт, Момақаймоқ (Asteraceae Dumort (Compositae Giseke.)- Қоқиўтдошлар, Мураккабгулдошлар).**



Ўзбекистонда Қоқиўтнинг 30 дан зиёд тури ўсади.

Араб тилида “tarachacun” ёки форсча “tarkhaskqun” номи билан сачратқининг бир тури аталган. Балки араб муаллифлари юнон тилидаги “taraxis” – кўз касаллиги, “akeoma”- даволамоқ сўзларини кўз касалликларини даволаш воситаси деган маънода қабул қилишгандир.

Тур “officinale”- дорихона, шифобахш хусусиятини ифодалайди.

Кимёвий таркиби. Қоқиўт илдизи ва ер устки қисми таркибида гликозидлар (тараксацин, тараксацерин), тритерпен бирикмалар, инулин каби моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: а) Radix Taraxaci - Қоқиўт илдизи.

б) Radix cum herba Taraxaci - Қоқиўт илдизи ва ўти.

Ишлатилиши. Қоқиўт препаратлари ўт ҳайдовчи дорилар билан барги жигар касалликларини даволашда ҳамда хазм фаолиятини яхшилашда қўлланилади.

**335. *Thalictrum minus* L.- Василистник малый – Кичик санчиқўт (Ranunculaceae Juss.-Лютиковые - Айиқтовондошлар).**



Республикада Санчиқўт 5 тури ўсади.

Диоскорид, Плиний каби муаллифлар асарларида ўсимлик юнон тилида “thalictron” номида келтирилган. Нақл қилинишича юнонча “thaletho” – яшиллик маъносида ўсимликни эрта баҳордаги рангги учун берилган ҳам дейилган.

Тур номи “minus”- ўсимлик бўйини бошқа турларга нисбатан паст эканлигини ифодалайди.

Кимёвий таркиби. Ўсимликда (алкалоидлар фетидин, теламин, тальмидин), флавоноидлар, кумаринлар, сапонинлар, ошловчи моддалар мавжуд.

Доривор маҳсулоти: *Herba Thalictri minoris*- Кичик санчиқўт ўти. Ишлатилиши. Здренко микстураси таркибига киради.

**336. *Thea sinensis* L. - Китайский чай - Хитой чойи (Theaceae D. Don - Чойдошлар).**



Туркум номи хитой халқи шевалярини бирида “theh”- (чой) деб аталган. Тур “sinensis”- ўсимлик ўсган жой (Хитой). Ўзбекистонда ҳам ўтган асрда (Бўстонлик, Пском тоғи) чой бутаси экиб ўстирилган.

Кимёвий таркиби. Чой баргидан кофеин, теофиллин алкалоидлари, флавоноидлар (кеинферол, кверцетин) турли витаминлар, кислоталар, эфир мойи ажратилган.

Доривор маҳсулоти: а) *Folium Theae*- Чой барги.

б) *Stipitas Theae*- Чой бутаси новдаси.

Ишлатилиши. Барги ва бутаси кофеин манбаи.

**337. *Thermopsis alterniflora* L. – Термопсис очередноцветковкй - Кетмакетгулли афсонак [(Fabaceae Lindl.), (Leguminosae Juss – Бурчокдошлар, Дуккакдошлар)].**



Ўзбекистонда Афсонакни икки тури (Th.alterniflora, Th. Dolichocarpa) ўсади. Туркум номи юнон тилида “therma” ва “opsis” яъни лотинча люпинга (ўсимлик) ўхшаш маъносида, люпин лотин тилида “lupus”- бўри номидан олинган.

Тур номи лотинча ”alter” – навбат билан кетма-кет, “flora” – гул ўсимлик гулларини пояда кетма-кет жойлашганига ишора.

Кимёвий таркиби. Афсонак турлари таркибида алкалоидлар (цитизин, термопсин, пахикарпин ва б.) органик кислоталар, сапонинлар, эфир мойи, витаминлар, флавоноидлар, ошловчи моддалар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Herba Thermopsidis-Афсонак ўти.

Ишлатилиши. Ўсимликдан ажратилган цитизин алкалоиди нафасни кўзгатади ва балғамни кўчиради. Шу сабаб нафас аъзолари ва йўлларининг яллиғланишида тавсия этилади.

**338. *Tilia* L.- Липа - Жўка (Tiliaceae Juss –Липовые - Жўкадошлар)**



Ўзбекистонда жўка манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

Тиббиётда фақат икки турдан фойдаланилади.

Туркум номи қадимги рим ёзувчилари (Вергилий, Овидий, Плиний) асарларида келтирилган. Тахмин қилишларича, юнонча “ptylon” - қанот маъносида бўлиб, ўсимлик гулбандини гулоғзи барги қанотчали бўлганлиги учун берилган.

**339. *T. cordata* Mill.– Сердцевидный липа – Юракбарг жўка.**

Тур номи эса ”cor” – юрак, “folium” – барг яъни барг шакли юраксимон эканлигини ифодалайди.

Кимёвий таркиби. Гули таркибида эфир мойи , гликозидлар, тритерпенлар, сапонинлар, витаминлар, шиллик ва ошловчи моддалар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Flores Tiliae – Жўка гуллари .

Ишлатилиши. Маҳсулот тер ҳайдовчи дори сифатида турли шамоллаш касалликларида ишлатилади. Шунингдек, у бактерицид таъсирга эга бўлгани учун оғиз ва томоқни шамоллаш касалликларида оғиз бўшлиғини чайқашда қўлланилади. Жўка гулларида тайёрланган дамлама терлатувчи, йўтални қолдирувчи восита сифатида ишлатилади.

**340. *Thymus zeravschanicus* Klok. (*Th. serpyllum* L.) – Тимьян  
зеравшанский – Зарафшон тоғжамбили, Какликўт. [Lamiaceae Lindl.  
(Labiatae Juss.)-Ялпиздошлар (Лабгулдошлар)].**

Ўзбекистонда Тоғжамбилни уч тури ўсади.

Туркум юнон тилидаги номини лотинчалашган шакли “thymos” деб антик муаллифлар асарларида келтирилган.

Юнон тилида “thyo” - қурбонлик қилиш маъносида бўлиб, қадимда юнонлар Афродита мабудасига бағишлаб ўсимликни оловда куйдиришар эканлар.

Тур номи ўсимликни ўсган (топилган) жойи Зарафшон тоғи (дарёси), “serpyllum” эса юнон тилида “herpyllon” ёки “herpein” - судралмоқ, ўсимликни ер бағирлаб, палак отиб ўсишига ишора.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида эфир мойи, сапонинлар, аччиқ ва ошловчи моддалар, кислоталар (урсол, аленол), флавоноидлар бор.

Доривор маҳсулоти: Herba Serpylli - Тоғжамбил ўти.

Ишлатилиши. Ўсимликни эфир мойи антисептик ва дезинфекцияловчи восита, суюқ экстракти эса балғам кўчиришда ишлатиладиган пертуссин препарати таркибига киради.

**341. *Toxicodendron radicans* (L.) Kuntze – Токсикадендрон  
укореняющийся – Ўрмаловчи токсикадендрон (Anacardiaceae Lindl.-  
Сумаховые - Пистадошлар).**



Ўзбекистонда учта тури шаҳарларда ва Ботаника боғида (Тошкент) манзарали дарахт сифатида ўстирилади.

Туркум номи юнонча “toxicon” – заҳар, “dendron” – дарахт ўсимликнинг заҳарли эканлигини билдиради.

Тур эса “radicans” дарахтларга илашиб, ўрмалаб ўсувчи бута номидан олинган бўлиб , дарахт бўйини баландлигини билдиради.

Ўсимлик турларида флавоноидлар (физетин) аниқланган.

Доривор маҳсулоти: а ) *Folium Toxicodendri recens* – Токсикодендрон янги (узилган) барги.

б) *Radix Toxicodendri recens* – Токсикодендрон янги илдизи.

Ишлатилиши. Тинктураси радикулит, ревматизм ва невралгия касалликларида қўлланилади.

Гомеопатияда тери ва кўз хасталикларини даволашда ишлатилади.

**342. *Trachyspermum ammi* (L.) Sprague – Айован душистий - Зираи кармон, Ҳинд қоразираси [Ariaceae Lindl. (Umbelliferae Juss.) Зирадошлар (Соябонгулдошлар)].**

Асосан экиб ўстирилади.

Юнон тилида “trachys” – ғадир-будир (бўртик), “sperma” – уруғ, ўсимлик уруғларини сирти дағал эканлигини билдиради.

Тур “ammi” – қоразира билан ўхшашлиги учун Плиний, Скрибоний каби муаллифлар асарларида келтирилган ном.

Ўсимлик ватани Ҳиндистон бўлганлиги учун Ҳинд қоразираси деб ҳам аталади.

Кимёвий таркиби. Мевасида эфир мойи, феноллар, пинен, цимол каби терпеноидлар, оксил бор.

Доривор маҳсулоти: *Fructus et Oleum Ajowanii* - Ҳинд қоразираси уруғи ва мойи.

Ишлатилиши. Мойи тимол олиш учун ишлатилади. Космитологияда, астма, сийдик ҳайдовчи, ошқазон ва ичак касалликларида, иштаҳа очувчи сифатида фойдаланилади.

**343. *Tribulus terrestris* L. – Якорцы приземные – Темир-тикан (*Zygophyllaceae* R.Br.- Парнолистниковые - Туятовондошлар).**



Туркум номи юнон тилида “thrits” - уч қирра ва “bolos” - тишча, тикан маъносида бўлиб, меваси 2-4 дона ўткир учли тиканчадан иборат.

Тур номи лотин тилида “terrestris” - ер юзи, ўсимликни ерда ёйилиб ўсганлиги учун аталган.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида сапонинлар (диосгенин, гитогенин), алкалоидлар (гарман), флавоноид, кумаринлар, витамин С ва ошловчи моддалар сақлайди.

Доривор маҳсулоти: *Herba Tribuli* - Темиртикан ўти.

Ишлатилиши. Ўсимликдан ажратилган гликозидлар йиғиндиси трибуспонин антисклеротик таъсирга эга бўлиб, гипертония ва стенокардия хасталикларини даволашда юқори самара беради. Танани қувватлантирувчи, спортчиларни қайта тикланишида, жинсий қувватсизликда ишлатилади.

**344. *Trifolium pratense* L. – Клевер луговой, красный – Ўтлок себаргаси- [Fabaceae Lindl. (Leguminosae Juss.)-Бобовые -Бурчокдошлар (Дуккакдошлар)].**



Туркум номининг асл таржимаси – учбарг. Ўсимлик Плиний ва қатор антик муаллифлар асарларида шу номда келтирилган. Ўсимлик асосан текис, сернам ерларда ўсганлиги учун “pratense” - ўтлоқли ер маъносида.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмида витаминлар, флавоноидлар, қандлар, антоцианлар, органик кислоталар ва ошловчи моддалар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Herba Trifoliumi pratensi – Себарга ўти.

Ишлатилиши. Себарга ер устки қисмидан олинган тризофлан препарати қонда холестерин кўпайган ҳолатларда ҳамда атеросклероз касаллигини олдини олиш ва даволашда қўлланилади.

**345. *Triticum aestivum* L. – Пшеница мягкая - Буғдой, Ёзги буғдой [Poaceae Varnhart (Graminea)- Буғдойдошлар (Ғалладошлар)].**



Лотин тилида буғдой шу ном билан аталиб, “tritus” ёки “terere” – ишқалаш, бошоқлардан чиқиш деган маънога эга.

Тур номи “aestivus” – ёзги , донини ёзда пишиб етилишига ишора.

Кимёвий таркиби. Уруғида 40-56% мой , 14-17% оқсил, 0,1-1% алкалоидлар(рицинин ва никотин), липаза ферменти, захарли оқсил моддалар мавжуд.

Ишлатилиши. Юмшатовчи ва сўрувчи восита. Сепкилларни йўқотувчи, нерв ва тўқималарни даволайди. Гижжани кетказди. Куйганда, ошқазон ярасида, ревматизм ва артритда ишлатилади.

**346. *T.durum* Desf. – Пшеница твердая-Қаттиқ буғдой.**

Тур номи “durus” – қаттиқ, мустаҳкам , яъни донини қаттиқ, ялтироқ (ойнасимон) эканлигини ифодалайди.

Доривор маҳсулоти: Fructus Triticici – Буғдой дони.

Ишлатилиши. Буғдой крахмали (*Amylum tritic*) сепма дориларга кўшилади, суюқ моддаси тери касалликларини даволашда (антисептик) кўлланилади.

**347. *Tussilago farfara* L. – Мать и мачеха –Оққалдирмоқ, Кўка  
[ *Asteraceae* Dumart (*Compositae* Giseke. -Қоқиўтдошлар  
(Мураккабгулдошлар)]**



Ўзбекистонда бир тури ўсади.

Туркум номи лотин тилида “tussis” – йўтал, “agere” – таъсир этиш, ёрдам бериш маъносида бўлиб, ўсимликни йўталга даво эканлиги учун берилган.

Турни номи “farris” сўзидан олинган бўлиб, “far” –ун, “fero” – олиб бормоқ, ўсимлик барглари ости томони ун сепилгандай оқ туклар билан қоплангани учун аталган.

Кимёвий таркиби. Оққалдирмоқ баргларида, алкалоидлар, гликозид (туссиягин) , флаваноидлар, сапонинлар, каротин, эфир мойи, ошловчи ва шиллик моддалар аниқланган.

Доривор маҳсулоти:–а) Folium Farfarae Оққалдирмоқ барглари.

б) Flores Farfarae – Оққалдирмоқ гуллари.

Ишлатилиши. Ўсимлик гуллари ва барглари дамламаси кўкракни юмшатувчи, балғам кўчирувчи ва яллиғланишга қарши дори сифатида бронхит ва ўпка шамоллашини даволашда кўлланилади.

**348. *Trigonella foenum – graecum* L. – Пажитник сенный – Кўк йўнғичка-Шамбала [Fabaceae Lindl. (*Leguminosae* Juss.-Матылковые-Бурчокдошлар (Дуккакдошлар)].**



Ўзбекистонда Кўкйўнғичнинг 15 тури маълум.

Юнон тилида туркум номи “trigonum” – учбурчак деган маънога эга.

Тур номи юнонча “foenum” – пичан, “graecus” – грекча, юнон (ўсимлиги).

Ёввойи ҳолда кенг тарқалган. Доривор ўсимлик хўжаликларида экиб ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Шамбала турларида стероид сапонинлар (диосгенин) аминокислоталар (канаванин), илдизи, мевасида ҳамда баргларида сапонинлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: Semen Trigonellae foenum – graeci – Шамбала уруғи.

Ишлатилиши. Уруғи таркибидаги стероид сапонинлардан антисклеротик таъсирга эга бўлган “Пасенин” препарати тайёрланади.

**351. *Ungernia sewertzowii* (Regel) V.Fedtsch – Унгерния Северцова – Қорақовуқ Северцев қорақовуғи (Amaryllidaceae Jaume – Амариллисовые - Наргисдошлар).**



Туркум номи ботаник Ф.Унгерн Штернберг шарафига аталган.

Тур рус олими Н.А. Северцов номида.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик бари ва пиёзларидан (қобиғи ҳам) ликорин, галантамин, унгерин, гиппеастрин, унсевин каби алкалоидлар олинган.

Доривор маҳсулоти: Folium Ungerniae sewertzowii – Қорақовуқ барглари.

Ишлатилиши. Ликорин гидрохлорид таблетка ҳолида балғам кўчирувчи дори сифатида бронхиал астма касаллигини даволашда қўлланилади.

**352. *Ungernia victoris* Vved. – Унгерния Виктор – Омонқора - Виктор омонқораси .**

Тур эса ботаник В.П.Бочанцев номи билан боғлиқ.

Кимёвий таркиби. Пиёзи ва барглари таркибида алкалоидлар (галантамин, ликорин, горденин ва б.), кумаринлар, органик кислоталар, қанд аниқланган.

Доривор маҳсулоти: а) Folium Ungerniae Victoris - Омонқора барглари; б) Bulbus Ungernia Victoris - Омонқора пиёзлари.

Ишлатилиши. Ўсимлик барглари ва пиёзидан олинган галантамин алкалоиди полиомелит, полинефрит ва радикулитни даволашда қўлланилади.

**353. *Urtica dioica* L. – Крапива двудомная -Газанда, Қичитқи ўт (Urticaceae Endl.-Газандадошлар).**



Туркум номи антик Рим муаллифлари (Катулл, Гораций, Плиний ва б.) асарларида келтирилган. Лотин тилида “*urege*” - ёқмоқ маъносида бўлиб, ўсимлик пояси ва баргларидаги тукларда кислота борлиги туфайли терини куйдириш (чақиш) хусусиятига эга.

Тур эса “*dioicus*” юнонча “*di*” – икки, иккибор ва “*oicos*” - уй, турар жой маъносида уруғчи ва чангчи гулларини ҳар хил тупларида алоҳида ривожланиши учун аталган.


Кимёвий таркиби. Барглари таркибида витаминлар (С, К, В<sub>2</sub>), каротиноидлар, эфир мойи, углеводлар,

органик кислоталар, илдизда углеводлар, стероидлар, ер устки қисмида каротиноидлар, витаминлар, микроэлементлар, ошловчи моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: *Folium Urticae* – Газанда барги.

Ишлатилиши. Газанда баргидан тайёрланган ва олинган препаратлар ички аъзолардан (буйрак, ўпка, ошқозон-ичак, бачадон) қон оқшини тўхтатишда қўлланилади. Ўсимлик турли йиғмалар, чойлар таркибига қўшилади. Баргидан олинадиган хлорофил турли яраларга малҳам ҳамда модда алмашилишини яхшилаш учун тавсия этилган.

### **355. *Valeriana officinalis* L. - Валериана лекарственная – Доривор валриана (*Valerianaceae* Batsch.-Валериановые –Асорундошлар).**



Ўсимлик номи дастлаб (X аср) араб қўлёзмаларини (лотинчага) таржима қилишда учраган бўлиб, этимологияси ҳам номаълум бўлган. Баъзи муаллифлар лотин тилида “*valere*” - соғломлик, соғ бўлмоқ маъносида дориворлик хусусияти учун берилган ном десалар, бошқалар Рим шифокори Плиний Валериан ёки Рим императори Валериан (250-260 й) номи билан боғлайдилар. К.Линнейнинг худо ва подшоҳлар номи билан аталган туркумлар хусусидаги

кўрсатмасига асосан ўсимлик шундай аталган.

Тур номи “*officinalis*” – дорихона, шифолик хусусияти.

Кимёвий таркиби. Илдизлари ва илдизпоясида эфир мойи, алкалоидлар (хатинин, 2-ацитилпиррол), сапонинлар, кислоталар, углеводлар, поясида стероидлар, флавоноидлар, барглари ва гулларида флавоноидлар (кверцетин, кемпферол) мавжуд.

Доривор махсулоти: Rhizoma cum radicibus Valerianae - Асорун илдизлари ва илдизпояси.

Ишлатилиши. Ўсимлик препаратлари (дамлама, таблетка, настойка) невроз, асабнинг бузилиши, уйқусизлик, гипертония ва стенокардия касалликларини даволашда қўлланилади.

**358. *Vexibia (Sophora) pachycarpa C.A.Mey Jakovl.. (Goebelia pachycarpa Bunge)*- Гебелия (Софора) толстоплодная – Аччиқ мия. [Fabaceae Lindl. (Leguminosae Juss.-Матылковые-Бурчокдошлар (Дуккакдошлар)].**



Лотинчада туркум “vexillum”- байроқча, елкан, “bia” – икки маъносида.

Тур номи юнонча “pachys” – семиз, “karpos” – дуккакларининг йўғон (семиз) ва қисқалиги учун аталган.

Goebelia химия ва фармация профессори Карл Гебель номига берилган. Кимёвий таркиби. Алкалоидлар (N-окись пахикарпин, пахикарпин софокарпин, матрин), флавоноидлар(кемпферол,кверцитин, генистеин) уруғида мой мавжуд.

Доривор махсулоти:а) Herba Sophorae pachycarpae – Аччиқмия ўти.

б) Semen Sophorae pachycarpae – Аччиқмия меваси.

Ишлатилиши.Ўсимлик ўти ва мевасидан олинадиган пахикарпин гидройодид туғиш жараёнини тезлатишда, ҳамда гипертония ва сурункали экземани даволашда ҳамда. Пахикарпин гидроиодид препарати периферик нерв системасининг спазмасида – ганглиоблокатор сифатида қўлланилади. . Майдаланган уруғлари – анорексияда қўлланилади.

**359. *Verbena officinalis L.*- Вербена лекарственная – Доривор тизимгул (Verbenaceae St.-Hill.- Маревые - Тизимгулдошлар).**



Тизимгул икки турдан иборат.

Қадимги римликларда диний байрамлар ва тантаналарда ишлатиладиган мукаддас ўсимликлар (лавр,мирта,зайтун) шу ном билан аталган. Юнон тилида “ver” – баҳор, “bene”- яхши.

Тур номи “officinalis” – доривор, дорихона маъносида.

Кимёвий таркиби. Тизимгул ер устки қисмида гликозидлар (вербенолин), фенол бирикмалар (актеозид, эукозид), баргларида стероидлар (прогестерон), гулларида тестостерон, эпитестостерон аниқланган.

Ишлатилиши. Ер устки қисми қайнатмаси халқ табобатида бош ва қорин оғриғи, иситма, талоқ шиши кўтирни даволашда ҳамда сийдик хайдовчи, яраларни даволовчи восита сифатида ишлатилади.

Доривор маҳсулоти: *Herba Verbenae officinalis* – Тизимгул ўти.

### **360. *Vitis vinifera* L. – Виноград культурный – Маданийлаштирилган ток (*Vitaceae* Juss. – Виноградные - Токдошлар).**



Ток новдасини римликлар шундай номлашганлар.

Тур номи лотин тилида “vinum” - вино, шароб, “ferus” - ёввойи ҳолда ўсувчи маъносида.

Кимёвий таркиби. Узум таркибида қанд, органик кислоталар, витаминлар (С,К), флавоноидлар (кверцетин), бўёқ, ошловчи моддалар, уруғида мой, баргида қандлар, органик кислоталар, витаминлар (С,В,К), катехинлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: *Fructus Vitis viniferae* – Ток меваси (узум).

Ишлатилиши. Узум илмий табобатда модда алмашинув бузилганда, камқонлик, сурункали бронхит касалликларида истеъмол қилишга берилади. Баргидан жигар ҳасталигини даволашда ишлатиладиган витохол препарати холосас ўрнида ишлатишга тавсия этилган.

### **361. *Verbascum* L. – Коровяк - Сигирқуйруқ (*Scrophulariaceae* Juss. - Сигирқуйруқдошлар -)**



Ўзбекистонда Сигирқуйруқнинг тўрт тури ўсади.

Туркум номи лотин тилида “barba” – соқол сўзини ўзгартирилган (“barbascum”) шакли бўлиб, ўсимликни сертуклиги учун аталган. Манбаларда келтирилган ва тиббиётда қўлланиладиган доривор турлари Ўзбекистонда учрамайди.

Жунғор сигирқуйруғи - *V. soongoricum* Schrenk ex Fisch. Et Mey. республикада тоғли минтиқаларда адирдан тоғ ёнбағригача бўлган худудларда кенг тарқалган.

Тур ўсимлик ўсган ер- Жунғор тоғлари номи билан боғлиқ. Кимёвий таркиби. Гулида тритерпен сапонинлар, флавоноидлар, кумаринлар, алкалоидлар, (анабазин, плантагонин), эфир мойи, каротин, бўёқ каби моддалар аниқланган.

Доривор махсулоти: Flores Verbasci - Сигиркуйруқ гуллари.

Ишлатилиши. Гуллари дамламаси балғам кўчирувчи ва юқори нафас йўллари юмшатиш хусусиятига эга.

### **362. *Viburnum opulus L.* – Калина простая – Оддий калина, Бодрезак (*Viburnaceae Dumort.*-Вербеновые - Чингиздошлар, Бодрезакдошлар).**



Бодрезак манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

Туркум номи Вергилий томонидан илк бор келтирилган. Лотин тилида “vire” - тўқимок, боғламоқ ёки “vimen” – эгилувчан новда, саватча тўқиш каби маъноларни англатади. Тур номи “opulus”- заранг, чингиз барглари заранг дарахти барги билан ўхшаш бўлгани учун аталган.

Кимёвий таркиби. Шохчаларида фенилкарбон кислоталар, катехинлар, ошловчи моддалар, меваларида

флавоноидлар (астрагалин, пеонозид), антоцианлар бор.

Доривор махсулоти: а) Cortex Viburni – Бодрезак пўстлоғи.

б) Fructus Viburni - Бодрезак меваси.

Ишлатилиши. Доривор препаратлари қон тўхтатиш хусусиятига эга. Меваси витаминли йиғма чойлар таркибида авитаминоз касалликларни даволашда ва уларни олдини олишда қўлланилади.

### **363. *Vinca erecta Regel et Schmalh.* – Барвинок малый – Тиктурувчи бўригул (*Aporcynaceae Juss.*-Кендирдошлар).**

Бўригул ёввойи ҳолда ўсади, бошқа турлари (*V.major, V.minor*) экиб ўстирилади.

Туркум номи лотин тилида “vincere”-енгмоқ, ғолиб бўлмоқ ёки “vincire” – ўрамоқ маъносида, поялари ва барглари доимий яшил эканлиги эгилувчанлиги ҳамда чирмашиб ўсадиган бўлганлиги учун берилган.

Тур номи эса “erecta” –тўғри, гулли шохчаларини тикка ўсганлигига ишора.

Кимёвий таркиби. Бўригул илдизи ва ер устки қисмида алкалоидлар (винканин, винканидин, винканицин ва б.), сапонинлар, кислоталар (урсол) мавжуд.

Доривор махсулоти: Folium Vincae erectae - Бўригул барглари. Rhizoma cum radicibus Vincae erectae - Бўригул илдизпояси ва илдизлари.

Ишлатилиши. Барвинкан гидрохлорид, девинкан, винкапан препаратлари қон босимини пасайтирувчи восита сифатида гипетония касаллиги ҳамда мия қон томирлари спазмасини даволашда қўлланилади.

**364. *Viola odorata L.* - Фиалка душистая – Боғ гунафша, Бинафша (Violaceae Batsch.-Фиалковые - Гунафшадошлар).**



Гунафшанинг 17 тури ўсади.

Қадимда римликлар гунафшани шу номда аташганлар. Юнон тилида “ion” – гунафша атамасини кичрайтирилган шакли.

Тур номи “odoratus” хушбўй маънода гулларини ёқимли ҳиди учун берилган.

Гунафша турларини ер устки қисмида флавоноидлар(рутин ва б.), гликозидлар, эфир мойи, С витамини, каротиноидлар, сапонинлар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: а) *Herba Violaе odorataе* - Гунафша ўти.

б) *Radix Violaе odorataе* - Гунафша илдизи.

Ишлатилиши. Ўсимлик дамламаси балғам кўчирувчи восита, ер устки қисми

сийдик ҳайдовчи чойлар-йиғмалар таркибига киради.

**365. *Viola tricolor L.* – Фиалка трехцветная - Учрангли гунафша, капалак гул.**



Тур номи лотин тилида “tri” – уч, “color” – ранг, бўёқ, гулларини турли рангда эканлигини ифодалайди.

Доривор маҳсулоти: *Herba Violaе tricoloris seu herba Jaseae* - Учгулли гунафша ўти.

Кимёвий таркиби.Маҳсулот таркибида (баргида 0,13% гача, поясида 0,08%, гулида озрок) рутин, витексин ореинтин ва виолакверцитин флавоноидлари, антоциан гликозидлари (виоланин, дельфинидин, пеонидин ва бошқалар), эфир мойи, 40 мг % гача каротин ва

бошқа каратиноидлар, витамин С, салицилат ва урсол кислоталар, шиллик моддалар ва сапонинлар бўлади.

Ишлатилиши. Тиббиётда гунафша турининг ер устки қисмидан тайёрланган доривор препаратлар нафас йўллари касаллигида балғам кўчирувчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади.

**366. *Kalanchoe pinnata* (Lam.) Person. - Калонхое перистое - Патсимон каланхой (Crassulaceae DC. - Семизакдошлар).**



Ватани тропик Африка. Бизда иссиқ хоналар ва уй шароитида ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Шираси таркибида флавоноидлар, ошловчи моддалар, витаминлар, органик кислоталар, ферментлар мавжуд.

Доривор маҳсулоти. *Cornus kalanchoes recens* – Калонхойни хўл (қуритилмаган) пояси.

Ишлатилиши. Ангина, вена томирларини варикози, шамоллаш, стоматит, ҳар хил яраларда малҳам сифатида ишлатилади.

**368. *Xeranthemum annuum* L.- Сухосветник- Однолетний ксерантемум – Бир йиллик қуриқгул [(Asteraceae Dumort. (Compositae Giseke.)-Қоқиўтдошлар (Мураккабгулдошлар)].**



Туркум номи юнон тилида “херох” – қуриқ, “antheon” – гул, яъни ўрамаларини қуриқ юпқа пўст (пленка) кўринишига эга эканлигига ишора. Доривор тури *X.annuum* L. “annus” - бир йиллик маъносида.

Кимёвий таркиби. Таркибида кумаринлар, витамин С, 11%гача ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Доривор маҳсулоти: *Herba Xeranthemi* - Қуриқгул ўти.

Ишлатилиши. Ўсимликнинг ер устки қисми Здренко йиғмаси таркибига киради.

**369. *Ziziphus jujuba* Mill. - Унаби обыкновенный – Жилон жийда.  
(Rhamnaceae – Крушиновые – Чилонжийдадошлар).**



Қадимда юнонлар Чилонжийдани *Ziziphus*(*Zizipha*) деб аташгани учун туркум номига айланган.

Тур номи мевасини Ибн Сино “*jijubis*” деб атагани учун берилган бўлса керак.

Асосан экиб ўстирилади. Жанубий сарҳадларда ёввойи ҳолда ҳам тарқалган.

Кимёвий таркиби. Баргларида сапонинлар, флавоноидлар, қандлар, витаминлар, шиллиқ ва ошловчи моддалар, мевасида қанд, органик кислоталар, ошловчи моддалар аниқланган.

Доривор маҳсулоти: а) *Fructus Jujubae* -

Чилонжийда меваси.

б) *Folia Zizipus jijubai* – Унаби барги.

Ишлатилиши. Халқ табобатида чилонжийда меваси дамламаси томоқ ва кўкрак оғриғи, йўтал каби ҳасталикларда балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи ва қон босимини пасайтирувчи восита сифатида қўлланилади. Барги дамламаси илмий тиббиётда қон босимини пасайтирувчи ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Қуритилган меваси дамламаси бронхит, йўтал ҳасталикларини даволашда қўлланилади.

**370. *Zea mays* L. – Кукуруза, Маис-Маккажўхори, Макка [(Poaceae  
Barnhart (*Graminea* Juss.)- Злаки -Буғдойдошлар (Ғалладошлар)].**



Буғдойдошларга мансуб ем-хашак ўсимликларини ёки буғдойни юнонча номи “*zea*”, “*zen*” эса яшамоқ маъносида.

Тур номи “*mays*” – маккажўхорини перуанлар ёки гаитианлар тилидаги (“*mahis*”) номи. Айтишларича, бу номни Колумб Америкадан Европага олиб келган экан.

Кимёвий таркиби. Оналик гули (устунчаси ва тумшукчаси) таркибида витаминлар (С, К), сапонинлар, флавоноидлар, фитостеринлар, донида крахмал, витаминлар, кислоталар (никотин, пантотен), флавоноидлар бор.

Доривор махсулоти: а) *Stigmata Maydis* - Маккажўхори гулининг тутшукчалари(устунчалари) ёки попуги.

б) *Fructus Maydis* - Маккажўхори дони.

Ишлатилиши. Тиббиётда уруғчи гулининг устунчаси (попуги) нинг препаратлари (суюқ экстракти, дамламаси) жигар ва ўт пуфаги касалликларида ўт ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади.

Донидан болалар тери касалликларини даволаш учун сепма дорилар тайёрланади. Мойи атеросклерозни даволаш ва уни олдини олишда ишлатилади.

### **371. *Zingiber officinale Roscoe* - Имбирь лекарственный (куркума) – Доривор зарчава (*Zingiberaceae Lindl.*- Зарчавадошлар)**



Сўнгги йилларда зарчавани Ўзбекистонда айрим ҳаваскор боғбонлар иссиқхоналарда ва очик майдонларда экиб ўстиришмоқда.

Туркум номи санскрит тилидан қадимий италян тилига ўтган бўлиб, “*zingiber*” –шоҳсимон маъносида.

Тур номи “*officinalis*”- дорихона, шифобахш маъносида.

Кимёвий таркиби. Илдизида эфир мойи, (d-β -цингибирен, бисабелин, борнеал, фернезин) қатрон,

аниқланган.

Доривор махсулоти: *Rhizoma Zingiberis*-Зарчава илдизлари.

Ишлатилиши. Кимёвий таркиби. Илдизида эфир мойи, (d-β -цингибирен, бисабелин, борнеал, фернезин) қатрон, аниқланган.

Эфир мойидан олинган препаратлар овқат хазмини яхшилади.

Настойкаси эса тетиклаштирувчи восита сифатида ишлатилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ботаника – фармакогностический словарь. Под обж. ред. К.Ф. Блиновой и Г.П. Яковлева. Высшая школа. 1990.-271с.
2. Вулф Е.В., Малеева О.Ф. Мировые ресурсы полезных растений. Наука.Л., 1969- 563с.
3. Головкин Б. О чем говорят названия растений. Мехнат.Ташкент:1988.- 166с.
4. Государственная фармакопия СССР-М., Медицина.1968-1078с.

5. Забинкова Н.Н и Кирпичников М.Е. Справочное пособие по систематике высших растений. Латинско-русский словарь для ботаников. Под общей редакцией чл. – корр. АН СССР Б.К.Шишкина. Изд-во АН СССР.М.: - Л. 1957.- 334с.
6. Кондратенко П.Т., Кур С.Д., Рожко Ф.М. Заготовка, выращивание и обработка лекарственных растений. Медицина.М., 1965.- 346с.
7. Меркулова В.А. Очерки по русской народной номенклатуре растений. Наука.М., 1967.-258с.
8. Муравьева Д.А. Тропические и субтропические лекарственные растения. Медицина. 1983.-335с.
9. Набиев М. Ботаника-атлас луғати. Фан. Тошкент: 1969.-253б.
10. Пратов Ё.П., Одилов Т.О. Мусаев К.Ю., Набиев М.М.ва б. Ботаника атамаларининг русча-ўзбекча қисқача луғати. Фан. Тошкент:1993.-67б.
11. Pratov. O.P., Nabiyeu M.M. Ozbekiston yuksak osimliklarining zamonaviy tizimi. Toshkent: 2007. -62в.
12. Растительные ресурсы СССР. Цветковые растения, их химический состав, использование. Т.Т. 1-6 Наука. Л., 1985-1991.
13. Растительные ресурсы. России и сопредельных стран. «Мир и семья – 95». С.-Петербург. 1996. – 571с.
14. Тойжонов К., Мелибоев С., Маҳмудов. Ўзбекистон юксак ўсимликлари туркум номларининг изоҳли луғати. Фан. Тошкент: 2008.-151 б.
15. Турова А.Д., Сапожникова Э.Н. Лекарственные растения СССР и их применения. Медицина.М., 1983. 288с.
16. Хожиматов М. Дикарастушие лекарственные растения Таджикистана Душанбе: 1989.-364с.
17. Холматов Ҳ.Х., Аҳмедов Ё.А. Фармакогнозия. Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик Ибн Сино номидаги нашриёт – матбаа бирлашмаси. Тошкент: 1995. -622б.

18. Холматов Ҳ.Ҳ., Қосимов А.И. Русча – лотинча – ўзбекча доривор ўсимликлар луғати. Ибн Сино номидаги нашриёт. Тошкент: 1992.-2006.
19. Холматов Ҳ.Ҳ., Пратов Ў.П., Маҳсумов М.Н. Асоратсиз доридармонлар “Ўқитувчи” нашриёт- манбаа ижодий уйи. Тошкент: 206.-207 б.
20. Этимологический словарь лекарственных растений, сырье и препаратов. Составители О.Ф.Петюнина, П.В. Огородников. Медицина.М., 1973.-117 с.
21. Минц И.П. Этимологический словарь лекарственных растений. Под.ред. проф.А.Ф. Гаммерман.Л., 1962. -53с.
22. Ўзбекистон юксак ўсимликлари оилаларининг замонавий тизими ва ўзбекча номлари.(методик тавсия) Тузувчилар: Ў.П.Пратов, Т.Одилов. Тошкент: 1988. – 166с.